Македонияликлар дарёни кечиб ўта бошладилар. Спитаменнинг камончилари дарёни кечиб ўтаётган душманни рўпарадан камонлар ёрдамида қириб ташлай бошладилар. Шу билан бир вақтда Спитаменнинг отлиқлари дарёга ташландилар ва дарёнинг ўртасидаги оролларнинг бирида яширинишга ҳаракат қилган душмanning қанотларига ҳужум қилдилар. Спитамен отряди македонияликларни том маънода камонлардан тор-мор этди. Македонияликларнинг бир қисми саклар томонидан қўйилган пистирмага тушди.

Бунда македонияликларнинг ҳамма ҳарбий бошлиқлари ўлдирилди, фақатгина 40 отлиқ ва 300 пиёда жангчилар қочишга улгурдилар.

Спитаменнинг ҳаракатчан отлиқ отряди, жангга киришмасдан, душманни тузоқларга киришга мажбур қилиб, пистирмалар уюштириб, Македония армиясининг йирик отрядини тор-мор этди.

Искандар ўз отрядига ёрдам кўрсатиш учун катта куч ташлади, бу кучлар уч кун мобайнида 280 км йўл босиб келганига қарамай анча кечикди.

Македония қўшинлари ҳалок бўлганларни дафн этди ва саклар ҳудудига ичкарилаб кетишдан ҳайиқиб Бақтрияга қайтди. Бутун қиш давомида Македония армияси янги кампанияга тайёргарлик кўрди ва шу билан бирга, Бақтрия ва Сўғдиёнанинг қўзғолон кўтарган халқлари билан курашни давом эттирди.

Искандар Шарққа юришни бошлаганида, у ҳали ҳам ўзининг устози Арастунинг (Аристотелнинг), «варвар ва қул табиатан иккаласи бир хил» -деган ўғитларига ишонар эди. Лекин, Искандарнинг ўзига номаълум бўлган узоқ юртда кўрганлари, унинг «варварлар» тўғрисидаги тушунчасини тубдан ўзгартириб юборди. Бу ерда у қулларча таъзим ва эркисизликни эмас, варварлик ва нодонликни эмас, балки матонат ва юқори инсоний қадр-қимматни кўрди.

Спитамен бир кун ҳам душманни тинч қўймади Унинг учқур отлиқ отрядлари босқинчиларга ҳужум қилиб, унга сезиларли талофатлар етказдилар.

М.а. 328 - йилнинг баҳорида Искандар ўз армиясини беш қисмга бўлди, Сўғднинг у чеккасида бу чеккасигача ҳаракатланиб, 120 минг кишини қириб ташлади. Шу йилнинг кузида Спитаменнинг Искандар билан Мароқанд учун охириги жанги бўлиб ўтди. Бу

жангда иккала томон ҳам катта талофатлар кўрди. Спитамен яна чўлга чекинди. Бу ерда кўчманчи қабилаларнинг раҳбарлари сотқинларча унга хужум қилдилар ва Аррианнинг ёзишича, –«унинг бошини танасидан жудо қилиб Искандарга юбордилар, шу билан ўзларига таҳдид солиб турган хавфни бартараф этдилар».

Ахоманийлар дунёсини забт этган Искандар Сўғдиёнада халқ қўзғолонини охиригача бостира олмади. Фақатгина маҳаллий зодагонларнинг хоинлиги ва юнон-македон армиясининг ҳарбий устунлиги туфайли Сўғдларнинг қахрамонона қаршилиги бостирилди. Ўрта Осиё ерларини забт этиш учун Искандарнинг қарийб уч йил вақти кетди, лекин шунга қарамай у ўзига унча катта бўлмаган ҳудудни: Сўғд, Бактрия ва тоғ вилоятларининг кичик қисмини бўйсундира олди. Хоразм ва кўчманчи қабилалар ўз мустақилликларини сақлаб қолдилар.

Маҳаллий зодагонларни ўз томонига оғдириб олиш учун Искандар, Сўғднинг тоғ вилоятларидан бирининг ҳукмдори Вахшуварнинг (Оксиартнинг) қизи Роҳшанакка (Роксанага) уйланди.

Спитаменнинг қўзғолони қийинчилик билан бостирилди, лекин ҳали ҳам Паретакена (паретаклар мамлакати–Сурхондарёнинг шимолий ҳудудидаги тарихий вилоят) қаршилиқ кўрсатаётган эди, бу ерда қабила бошлиқлари Австан ва Катан раҳбарлигида бактрияликлар қахрамонона жанг қилаётган эдилар. Бу қўзғолон қонга ботирилди. Македониялик Искандар учун ғалаба қимматга тушди ва мағлубият билан тенг бўлди. Сирдарёга етиб келиб у сакарлар билан хужумни давом эттиришга ботина олмади.

Спитамен, Австан, Катан сингари истеъдодли саркардалари, жанг олиб бориш қобилияти юқори бўлган отлиқ отрядлари бўлган аждодларимизнинг матонатлари, македонияликларни Бактрия ва Сўғдиёнани босиб олиш учун кўп куч ва вақт сарфлашга мажбур этди. Македония армияси катта талофатлар кўрди. Искандарнинг ўзи бир неча марта ярадор бўлди.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Разин Е.А. История военного искусства. 1994.
2. Ротмистров П.А. История военного искусства. 1963.
3. Дельбрюк Г. История военного искусства в рамках политической истории 1996 г.
4. Рахмоналиев Р. Империя Тюрков. Москва: «Прогресс» 2002.

SECTION: PEDAGOGY

Azimova Ziyodaxon
Maktabgacha pedagogika kafedrası
dotsenti, pedagogika fanlari doktori
Andijon davlat universiteti
(Andijon, Uzbekistan)

OILA VA MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTI HAMKORLIGIDA TABIAT BILAN TANISHTIRISH MASHG'ULOTLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH

Annotatsiya. Maqolada oila va maktabgacha ta'lim tashkiloti hamkorligida tabiat bilan tanishtirish mashg'ulotlarining pedagogik shart-sharoitlarini takomillashtirish, ularni to'g'ri tashkil etish, bu yo'nalishda pedagoglar kompetensiyasini rivojlantirish masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: tabiat bilan tanishtirish, tarbiyachi, maktabgacha ta'lim, kompetensiya, uzviylik.

Maktabgacha ta'lim jarayonida bolaning mantiqiy tafakkur qila olishi, aqliy rivojlanishi, dunyoqarashi, kommunikativ savodxonligi va o'z-o'zini anglash salohiyatini shakllantirish ko'zda tutiladi. Maktabgacha ta'lim tarbiyalanuvchilari jismonan sog'lom bo'lishga, moddiy borliq go'zalliklarini his eta olishga, go'zallik va nafosatdan zavqlana olishga o'rgatiladi. Milliy urf-odatlar, ularga rioya etish, ular bilan bog'liq an'analarni ardoqlash, ajdodlar oldidagi mas'ullik tuyg'ulari sungdiriladi [2; 23]. Tabiatshunoslik mashg'ulotlarida tevarak atrofdagi tabiat bilan tanishtirish, unda olam tuzilishi va tabiat hodisalari haqida boshlang'ich tasvvur hosil qilish, ilmiy dunyoqarash kurtaklarini shakllantirish, tabiatga muhabbat uyg'otish va undan oqilona foydalanishni o'rgatish ko'zda tutiladi.

Oila hamda maktabgacha ta'lim tashkiloti mashg'ulotlarida tabiat bilan tanishtirishda, bilim berish, ko'nikma va malakalarni shakllantirishda o'zaro hamkorlikdan, shuningdek, xilma-xil usullardan foydalanish bolalarning bilim olish qobiliyatlarini o'stirish, ta'limni hayot bilan bog'lash va mehnatga tayyorlashga qaratiladi. Hamkorlik asosida mashg'ulotlarni turli usulida tashkil etish ota-ona va tarbiyachidan ko'p mehnat talab qilsa-da, bolalarni shijoatkorlikka undab, fikrlarni vaqtdan unumli foydalangan holda tez, aniq, lo'nda va ixcham ifodalashga zamin yaratadi. Oiladagi muhitni ta'lim-tarbiya maqsadiga moslashtirish, mashg'ulotlarni ilg'or ta'lim metodlari va usullarga tayanib tashkil etish orqali bolalarni faollashtirishga, mustaqil fikr yuritishga, yangi tushunchalarni matn ichidan topib, mazmunini anglab etishga harakat qilishga yo'llash mumkin. Agar bola oilada va MTTda yangilik sari intilmasa, unda qobiliyat, o'z fikri, nuqtayi nazar ham shakllanmaydi. Buning uchun oiladagi tarbiya hamda maktabgacha ta'limdagi barcha mashg'ulotlar, ulardagi komponentlar va mavzulardan integrativ yondashuv asosida iste'foda etish lozim. Quyida bu boradagi ayrim tajribalar bilan o'rtoqlashamiz.

“Atrofimizdagi olam” siklidagi qo'llanma va kitoblar tabiat bilan yaqindan tanishtirishda birlamchi manbaa sanaladi. Tabiatga doir bilimlar ta'lim bosqichlaridagi uzviylik va uzluksizlik tamoyiliga tayanib davom ettiriladi. Atrof olam bilan tanishtirish bo'yicha dastlabki mashg'ulotlarda bolalarni kitoblar bilan ishlashga o'rgata borib, tarbiyachi ularga ishdagi izchillikni tushuntirishi kerak: avval rasmlar qarab chiqiladi va ularga izohlar o'qib eshittiriladi, shundan keyin savollarga javoblar olinadi. Tayyorlov guruhi bolalari uchun tabiat to'g'risidagi she'rlar, maqollar, topishmoqlar, bilan mashg'ulotni boshlash yaxshi samara beradi. “Men va atrofimdagi olam”, “Tomorqamizdagi gulzor”, “Xonamizda”, “Uyimdagi hayvonlar”, “Bizning mahalla”, “Ko'chada yurish qoidalar”, “Transportda yurish qoidasi”, “Shaxsiy gigiyena qoidalar”, “Quyosh”, “Yil fasllar”, “Ob-havo” mavzulari bo'yicha savol va topshiriqlar berish mashg'ulotni samarali bo'lishini ta'minlaydi. Tabiat haqidagi she'rlarni albatta yod olish shart emas. Asosiy maqsad – mavzu, mazmunining mohiyatini tushunishdir [1; 43]. Agar yodlatish maqsadga muvofiq topilsa, uyda ham, bog'chada ham bu borada bolaga alohida e'tibor, uni tinglash va rag'batlantirish to'g'ri yondashuv sanaladi. Mavzu bo'yicha yangi atamalar va xulosalar mavzuni yaxshi o'zlashtirishga yordam beradi.

Xalq ertaklarining har xil vaziyatlarda tasvirlangan qahramonlari ko'pgina mavzularda bordir. Ular go'yo bolalar bilan birga atrof olamni bilib olishga o'rganadilar. Bunday uslub tarbiyachiga o'yin vaziyatini o'rgatishga va yaratishga, bolalarda tabiatga va o'quv faniga qiziqishni oshirishga yordam beradi. Oilada ham o'qilgan ertak asosida suhbat uyushtirilishi va undagi o'simlik hayvonlar obraziga bola diqqatini tortish, birgalikda tahlil qilish muhim.

Rasmlar bolalarda kuzatuvchanlikni rivojlantiradi, shunga ko'ra ulardan ko'rilayotgan rasmda ilgorigiga qaraganda nimalar yangi vujudga kelganini so'rash zarur. Bu o'z Vatanining tabiati va odamlari mehnati to'g'risidagi bilimlarning keng doirasi to'g'risida tarbiyachiga maktabgacha ta'limni isloh qilishning asosiy yo'nalishlari qo'ygan eng muhim ta'lim-tarbiya vazifalarini amalga oshirishga imkon beradi.

Tayyorlov guruhlarda bolalar ob-havoni muntazam kuzatishni davom ettiradilar: bulutlanishni, shamol kuchini (kuchli, kuchsiz, mo'tadil) belgilaydilar. Fenologik kuzatishlar o'tkazishni davom ettiradilar: kunning uzunligini (kalendar bo'yicha), barglarning sarg'ayishini, xazonrezgiklikni, yil fasllari bo'yicha o'simlik va hayvonlar holatini belgilaydilar. Har oyning, ko'pincha fasllarning oxirida umumlashmalar qilinadi va bolalarning kuzatuvchanligi, sinchkovligi kuzatiladi. Unda shu oyning fenologik xususiyatlari belgilanadi. Bolalar jonsiz tabiatdagi o'zgarishlarning o'simlik va hayvonlar hayotidagi o'zgarishlar bilan qanday bog'liq ekanligi haqida xulosa chiqaradilar. Bunday ish kuzatishlarga qiziqishni, ularning sifatini oshiradi, tabiatshunoslik tushunchalarini chuqurroq o'zlashtirishga yordam beradi [3; 66]. Ob-havo va fasllardagi o'zgarish mashg'ulotlarda tanishtirilgan ekan, albatta oilada bu mustahkamlanishi darkor. Tarbiyachi ota-onalar bilan muloqot o'rnatib, bu borada o'zlashtirilgan bilimlar haqida ma'lumot berishi, oilada qanday mustahkamlash mumkinligi borasida tavsiyalar aytishi zarur.

“Madaniy o'simliklar”, “Uy hayvonlari” mavzularini o'rganishda bolalar kuzatish, tajriba, ekskursiya, amaliy ishlar o'tkazish yo'li bilan o'simlik va hayvonot dunyosining mahalliy vakillari bilan, o'z joyi yuzasining shakllari bilan, suv havzalari va suvning xususiyatlari bilan, tuproq hamda foydali qazilmalar bilan tanishadilar. Bolalar uchun “Bizning o'lka” tushunchasi

hammadan avval ularning uylari va bog'chasi joylashgan joydir, chunki ular uchun jonli, hayotiy kuzatish, kashf qilish manbalari bo'lib xizmat qiladi.

Bilimlarni mustahkamlash va mantiqiy tafakkurni rivojlantirish uchun maktabgacha ta'lim tashkiloti hududidagi bolalar uchun xavfsiz hamda qiziqarli bo'lgan tabiiy obyektlarga sayohat o'tkazish foydalidir, bu sayohat vaqtida bolalar yo'lga nimalar kiyib olishlarini, yo'lga nimalarni ko'rishlarini, qanday o'simlik va hayvonlar uchrashini aytishlari kerak bo'ladi [4]. O'z hududlarining tabiiy sharoitlarini ta'riflashda bolalar o'simliklar dunyosini tavsiflashga ko'proq e'tibor berishlari kerak. Bunda o'simliklarga bolalar yoshidan kelib chiqib xarakteristika berish, o'simliklarning mavjud turlarini ta'riflash va ularning barglariga, barglarining tuzilishlariga e'tibor qaratish lozim. Shunga ko'ra o'simliklarni o'rganishga bag'ishlangan shunday sayohatdan so'ng mashg'ulotlarda undan olingan taassurotlar o'rtoqlashiladi, xulosalar qilinadi. Sayohat davomida bolalar e'tibori tortilgan daraxtlar rasmi, ularning nomi yoki turli barglardan qilingan gerbariy ko'rsatilib, qaysi daraxt yoki o'simlikka tegishli ekani so'ralishi maqsadga muvofiq.

Ayni paytda xuddi shu kabi sayohat davrida uchragan (yoki rasmlari orqali tanishtirilgan) hayvonlar, qushlar haqida suhbatlar uyushtirilishi mumkin. Kichik va o'rta guruh bolalariga qaysi hayvon qanday ovoz chiqarishi, ularning tashqi ko'rinishi, nima bilan oziqlanishi, ovqatni qanday topishi, ba'zi xulq-atvori, odam uchun foydalimi yoki zararlimi ekanligi tushuntiriladi. Bu hayvon yoki qushlarning rasmi ko'rsatilib, ular bizning hududda yashashi yoki yashmasligi so'raladi. Sayohat paytida uchragan jonivorlar, daraxt yoki o'simliklarning nomidan tashqari bo'yi, eni, soni haqida savollar berilishi o'rinni bo'ladi. Bularning bari tabiat bilan tanishtirishni til va nutq, matematik tasavvurlar, qurush va yasash faoliyat markazlaridagi mashg'ulotlar bilan aloqasini ta'minlaydi. Bunda o'yin usullari qo'shilsa, samara bir necha marta ortishini mutaxassislar ta'kidlaydilar [5]. Bolalar uyga qaytishgach, yaqinlariga olgan taassurotlarini so'zlab berishi, ular yuzasidan savollarga javob berishi nihoyatda foydali. Bunda tarbiyachiga kata mas'uliyat tushadi, chunki u ota-onalarga kerakli ko'rsatmalarni berishi kerak.

"Tabiat va inson" mavzusi bolalarga o'z joylarining yuzasi to'g'risida aniq va tasviriy tushunchalar berish maqsadiga ega. Bolalar o'z qishloq, mahallalaridagi ariq (agar bo'lsa, ko'l yoki boshqa suv havzalari, inshootlari) to'g'risida suhbatda ishtirok etadilar, ularning turli fasllardagi holati haqidagi savollarga javob beradilar. Shuningdek, mahalliy yerlarga ekiladigan ekinlar, bog'lar va shu kabilar to'g'risida fikr almashinuvini yo'lga qo'yish darkor.

"Tabiat va inson salomatligi" mavzusini o'rganish bolalarda egallagan sanitariya-gigiena bilimlari va ko'nikmalari asosida quriladi. Bolalarning xilma-xil hissiyot va qabul qilishlaridan to'laroq foydalanish uchun ko'rgazmali qurollarni namoyish qilish bilan birga ularni gigiena qoidalarini amaliy jihatdan bajarishga o'rgatish zarur. Gigiyenik bilimlarning muvaffaqiyatli singdirilishi mashg'ulotlardagi xilma-xil metodlari hamda usullarini qo'llanish bilan ta'minlanadi.

Yer va Quyosh to'g'risida tushuncha berilar ekan, matematik tasavvurlar bilan bog'liq baland (tepa), past (quyi) kabi fazoviy yo'nalishga bog'lanish qilinadi. "Yer" atamasi bolalar uchun ularning yosh xususiyatidan kelib chiqib, joy yoki tuproq ma'nosinigina anglatishi mumkin. Quyoshga qarama-qarshi yoki yonma-yon qo'yibgina katta yosh guruhlarida Yerni sayyora sifatida tanishtirsa bo'ladi. Quyosh asli yerdan ancha kattaligi, u issiqlik va nur manbayi ekanligi, ana shu manbalar tufayli yerda butun tiriklik mavjudligi: insonlar va hayvonot dunyosi

yashashi, o'simliklar ko'karishi, daraxtlar o'sishi-yu mevalar berishi haqida dastlabki tasavvurlar hosil qilinadi.

Ayni paytda sutkaning bo'linishi, kecha va kunduz (kun va tun) haqida tabiiy tasavvurlar quyosh, oy, yulduzlarga bog'lagan holda shakllantirilishi maqsadga muvofiq. Katta yosh guruh bolalariga har oyning avvali va oxiridagi Oyning ko'rinishlarini kuzatish hamda ular haqidagi ilg'aganlarini topshiriq qilib bersa bo'ladi. Ota-onalar ham bu topshiriqni bilishlari kerak. Maktabga tayyorlov guruhlarida yangi chiqqan oy "hilol" deyilishi, oy oxirida to'lganda "to'lin oy" deb atalishini tushuntirish mumkin. Bu orqali tabiat bilan tanishtirish bolalarning so'z boyligini oshirish vazifasi bilan uyg'unlashadi.

Maktabga tayyorlov guruhlarida bolalar bilimini mustahkamlash va mantiqiy tafakkurni rivojlantirish uchun bolaalrning imkoniyatidan kelib chiqib, mamlakat (lar) bo'ylab xayolan sayohat uyushtirish foydali. Bu sayohat paytida bolalar yo'lga nimalar kiyib olishlarini, yo'lda nimalarni ko'rishlarini, qanday o'simlik va hayvonlar uchrashini aytishlari kerak bo'ladi. O'z va o'zga hududlarning tabiiy sharoitlarini ta'riflashda bolalar hayvonlar va o'simliklar dunyosini tavsiflashga ko'proq e'tibor berishlari kerak. Buning uchun avvalo o'simlik, meva yoki hayvon rasmini ko'rsatib, nomi so'raladi, so'ng qaysi hudud yoki mamlakatda yashashi aytiladi. Masalan, yo'lbarsni ko'rsatib, bizning hududda yashash yoki yashamasligi, nima bilan oziqlanishi, uni bizning sharoitda qayerda ko'rish mumkinligi (zooprkada), faydali yoki zararlgi so'raladi. Shuningdek, fil rasmi ko'rsatilib, uning qaysi mamlakatda yashashi (Hindistonda) va boshqa tafsilotlar kiritiladi. Oila davrasida ko'rilgan multfilm, kino hamda tabiatga bag'ishlangan ko'rsatuvlarni muhokama qilish bola dunyoqarashini kengaytirishda ahamiyatlidir.

Tabiat muhofazasiga oid masalalar tabiat bilan tanishtirish mashg'ulotlarining vazifasigina bo'lib qolmay maktabgacha ta'lim tashkilotlarda o'tkaziladigan barcha mashg'ulotlarda e'tibor markaziga qo'yiladigan muammodir [1; 23]. Barcha mshg'ulotlar bilan untegratsiyani yo'lga qo'yg'an holda ushbu maqsadni amalga oshirish lozim. Mavzuning asosiy masalasi - tabiat muhofazasi to'g'risidagi ilgariqi darslarda bayon qilingan ayrim ma'lumotlarni bildirish, tabiat muhofazasi bo'yicha qanday tadbirlar o'tkazilayotganligini ko'rsatishdir. Tabiat muhofazasining ma'nosi va ahamiyatini bolalarga ocha borib, tarbiyachi bu mavzuning katta tarbiyaviy ahamiyatga ega ekanligini e'tiborda tutishi kerak. Tabiat faqat jamiyatning moddiy hayoti uchun boylik olish manbaigina bo'lib qolmasdan, balki xalq ma'naviy boyligining asosi hamdir. Maktabgacha ta'limda bolalarni o'zlarini o'rab turgan olam, tevarak-atrofdagi tabiat bilan tanishtirish, ularda olam tuzilishi va tabiat hodisalari haqida tasavvur hosil qilish, ilmiy dunyoqarash kurtaklarini shakllantirish, o'lkamizning go'zal tabiati bilan tanishtirish orqali ona Vatanimizga muhabbat ruhida tarbiyalash, tabiatdan oqilona foydalanishni o'rgatish MTT hamda oila hamkorligida amalga oshiriladigan muhim vazifalardan biri sanaladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Djaborova X.J. Tabiat bilan tanishtirish metodikasi. T.: Ўқитувчи, 2020.
2. Sodiqova Sh. Maktabgacha pedagogika (darslik). T.: Fan va texnologiya, 2012.
3. Do'stmuhamedova Sh.A., Nishonova Z.T. va boshqalar Yosh davrlari va pedagogik psixologiya T.: Fan va texnologiyalar 2013.

4. Крылова О. А. Знакомство с природой. <https://nsportal.ru/detskiy-sad/okruzhayushchiy-mir/2016/02/07/znakomstvo-detey-s-prirodoy>
5. Карабанова Р.Н. Использование игровых обучающих ситуаций при знакомстве детей с природой. <https://nsportal.ru/detskii-sad/vospitatelnaya-rabota/2016/10/02/moi-publikatsii>

Baratov Jo'raqo'zi Shukurjon o'g'li
Farg'ona viloyati Uchko'priq tumani
28-maktab o'qituvchisi, mustaqil tadqiqotchi
(Farg'ona, Uzbekistan)

FIZIKADAN MASALALARNI NOSTANDART USULDA YECHISH METODIKASI

Annotatsiya. Ushbu maqola umumiy o'rta ta'lim maktablarida molekulyar fizika va termodinamika asoslarini o'qitishda nostandart topshiriq (masala)lardan foydalanish hamda o'qitish metodikasini takomillashtirishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: Nostandart topshiriq, topshiriq-musobaqa, molekulyar fizika, test, o'yin, temperatura, o'lchov asboblari, ekspress-so'rov, mantiqiy fikrlash, kuzatish, tajriba.

Аннотация. Статья посвящена использованию нестандартных (задачи) заданий при обучении основам молекулярной физики и термодинамики в общеобразовательных школах, а также совершенствованию методики преподавания.

Ключевые слова: Нетрадиционное задание, задание-соревнование, молекулярная физика, тест, игра, температура, измерительные приборы, экспресс-запрос, логическое мышление, наблюдение, эксперимент.

Abstract. This article focuses on the use of non-standard (problem) tasks in teaching the basics of molecular physics and thermodynamics in general secondary schools, as well as on improving teaching methods.

Keywords: Non-traditional task, task-competition, molecular physics, test, game, temperature, measuring instruments, express-inquiry, logical thinking, observation, experiment.

O'quvchilarni muammoli topshiriq (test, masala, keys va b.)larni yechishga o'rgatish ta'lim jarayonining eng asosiy qismlaridan biridir. Nostandart masalalarni yechish metodikasi - o'quvchilarda fizika bo'limining "Molekulyar" fizika to'g'risidagi bilimlarni o'zlashtirishga va fikrlashni rivojlantirishga qaratilgan, fizika qonunlari va metodlariga asoslangan holda aqliy va amaliy harakat qilishni talab qiladigan o'quv jarayon hisoblanadi. An'anaviy masalalarni yechish usullari ma'lum (mantiqiy (matematik), eksperimental) bo'lsada, o'quvchilarni masalalarni yechishdagi faoliyatini tashkil etish o'quvchilar o'rtasida chuqur va mustahkam bilimlarni ta'minlash shartlaridan biridir. Bugungi kunda o'quvchilarning fizika bo'yicha bilimlari bitiruvchi kadrlar tayyorlash sifati bo'yicha tobora ortib borayotganini yaqqol namoyish etmoqda. Kuchli o'quvchilar guruhi uchun tayyorgarlik sifatining aniq o'sish tendentsiyasi va tayyorgarlikning qoniqarli va qoniqarsiz darajasiga ega bo'lgan bitiruvchilar guruhining ortida qolishi kuzatilmoqda. Bundan tashqari, ilgari bu kechikish asosan sifat ko'rsatkichi sifatida aniqlangan, ya'ni, past o'zlashtiruvchi o'quvchilar ko'proq hisoblashda xatolariga yo'l qo'yishadi va yechimni yakunlay olmas edilar. Asta-sekin, natijalar ko'rsatkichlarga qarab o'zgarib boradi, butun mavzular va tarkibidagi mavzularning elementlari ajralib chiqadi, ular ushbu butun bitiruvchilar guruhining ko'rish maydonida yaqqol nomoyon bo'ladi, ular nafaqat

o'qitish sifati, balki bilim hajmi bo'yicha ham o'sishni boshlaydilar. Dasturga muvofiq fizika oddiy maktablarda (haftasiga 2 soat) yoki ixtisoslashtirilgan maktablarda (haftasiga 3 soat yoki undan ko'p) o'rganilishi mumkin. Pedagogika va texnika oliy ta'lim muassasalarida o'qishni davom ettirishni rejalashtirgan o'quvchilar fizikani yuqori darajasida o'qishlari kerak, ya'ni, haftasiga kamida 3 soat o'tkaziladi. Odatda umumiy o'rta ta'lim maktablarida fizika haftasiga 2 soatdan o'rganiladi. Fizikani chuqurlashtirib o'qitish ko'proq fakultativ kurslarga bog'liq bo'ladi. Ushbu fakultativ kurslar asosiy dasturga muvofiq tashkil etiladi. Bunda o'quvchini fizik hodisalarni o'rganishning ma'lum usullari bilan tanishtirish, olingan bilim, ko'nikma va malakalarni amaliy xarakterini yanada kuchaytirish hisoblanadi. Ammo, shu bilan birga fizik hodisalarni tushuntirish uchun zarur bo'lgan barcha qonuniyatlarni o'rganish mumkin emas va shuning uchun fizikada masalalarni yechish qobiliyatining yuqori darajada shakllanishini ta'minlash mumkin emas. Shu sababli, fizik masalalarni yechishda fakultativ kurslar birinchi navbatda fizika bo'yicha asosiy darsning mazmunini rivojlantirishga mo'ljallangan bo'lib, ixtisoslashmagan oddiy sinflarda o'quvchilar ushbu fakultativ kursni hisobga olgan holda, mavzuni o'rganishning yuksak darajasiga mos keladigan ta'lim olish va oliy ta'lim muassasalariga kirish uchun tayyorgarlik ko'rish uchun haqiqiy imkoniyatga ega bo'ladi. "Fizikada nostandart masalalarni yechish metodikasi" orqali fakultativ kursi 10-11-sinf o'quvchilari uchun mo'ljallangan. Dastur quyidagi dasturlarga asoslangan:

Ushbu fakultativ kurs 34 soat miqdorida (10-11-sinfda bir yil o'qish uchun haftasiga 1 soat) o'qitishga mo'ljallangan bo'lib, ushbu darsning maqsadi 10-11-sinf o'quvchilarining fizika bo'yicha bilimlarini chuqurlashtirish va tizimlashtirish, turli xil masalalarni yechish va ularning kasbiy jihatdan aniqlanishiga hissa qo'shishdir. Uning asosiy yo'nalishi 7-9 sinflarda fizikani o'rganish jarayonida olgan o'quvchilarning bilim va ko'nikmalariga, shuningdek 10-11-sinfda fizika kursini o'rganishda mavzular bo'yicha bilimlarni chuqurlashtirishga asoslangan holda o'quvchilarni kirish imtixonlariga tayyorlash. Darslar haftasiga 1 soatdan o'tkaziladi.

Tanlov kursining vazifalari:

- a) fizik masalalarni hal qilish va mustaqil ravishda yangi bilimlarni egallash jarayonida kognitiv qiziqishlar, intellektual va ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish;
- b) asosiy kursda olingan bilim va ko'nikmalarni takomillashtirish;
- c) fizik masalalarni tasniflash, texnikasi va usullari;
- d) fizikadagi bilimlarni tabiat hodisalarini, materiyaning xususiyatlarini tushuntirish, fizik muammolarni yechish, fizik tarkibdagi yangi ma'lumotlarni mustaqil ravishda olish va baholash uchun qo'llash.

Kursning maqsadi:

- a) o'quvchilar bilimlarini chuqurlashtirish va tizimlashtirish;
- b) o'quvchilar tomonidan masalalarni yechishning umumiy algoritmlarini o'zlashtirish;
- c) masalalarni yechishning asosiy usullarini o'zlashtirish.

Fakultativ dars dasturi davlat ta'lim standarti, tayanch va ixtisoslashtirilgan maktablarning fizika kursining asosiy dasturlari mazmunini hisobga olgan holda tuziladi. Bu o'qituvchini o'quvchilar tomonidan allaqachon o'zlashtirilgan bilim va ko'nikmalarni yanada takomillashtirishga yo'naltiradi. Buning uchun butun dastur bir nechta bo'limlarga bo'lingan.

Fakultativ kursning mavzularini quyidagicha tanlab olishimiz mumkin:

N ^o	Kusr mazulari	soat
1.	Modda tuzilishining molekulyar-kinetik nazariyasi.	2
2.	Molekularning o'lchami va massasi.	2
3.	Modda miqdori. Molar massa.	2
4.	Ideal gaz.	2
5.	Temperatura.	2
6.	Gaz molekularining harakat tezligi.	2
7.	Ideal gaz holatining tenglamalari.	2
8.	Izotermik jarayon.	2
9.	Izobarik jarayon.	2
10.	Izoxorik jarayon.	2
11.	Ichki energiya. Termodinamik ish.	2
12.	Issiqlik miqdori.	2
13.	Termodinamikaning birinchi qonuni.	2
14.	Ichki yonuv dvigatellari.	2
15.	Issiqlik dvigatellarining ishlash prinsipi.	2
16.	Suyuqlikning xossalari. Ho'llash. Kapillyar hodisalar.	2
17.	Bug'lanish va kondensatsiya. Atmosferadagi hodisalar.	2

Dastur maktab fizikasi kursining asosiy bo'limlarini yoritib beradi, o'rganish boshlanishida ushbu bo'limning asosiy qonunlari va formulalari o'quvchilar bilan takrorlanadi. Har bir bo'lim uchun vazifalarni tanlashda siz hisoblash, yuqori sifatli, grafik, eksperimental vazifalardan foydalanishingiz mumkin. Kurs boshida ikkita dars beriladi, ularning maqsadi o'quvchilarni "muammo" tushunchasi, ularning tasnifi va hal qilishning asosiy usullari bilan tanishtirishdir. Aqliy operatsiyalarni shakllantiruvchi algoritimga katta ahamiyat beriladi: masalaning holatini tahlil qilish, taxmin qilish, loyiha yechimi, gipoteza (yechim), xulosa. 10-11-sinfda masalalarni yechishda harakatlar ketma-ketligi, fizik hodisani tahlil qilish, yechim talaffuzi, olingan javobni tahlil qilishga alohida e'tibor beriladi. Bo'lim boshida tasvirlash uchun mexanika, molekulyar fizika, elektrodinamikadan masalalar qo'llaniladi. Takrorlashda ham nazariy materiallar, ham muammolarni hal qilish usullari umumlashtiriladi, tizimlashtiriladi va yagona davlat imtihoniga tayyorgarlik ko'rishda takrorlash maqsadlari hisobga olinadi. Mexanika, molekulyar fizika, elektrodinamikadagi masalalarni yechishda asosiy e'tibor masalalarni yechish qobiliyatini shakllantirishga, har xil qiyinlikdagi masalalarni yechishda tajriba to'plashga qaratiladi. Asosiy mavzular ("Kinematika va dinamikasi", "Molekulyar fizika", "Elektrodinamika") ni o'rganish oxirida yakuniy mashg'ulotlar test ishlari shaklida o'tkaziladi, ularning vazifalari "B" va "C" qismlar fizikasidagi ochiq ma'lumotlar bazalariga asoslangan. Variantlar bir soatga mo'ljallangan bo'lib, 5 dan 10 gacha vazifalarni, ikkita variantni o'z ichiga oladi. Molekulyar fizika (2 soat): Gazlar, suyuqliklar va qattiq moddalarning tuzilishi va xossalari. Molekulalarning asosiy xarakteristikalariga oid masalalarni kimyo va fizika bilimlariga asoslangan holda yechish. Ideal gazning qonuniyatlarini tavsiflovchi masalalarni yechish: MKN ning asosiy tenglamasi, molekulalarning tezligini, izojarayonlardagi gaz holatining xususiyatlarini aniqlash. Izojarayonlar uchun masalalarning grafik yechimi. Havo namligining xususiyatlarini aniqlash uchun muammolarni hal qilish algoritmi.

1. Masala: Havoni tashkil etuvchi (kislorod O_2 , azot N_2 , geliy He) gaz molekularining o'rtacha kvadratik tezligini o'quvchilar temperaturasi $27^\circ C$ bo'lgan haroratda aniqlashgan, va bunda barcha gazlarning o'rtacha kvadratik tezliklari aniq hisoblab chiqilgan. Yuqoridagi moddalarning molyar massasi $\mu_1(O_2) = 32 g/mol$, $\mu_2(N_2) = 28 g/mol$, $\mu_3(He) = 4 g/mol$. Temperaturani kelvinga o'tkazish formulasi quydagicha: $T = (t + 273) = 300 K$

Masaladagi moddalarni o'rtacha kvadratik tezligini hisoblash formulasi $v = \sqrt{\frac{3RT}{\mu}}$ orqali aniqlaymiz.

Yechish:

$$v_1 = \sqrt{\frac{3RT}{\mu}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 8,31 \cdot 300}{32 \cdot 10^{-3}}} = 484 \text{ m/s}$$

$$v_2 = \sqrt{\frac{3RT}{\mu}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 8,31 \cdot 300}{28 \cdot 10^{-3}}} = 517 \text{ m/s}$$

$$v_3 = \sqrt{\frac{3RT}{\mu}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 8,31 \cdot 300}{4 \cdot 10^{-3}}} = 1367 \text{ m/s}$$

Savol:

a) Azot molekulasining o'rtacha kvadratik tezligi kislorod molekulasining o'rtacha kvadratik tezligidan necha foizga ko'p?

b) Geliy molekulasining o'rtacha kvadratik tezligi kislorod va azotnikidan necha marata katta?

Javob:

$$a) \frac{v_2}{v_1} 100\% - 100\% = \frac{517}{484} 100\% - 100\% = 7\%$$

7% foizga ko'p ekan.

$$b) \frac{v_3}{v_2} = \frac{1367}{517} = 2,64 \text{ marta katta ekan, } \frac{v_3}{v_1} = \frac{1367}{484} = 2,82 \text{ marta katta ekan.}$$

2. Masala: Havoni tashkil etuvchi (kislorod O_2 , azot N_2 , geliy He) gaz molekularining o'rtacha kvadratik tezligini o'quvchilar temperaturasi $27^\circ C$ bo'lgan temperaturada aniqlashgan, bunda barcha gazlarning o'rtacha kvadratik tezliklari aniq hisoblab chiqilgan. Bunda kislorodning o'rtacha kvadratik tezligi $484 \frac{m}{s}$ ekanligi ma'lum bo'ldi. Ushbu moddalarning molyar massasi $\mu_1(O_2) = 32 g/mol$, $\mu_2(N_2) = 28 g/mol$, $\mu_3(He) = 4 g/mol$.

Savol:

Shu temperaturada qaysi gazning o'rtacha kvadratik tezligi kislorodnikidan 2.64 marta katta bo'ladi?

Masaladagi gazlardan qaysi birining o'rtacha kvadratik tezligi 7% foizga kam kislorodnikidan?

Bu gazlarning o'rtacha kvadratik tezligini o'sib borish tartibida joylashtiring?

Javob: Birinchi masaladan foydalanib gazlarning o'rtacha kvadratik tezliklarning aniqlangan qiymatidan foydalanamiz

$$v_1 = \sqrt{\frac{3RT}{\mu}} = \sqrt{\frac{3 \cdot 8,31 \cdot 300}{32 \cdot 10^{-3}}} = 484 \text{ m/s} \quad \text{kislorodning o'rtacha kvadratik tezligi}$$

yuqoridagi masaladan ko'rinib turibdiki geliyniki azotnikidan 2,64 marta katta ekan.

Birinchi masaladagi birinchi hisoblashdan azotniki kislorodniki 7 % foizga ko'p ekanligi malum bo'lgan.

Molyar massasi kichik bo'lgan gazning o'rtacha kvadratik tezligi katta bo'ladi. $\mu_3 < \mu_2 < \mu_1$, $v_3 > v_2 > v_1$ shu ko'rinishda o'sib boradi.

1. Masala: Sovuqqa qarshi kurash, past harorat ta'sirida Arktikada insonning yashashi eng katta fakt. Sovuqdan shikastlanishning oldini olishda kiyim katta rol o'ynashi aniq. Issiqroq kiyim bo'lmasa, odam qutbda sovuqqa bardosh bera olashi qiyin.

Savol. Qutbiy kashfiyotchining kiyimlari qanday xususiyatlarga ega bo'lishi kerak?

Javob. Qutbiy kashfiyotchining kiyimlari past issiqlik o'tkazuvchanligi va havo o'tkazmaydiganligi yuqori bo'lgan materiallardan tayyorlanishi kerak.

2. Masala: Barcha qushlar issiq qonli jonzoatlardir. Ularning tana harorati doimiy. Bu sutemizuvchi hayvonlarning tana haroratidan yuqori va taxminan 42°C , ayrim turlarida esa $(45 - 45,5)^\circ\text{C}$ dir. Tana patlar bilan qoplangan, old oyoq-qo'llari uchish organi - qanotlarga aylangan.

Savol. Uzun va kalta tuklar zichligi bo'yicha mavsumiy o'zgarishlarning o'rni qanday?

Javob. Tana termoregulyatsiyasining roli muhim ahamiyatga ega.

3. Masala: Inson nafas olish sistemasini o'pka alveolalar orqali nafas oladi, bunda o'pkada gazlar almashunuvi ro'y beradi. Bunda inson o'pkasining tiriklik sig'imi o'tacha 3000-4000 ml gacha bo'ladi. Inson tinch turganda 500 ml havo oladi. Havo tarkibini 21% kisloroddan 78% azotdan qoldani esa boshqa inert gazlardan tashkil topgan. Havoning zichligi

$$\rho = 1,29 \frac{\text{kg}}{\text{m}^3}, \mu_k = 32 \frac{\text{g}}{\text{mol}}, \mu_a = 28 \text{ g/mol}.$$

Bundan ko'rinadiki inson bir marta nafas olganda $m = \rho V = 1,29 \cdot 500 \cdot 10^{-6} = 0,645 \text{ g}$ havo yutadi. Demak, yuqoridagi foiz tarkibidan kislorod va azotning massalarini mos ravishda $m_k = 0,134545 \text{ g}$ $m_a = 0,5031 \text{ g}$ topiladi.



Savol: Inson bir nafas olganda o'pka ichiga qancha molekula kislorod kiradi?

$$\text{Javob: } N = \frac{m}{\mu} N_A = \frac{0,134545}{32} \cdot 6 \cdot 10^{23} = 2,54 \cdot 10^{21} \text{ ta kislorod atomi o'pkaga kiradi.}$$

Xulosa. Molekulyar fizika va termodinamikaga oid masalalarni yechish maqsadida ba'zi bir masalalarni nostandart usulda yechilishini ko'rsatdik, bunda asosan fanlar doirasida o'zaro

bogʻlanish hosil qilishga qaratilgan. Bunda oʻquvchida kreativ fikirlash hosil qilish undagi yangicha bilimlarni yuzaga chiqariish imkonini beradi.

ADABIYOTLAR:

1. Habibullayev P.Q., Boydedayev A., Bahromov A.D., Burxonov S.O. Fizika: umumiy oʻrta taʼlim maktablari 7-sinfi uchun darslik / Qayta ishlangan uchinchi nashr. – T.: «Oʻzbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2017. – 176 b.
2. Habibullayev P.Q., Boydedayev A., Bahromov A.D., Usarov J.E., Suyarov K.D., Yuldasheva M.K. Fizika: Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 8-sinfi uchun darslik / Qayta ishlangan va toʻldirilgan 3-nashri – «Oʻqituvchi» nashriyot-matbaa ijodiy uyi Toshkent – 2019. – 176 b.
3. Нестандартные проблемы физики. Для уроков естествознания / А.И. Семке. - Ярославль: Академия развития, 2007. - 320 с.: Help - (В помощь учителю).
4. Алексеев В.А. 300 вопросов и ответов. Ярославль: Высшая академия, 1997.

Kodirov Valijon
Andijon davlat universiteti Maktabgacha
pedagogika kafedrası dotsenti, pedagogika fanlari doktori
(Andijon, Uzbekistan)

MAKTABGACHA BO'LGAN ILK, KICHIK VA O'RTA YOSH DAVRIDA BOLALARDA NUTQIY KOMPETENSIYA DARAJALARI

Annotatsiya. Maqolada olib borilgan tadqiqotlar natijalariga ko'ra maktabgacha kichik va o'rta yosh guruh tarbiyalanuvchilarida nutqiy kompetentsiyalarning shakllanish imkoniyatlari va darajalari to'g'risida so'z yuritiladi.

Kalit so'zlar: maktabgacha ta'lim, kichik yosh davri, o'rta yosh guruh, nutqiy kompetensiya, tinglab tushunish, muloqot.

Maktabgacha ta'limda tinglab va so'zlash ko'nikmalari o'zaro bog'liqlikda shakllantiriladi. Bu bosqichda so'zlashni tinglashdan ayri tarzda tasavvur qilinmaydi deyish mumkin. Bolalar dastlabki axborot, bilim, ko'nikmalarni eshitish, ya'ni tinglab tushunish orqali qabul qiladilar va bu borada asta-sekinlik bilan tajriba, malaka hosil qilib boradilar. Lisoniy qobiliyat, dastlabki lisoniy ko'nikma va malakalar oilada shakllanadi. Lekin oiladagi muhit, bolaga e'tibor, uning tarbiyasiga yondashuv, ota-onalarning pedagogik saviyasiga ko'ra bu ko'nikma va malakalar bolalarda turli darajada rivojlangan bo'ladi. Shu bois uch yoshdan bolalarning maktabgacha ta'lim tashkilotiga borishi maqsadga muvofiq. U yerda mutaxassis tarbiyachilar kundalik ta'lim-tarbiya rejasi – jadvaliga muvofiq maxsus beshta faoliyat markazlarida bolalarni har tomonlama maktabga tayyorlash uchun davomli mashg'ulotlar olib boradilar. Ulardan biri – til va nutq faoliyat markazi mashg'ulotlari aynan lisoniy ko'nikmalarni rivojlantirishga yo'naltirilgan. Ilk yosh davri, kichik yosh guruhidan oxirgi maktabga tayyorlov yoshi guruhiga qadar bolalardagi lisoniy birliklar (so'z birikmasi, sodda gap, murakkablashgan sodda gap, qo'shma gap, hajmiga ko'ra turlicha bo'lgan matnlarni tushunish va tushuntirish) tajribasi murakkablik darajasi va hajmiga ko'ra tadriijiy rivojlantirib boriladi.

Dastlabki (**ilk yosh** – 3 yoshgacha) bosqichda bola nutqini rivojlantirishga e'tiborsizlik qilib bo'lmaydi, chunki bu davrda bola miyasi jadal sur'atda o'sib, rivojlanib boradi va uning vazifalari shakllanadi [4]. Fiziologik tadqiqotlar markaziy asab tizimi vazifalarini aynan ularning tabiiy shakllanish davrida osongina mashq qildirish mumkinligini aniqlagan. Mashqlarsiz ushbu vazifalarning rivojlanishi sekinlashadi va hatto umuman to'xtab ham qolishi mumkin. «Nutq uchun rivojlanishning bunday «hal qiluvchi» davri bola hayotining dastlabki uch yili hisoblanadi: bu muddatga kelib miya nutqiy sohalarining anatomik o'sib yetilishi asosan nihoyasiga yetadi, bola ona tilining asosiy grammatik shakllarini o'zlashtirib oladi, katta so'z zaxirasi shakllanadi. Agarda dastlabki uch yilda kichikintoy nutqiga yetarlicha e'tibor berilmagan bo'lsa, bu holda kelgusida uning o'rnini to'ldirish uchun juda ko'p mehnat qilishga to'g'ri keladi»[3; 5].

Bir yoshdan bola eshitgan, tinglaganlari va ko'rganlari asosida ongli ravishda, yani ma'nosini bilgan holda ayrim so'zlarni ayta boshlaydi. Bunda ko'rgazmalilik yetakchi metod sanaladi, ya'ni bola muhitidagi eng ko'p muloqot qiladigan, duch keladigan va qo'llanadigan

shaxs, narsa, harakat va holatlarni eshittirib va ko'rsatgan holda kundan kun lug'at boyligi oshirib boriladi. Ayniqsa, rangli suratlardan foydalanish samarasi katta. Ikki yoshdan bolalar ikki so'z (ega va kesim yoki to'ldiruvchi va kesim)dan iborat yig'iq gaplarni tuzib ayta oladi (*dadam keldi, suv ichaman* kabi). Ikki-uch yoshdagi bolada mana shunday konstruksiyali birliklar sonining imkon qadar orttirib borish bilan uning lisoniy ko'nikmalarini rivojlanishiga diqqat qilish lozim. Buning uchun bola lug'at boyligidan joy olmagan shaxs, narsa, harakat va holatlarni tushuntirib, gap tuzgan holda takrorlatib boriladi. Masalan: "Bu – xo'roz, xo'roz qu-qu-qu deydi". "Bu – do'ppi, do'ppini kiyasan" va hokazo. Bola bu eshitganlarini tushunadi, takrorlab borishi natijasida so'larni eslab qoladi va ular faol lug'at boyligidan joy oladi.

Demak ilk yosh davrida:

- bolaning tinglab tushunishi va munosabat bildirishi to'la holda dialogik muloqot asosida kichadi, bu muloqot tashabbuskori mutloq holda kattalar (ona, ota, buvi, buva, aka, opa v.b.) bo'ladi;

- kattalarni tinglashi, ular o'rgatmoqchi, tushuntirmoqchi bo'lgan narsa, so'zlarga e'tibor qaratishi uchun bola majburlanmaydi, balki unda bu obyektlarga ko'rgazmalilik (jonli, tabiiy holatini yoki rasmlarini ko'rsatish) asosida qiziqish uyg'otib, eshitishi, tushunishi va javob qaytarishiga erishish lozim;

- bola tinglab, ko'rish orqali o'rgangan so'z, birikma va gaplarni davomli tarzda takrorlanishiga erishish uchun vaqti-vaqti bilan bu shaxs, narsa, hodisa va harakat-holatga qayta murojaat etib turish maqsadga muvofiq;

- har qanday katta-kichik muvaffaqiyat rag'batlantiriladi (maqto'v, suyish bilan), shuningdek, bola unutgan, yodolmagan, tushunmagan narsalari uchun tanbeh berilmaydi, aksincha, sabr, bosiqlik bilan boshdan tushuntirish, eshittirish, ko'rsatish lozim bo'ladi, eng asosiysi, metodikani almashtirish kerak;

- har bir bola o'ziga xos bir dunyo, takrorlanmas yaratiqdir, uni qaysidir bola kabi qilishga, unga o'xshatishga urinmaslik kerak; u qanday bo'lsa, shundayligicha qabul qilib, imkoniyati, qobiliyatiga ko'ra yondashish kerak.

Davrlashtirishga ko'ra maktabgacha ta'limda 3-4 yoshli bolalar **kichik yosh guruhi** deb ataladi va shu yoshdan ommaviy ravishda MTTlarga jalb qilinadi. Boladagi jismoniy o'sish, fiziologik o'zgarishlar, intellektual rivojlanish tufayli uning atrof-muhit, voqelikni qabul qilish qobiliyati, ko'nikma va imkoniyatlari kengayadi. Shundan uning tinglaganlarini tushunish jarayoni tezlashadi va osonlashadi. Bu yoshlardagi eng muhim ijobiy va ijodiy o'zgarish – bola voqelikni ko'rgani va tinglaganlari asosida syujetli tarzda tushunishi va idrok qilishlaridir. Tinglagan ertak, yoshiga mos hikoya, ko'rgan multfilmlar voqeliklarini diqqat bilan tinglaydilar, tomosha qiladilar. Bu, ayniqsa, didaktik o'yinlar vositasida amalga oshirilsa, samarasi yanada oshadi [2; 117-123].

Kichik yosh davrida:

- bolaning tinglab tushunishi va munosabat bildirishi to'la holda dialogik muloqot asosida kechadi, lekin bu muloqot tashabbuskori faqat kattalar bo'libgina qolmay, bolaning o'zi, shuningdek, uning tengdoshlari, o'rtoqlari bo'lishi mumkin;

- kattalarni tinglashi, ular o'rgatmoqchi, tushuntirmoqchi bo'lgan narsa, so'zlarga e'tibor qaratishi uchun bola majburlanmaydi, lekin ko'rgazmalilik metodi bilan birga izohlash,

qiziqtirish, hissiy undash usullarini qo'llab, unda diqqat bilan tinglash, tushunish va javob berishga rag'bat uyg'otish lozim;

- bolaning tinglab tushunganlarini imkon qadar to'laroq ifodalashiga e'tibor qaratish lozim: bola tinglagan va ko'rganlarini to'la tushunmayaptimi yoki tushunsa ham ifodalab berolmayaptimi – bunda jiddiy e'tibor berish, aniqlab olish zarur. Bu asosan dialog – savol-javob orqali amalga oshiriladi. Agar yaxshi tushunmagan bo'lsa, qayta tushuntirish yoki boshqa bolalar javoblariga diqqat qildirish bilan bu bo'shliqni to'ldirish mumkin. Agar savol-javobda bola tinglaganlarini tushungan-u, ifodalashda qiynalayotgan bo'lsa, undan kutilyotgan, talab qilinayotgan javob ifodasini tushuntirib, aynan takrorlash – qayta aytib berishni so'rash maqsadga muvofiq bo'ladi.

- bola tinglab tushunganlari asosida javob berganda uning bir so'z (so'z gap), ixcham gap (ega va kesim, to'ldiruvchi (hol) va kesim) shakllari bilan kifoyalanib qolishiga qanoatlanib bo'lmaydi. Bu yoshda bola nutqining kengaygan sodda gaplar, qismlari ixcham bo'lgan qo'shma gaplar, ikki yoki undan ortiq gaplarning ketma-ketligidan iborat bo'lishiga erishish lozim. Bola eshitgan ertagi, ko'rgan multfilmini tushungani qadar qisqa tafsiloti bilan aytib bera oladi. Asosiy shartlardan biri – bu suhbat, ya'ni tinglash va so'zlab berish erkin, bola xohishi, ixtiyori va qiziqishlaridan kelib chiqishidir;

- muvaffaqiyatlarga rag'bat yangi yutuqlar, mashg'ulotlarga ishtiyoq omilidir, bu orqali doimo tinglab tushunish, yangi bilim, ko'nikmalarni egallashga, ruhlantiriladi, tinglaganlarini yaxshiroq tushunishga, tushunganlarinibatafsilroq so'zlab berishga undaladi; bu boradagi oqsashlar uchun zinhor tanbeh berilmaydi, lekin guruhdagi birining muvaffaqiyatiga ibrat uchun ta'kid bilan e'tibor tortiladi.

Maktabgacha ta'lim tizimida **o'rta yosh guruhi** sifatida maktab yoshigacha bo'lgan 4-5 yoshli bolalar nazarda tutiladi. Bu yoshga kelib bolalarda nutqning leksik-grammatik tomoni yetarlicha shakllangan va bog'lanishli nutq ham yuzaga keladi. Shuningdek, bu yoshda solishtirish qobiliyati ham bo'y ko'rsatadi, narsa va tushunchalarni farqiga ko'ra qiyosiy tahlil qilishga moyillik kuchayadi [5]. Bu narsa ularning lug'at boyligida, nutqiy faoliyatida ham aks etadi. Eshitganlarini tinglab, tomosha qilganlarini ko'rib tushunish ko'lami va ularni idrok qilish sifati ortadi. Ertak, hikoya, multfilm yoki guvoh bo'lgan voqealar syujetini bir nechta mantiqiy ketma-ketlikda tizib, bog'lanishli nutq shaklida bayon eta biladi. Ijobiy va salbiy obrazlarga nisbatan o'zining shaxsiy munosabatini bildiradi.

O'rta yosh davrida:

- bolaning tinglab tushunishi va munosabat bildirishida dialogik muloqot yetakchi mavqeda bo'ladi, kichik yosh davrida bo'lgani kabi bu muloqot tashabbuskori faqat kattalar bo'libgina qolmay, bolaning o'zi, shuningdek, uning tengdoshlari, o'rtoqlari bo'ladi. Ayni paytda tinglab tushunish boshqalarning undovi, maqsadi bilangina bo'lmay, bola o'zining istagi, suhbatdoshidan so'raganlarini tinglab qabul qilishi shaklida kechishi mumkin;

- bu yoshda ham bola suhbatdoshni tinglashga majburlanmaydi, unda turli metod va usullar bilan eshitishga va tushunganlarini kengroq bayon qilib berishiga ishtiyoq uyg'otish to'g'ri yo'l sanaladi. Dialog va ko'rgazmalilik metodlari har doimgidek samarali hisoblanadi;

- bolalarning qaysidir matnni tinglash yoki vizual shakldagi syujetli tasvirni (multfilm, kinofilm, bir mavzu yoki voqea bayoniga bag'ishlangan suratlar ketma-ketligi) ko'rishni boshlashidan oldin to'laqonli tushunishini ta'minlash uchun ularga yuqori motivatsiya uyg'otish

bilan birga tinglash//ko'rishga taalluqli ayrim qoidalarini kiritish ham mumkin (matnni o'qiyotgan tarbiyachiga qarab tinglash, uning harakati, mimikasini kuzatish, eshitish odobiga rioya qilish kabi);

- bolalarning tinglagan va ko'rganlarini qanchalik tushunganliklarini aniqlashi, shunga ko'ra tadbiri olishi lozim (buning shakli kichik yosh guruhi uchun berilgan usullarida aytiladi);

- bolalar tinglab va ko'rib tushunganlari asosida javob berganda ularda bog'lanishli nutqni shakllantirishga e'tibor berish tavsiya etiladi. Bolalar bir-ikki jumla bilan qisqacha so'zlab berishsa, tarbiyachi yo'naltiruvchi savollar bilan tushirib qoldirilgan tafsilotlarni to'ldiradi va shundan so'ng batafsilroq, to'laroq tarzda qayta so'zlab berish so'raladi. Shu tarzda syujet bir nechta bolaga so'zlatiladi, lekin bola xohlamasa, gapirishga majbur qilinmaydi, balki boshqa safar tinglaganlarini so'zlashga ishtiyoq uyg'otib, faollikka undash zarur;

- bola odatlanib qolgan dialogik nutqdan monologik nutqqa o'tishga jiddiy e'tibor qaratiladi, kichik yosh guruhi mazkur vazifa uchun o'ziga xos o'tish davri vazifasini o'taydi deyish mumkin;

- aloqa funksiyasi, ijtimoiy aloqalarni to'g'ri yo'lga qo'yish va atrofdagilarga nisbatan faol muloqot darajasi ustida ishlash shakl, usul va metodlarning turlicha bo'lishiga diqqat qilish;

- tengdoshlar bilan dialogni rivojlantirish amaliy harakatlarni kelishib olish, sherik nutqiga mos tarzda javob berishga turli ko'rinishlarda undaladi;

- guruhdagi bolalarning muvaffaqiyati shunchaki alqanmaydi, maqtov bilan birga buning sababi ham izohlanishi kerak.

ADABIYOTLAR:

1. Babayeva D.R. Nutq o'stirish metodikasi.T.: "Fan-texnologiya", 2009.
2. Кодиров В. Дидактик ўйинларнинг болаларни мустақил фикрлашга йўналтиришдаги методик имкониятлари. АДУ Илмий хабарномаси 2020, 1-сон
3. Кольцова М.М. Ребёнок учится говорить. Москва: Педагогика, 1973.
4. Қодирова Ф.Р. Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар. <https://giu.uz/wp-content/uploads/4.1>.
5. <http://new.tdpu.uz/news/538>

Matyakubova Dilorom Shomurotovna
Xorazm viloyati, Shovot tumani 22-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi
(Xorezm, Uzbekistan)

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI INNOVATSION METODLAR ORQALI O'QITISH SAMARALARI

Annotatsiya. Maqolada boshlang'ich sinf o'quvchining dars mashg'ulotlarini pedagogik, psixologik yondashuvlarga asoslangan holda tashkil etish va o'quvchining har bir dars davomida egallashi lozim bo'lgan bilimlar hajmini, o'zida hosil qiladigan ko'nikma va malakalarni oldindan belgilab olish o'ta muhimligi haqida fikr-mulohazalar kiritilgan.

Kalit so'zlar: standart, pedagogik texnologiya, o'quv dasturi.

O'quvchiga bilim berish, har bir dars mazmunini boyitish, qiziqarli mashg'ulotlarni dars jarayoniga singdirishni talab qiladi. Ruhshunoslarning aniqlashicha, boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'qituvchining oddiy tushuntirishi orqali egallab olgan ma'lumotlarga qaraganda turli xil ruhiy kechinmalar orqali o'zlari mulohaza yuritib, mustaqil bajargan ishlari vositasida o'zlashtirilgan bilimlarini uzoq esda saqlab qoladilar. Chunki o'quvchi mustaqil mashqlarni bajarishda faoliyat ko'rsatib, ilgari olgan bilimlariga tayangan holda ko'plab o'quv materiallarini hayolidan o'tkazadi. O'xshash hodisalarni taqqoslaydi. O'zicha mulohaza yuritib mustaqil hukm chiqaradi. O'qituvchilarning tayyor holda bergan ma'lumotida esa o'quvchi fikrlash faoliyati to'la ishga kirishmasdan to'g'ri javobni o'zlashtirib oladi. O'xshash hodisalarga duch kelishi bilan o'qituvchi bergan bilimni amaliyotga taqbiq qilishda qiynalib qoladi. Davlat ta'lim standarti va amaldagi maktab dasturlarida o'quvchi egallashi lozim bo'lgan materiallar ancha murakkab bo'lib, bolalarning bu bilimlarni bosqichma - bosqich egallab olishlarini, kengaytirib va rivojlantirib borishlarini taqozo etadi.

Bugungi Davlat ta'lim standarti va ta'lim tizimi biz boshlang'ich sinf o'qituvchilari oldiga o'ta mas'uliyatli vazifalar yuklamoqda. O'qituvchi har bir o'tilayotgan darsga ijodiy yondashishi, mashg'ulotlarni ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida qurishi, darsning har bir daqiqasidan unumli foydalanishi zarur. Mashg'ulotlarni shunday tashkil etish kerakki, o'quvchi har bir dars davomida egallashi lozim bo'lgan bilimlar hajmini, o'zida hosil qiladigan ko'nikma va malakalarni oldindan belgilab olishi lozim. Bu o'z navbatida o'quvchining mashg'ulotlarga aniq maqsad bilan qatnashishini taqozo qiladi. Chunki o'quvchi darsning oxirida belgilangan maqsadga erishganligini bilish imkoniyatiga ega bo'lishi zarur.

Albatta, boshlang'ich sinf o'quvchisiga bilim berish, har bir dars mazmunini boyitish, qiziqarli mashg'ulotlarni dars jarayoniga singdirishni talab qiladi. Bunda o'qituvchining dars uchun oildindan puxta tayyorgarlik korishi va darsda foydalanidigan usullari bolalarning mustaqil ishlashiga qaratilishi zarurdir.

Maktab bola hayotida juda muhim o'rin turadi. Shu davrda u atrof-muhit, jamiyat va kishilar mehnati, maktab-maorif haqidagi bilimlarni egallaydi. Kecha o'yin bilan band bo'lib, erkin faoliyat ko'rsatib yurgan bolaning birdan maktabning ichki qonun-qoidalariga moslashishi, belgilangan tartib asosida mashg'ulotlarga o'z vaqtida qatnashishi oson kechmaydi. Shu tufayli kichik maktab yoshidagi bolalar o'yin bilan bog'liq darslarda juda faol

qatnashadi. Biz o'qituvchilar buni hisobga olib, darslarga o'yin elementlarini kiritishimiz va undan ta'lim-tarbiyaviy maqsadlarda samarali foydalanishimiz lozim.

Bugun maktabga ilk bor qadam qo'ygan o'quvchining kechagi mashg'uloti o'yin edi. Bolada boshlang'ich sinflarda o'rganiladigan materiallarni o'zlashtirib olishga yordam beradigan epcchilik, hozirjavoblik, voqealarni bir-biriga taqqoslash, sinchkovlik kabi ijobiy xislatlarning shakllanish davri bo'ladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilariga mo'ljallangan bilimlarning o'zlashtirib olinishiga erishish uchun ana shularga tayanish va uni parvarish qila borish lozim. Bu o'rinda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning o'rni va ahamiyati juda kattadir. "Tasavvur qiling, bola ma'lum amaliy va ruhiy tayyorgarlikdan keyin maktab o'quvchisi bo'ladi. Uning vazifasi o'zgaradi. Bir kecha - kunduzda o'rtacha 4 soat ta'lim oladi. Kechagi o'yinqaroq bola bugun 40-45 daqiqa davomida diqqatini bir joyga joylab, o'qituvchi bilan muloqatda bo'ladi. O'quv axborotini qabul qiladi va idrok etadi. Ana shu vaqtda o'qituvchi loqayd, mas'uliyatsizlik qilsa, uning bu holati ota-onalarning holati bilan hamohang bo'lib qolsa, ota-ona ham yordam berishdan o'jiz, nazorat qilishga "vaqti yo'q" bo'lsa, o'sha o'quvchilar bo'sh o'zlashtiruvchi, tartibsiz yomon o'quvchilarga aylanadilar. O'z kasbining mohir ustasi bo'lgan fidokor o'qituvchi ana shu paytda o'quvchilarni qo'lga oladi, ularning mehrini, ishonchini qozonadi: o'quv mashg'ulotlariga qiziqish uyg'otadi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, davlatimiz tomonidan ta'lim tizimini takomillashtirishga bo'lgan e'tibor, bu ulug' xalqimiz, kelajagimiz va ertangi kunimizga bo'lgan e'tibordir. Kelajagimiz vorislari bo'lgan yosh avlodning mustahkam bilim olishlari, olgan bilimlarini kundalik faoliyatda qo'llay olishlariga, komil insonlar bo'lib voyaga yetishlariga imkoniyatlar yaratishimiz, ta'lim tizimiga bo'lgan e'tiborning yaqqol namunasidir. Bu esa buyuk kelajagimizga bo'lgan ishonch garovidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Azbarov Yu.T. Bolalarni sevish san'ati. T.: O'qituvchi. 1991. 138-b.
2. Azizxo'jayeva N.N. O'qituvchi tayyorlashning pedagogik texnologiyasi. - T.: TDPU. 2000. 52.b.
3. Jumaev M.E., Yuldasheva M.Yu., Mingbaeva B.U., Mamatova G.A., Levkina M.F. Boshlang'ich ta'lim fanlarini o'qitish metodikasi O'UM. Nizomiy nomidagi TDPU huzuridagi XTXQTUMOHM., 2017.
4. G'ulomova X., Yo'ldosheva sh., Mamatova G., Boqiyeva H. Husnixat va uni o'qitish metodikasi. - T.: TDPU, 2013. - 70 b.

Narziyeva Inobat Zoirovna
faculty of foreign languages
Department of Foreign languages in Natural Sciences
Bukhara State University
(Bukhara, Uzbekistan)

IMPROVEMENT OF EDUCATIONAL PROCESS AND INTRODUCTION OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Abstract. *In this article, as a result of the application of modern approaches and innovative methods in teaching English in primary school, students develop logical thinking skills, speech fluency, quick and correct response skills, passion for knowledge. This scientific article provides information on innovative and pedagogical technologies in the teaching process and their effectiveness in improving the educational process and a new approach.*

Keywords: *interactive method, pedagogical technology, innovation, method, science, programs, innovative*

Improving curricula and science programs based on the widespread use of advanced pedagogical technologies and innovative teaching methods in the activities of higher education institutions, as well as the gradual improvement of the quality of the educational process, effective forms and methods of teaching and modern information. A lot of work is being done today on the introduction of communication technologies. Logical thinking based on innovative technologies is one of the most important factors in the development of continuing education. They are manifested in a holistic system of various initiatives and innovations that lead to certain changes in the educational process, enriching the content, quality and effective organization of education. The rapid development of science, science and technology, the penetration of new techniques and technologies into all segments of society, the use of information technology in all governmental and non-governmental institutions require continuous education of teachers. Understand the need to reform the education system, in practice, requires the involvement of educational institutions in innovative processes, in the field of innovation, where there is an opportunity to create themselves, the role of communicator, facilitator, organizer and evaluator. The field of education is one of the first in our country to launch an active innovation movement. At a certain stage, such actions were launched in the late twentieth century. For example, the views of A.G. Rivinva and V.K. Dyachenko on collective teaching, D.B. Elkonin, V.V. Davidov, L.V. Zankov on the ideas of developmental innovative education have gained some importance. At the same time, other innovative educational technologies: dialectical teaching methods (A.I. Goncharuk, V.L. Zarina), individualized teaching methods (A.A. Yarulov), "Ecology and dialectics" (L.V. Tarasov), heuristic teaching (A.V. Xutorskoy) culture of dialogue (V.S. Bibler, S.Yu. Kurganov), project self-reflection (G.P. Shedrovitskaya), etc. The world experience shows that innovation processes are effectively implemented only in countries with a well-developed innovation system. technologies and other popular products are being commercialized. In this process, the participation of the state, the real sector of the economy and the support of innovative

activities of leading companies are important. Science is the basis of this integration mechanism, which ensures the technical progress of the state and the socio-economic development of society. Today, the interest in the use of innovative technologies and interactive methods in the educational process is growing.

The use of such methods increases the effectiveness and efficiency of education, increases the learning motivation of students. Innovation (English innovation) is the creation of innovation, innovation. Innovation is the use of a form of work aimed at increasing the effectiveness of the educational process, not on the basis of the same templates as in traditional education, but on the basis of innovations. Relying on pedagogical technologies in education, striving for innovation, the use of various interactive methods aimed at activating students will help to effectively achieve the goals of education. At the same time, new methods of teaching using modern information technologies are making great strides in the educational process. The technologies widely used in the field of education today teach students to independently study, analyze and even draw conclusions on the topics. Nowadays, the lessons are taught using interactive methods in education. are being formed. When using the interactive method, each teacher implements it based on the available tools and opportunities. As a result, students learn at different levels, depending on their motivations and intellectual potential. Based on the study of world experience in the practical application of interactive lessons, we will list several factors that affect the quality and effectiveness of the lesson. They can be conditionally called organizational-pedagogical, scientific-methodical and factors related to the teacher, students, teaching aids. They can be positive and negative in nature. Organizational pedagogical factors include: training of a team of teachers to conduct interactive training; -organization of teaching teachers interactive methods; -o 'Equipping the classroom with modern equipment; -Ensuring the comfort of the teacher's workplace; - Observing the rules of sanitation and hygiene -Observation of attendance and discipline. Scientific and methodological factors include: - Compliance with the requirements of the STS and the lesson. correct selection of appropriate interactive methods to ensure the full achievement of the goal; -ensure that each element of the interactive training is related to the topic being studied; -classes to determine the topic and content on the basis of the latest scientific and theoretical information; - to determine in advance the level of readiness of students and to conduct interactive classes at the appropriate level h; When designing a lesson, the teacher should clearly define his / her forms of work and the scope of students' work in the process of acquiring skills.

It is also important what teaching methods he uses. Focusing on more interactive methods when choosing a method will increase the effectiveness of the training. (The word "interactive" means "interaction" in English.) "Interactive methods" means teaching through interaction. There are 4 main types of interactive methods. These are: -cognitive methods; - games, experimental activities; -business games, modeling; -practical training, direct activity. All interactive methods involve collaboration between teacher and student, active participation of the student in the educational process. For example, in teaching a topic, in the modeling section, the teacher can use the Brainstorming method before demonstrating the model to the students. That is, students are asked how they understand the problem and how they can master the skill, and their opinions are summarized. Students' opinions are not criticized at all.

In the practical management section, the teacher can use the “Teach Your Companion” method. This method allows students to organize the lesson optimally, teaches students to critically monitor their activities and correct mistakes. Thanks to the reforms in the field of education in our country, the system of higher education has reached a new level of education. winter opportunity is not always available. Distance learning technologies have made it possible for them to study without leaving their hometown. Combining study and work - students have the opportunity to study while working, which is a special skill. It is very useful for students who want to increase or get a second higher education. Mastering quality technologies and curriculum, students can be taught using quality teaching materials, communicate with teachers and create their own individual curriculum. Impartiality of assessment - distance learning technology involves the constant control of the quality of knowledge, evaluation of results, the loss of material interest in areas of objective automated assessment that is free of human factors. In conclusion, the role of innovative technologies in the organization of the educational process is increasing. The use of distance technology has further expanded the possibilities of modern education. Today, education can be learned from anywhere in the world, using the capabilities of modern information and communication technologies (ICT).

Although traditional education retains its status, in recent years, distance learning technologies are becoming more popular. Today, our country is building an education system aimed at integrating into the new global information educational environment. This is accompanied by significant changes in the organization of the educational process in line with modern technical capabilities. The introduction of modern information technologies in the field of education allows to qualitatively simplify and change the methods of teaching and the organization of the teaching process on the basis of a new approach. Information and communication technologies are becoming an important part of the modernization of the education system.

REFERENCES:

1. M. Boltaeva, N. Makhmudov. Forms of the introduction of innovative technologies in physical training classes and ways of their use. Scientific bulletin of namangan state university, 2019.
2. Восиева Ш. Инглиз ва ўзбек тилларида сўз яшаш усуллари
3. Narziyeva I. Zamonaviy ogʻzaki nutq birliklarining madaniy va milky xususiyatlarini qiyosiy tadqiqi.
4. Ruzimurat Kunratovich Choriev, Muhabbat Fayzievna Khakimova, Oybek Olimovich Daminov, Hasan Ravshanovich Gaffarov, Khayrullo Ergashovich Tuychiev, Nurilla Normirza-o'g'li Makhmudov. Mechanisms of professional competence development for future teachers.
5. Восиева Ш. Ахмедова А.Нарзиева И. “AFFIXATION AND ITS ROLE IN EXPRESSING NATIONAL AND TRADITIONAL FEATURES OF UZBEK LANGUAGE”. Вестник науки и образование. N° 10(88)(май 2020)

Sagatova Gulnora Toxirovna
(Jizzakh, Uzbekistan)

ANALYSIS OF THE SYSTEM OF ASSESSMENT OF STUDENT KNOWLEDGE IN PUBLIC EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Annotation. *Reviews of State educational standards of general secondary and secondary special, vocational education, curricula and textbooks, program continuity, continuity and suitability for age and psychophysiological characteristics of students were analyzed in two stages.*

Keywords: *quality stage, people's commissar, quality of education, anthropology, excellent, good, satisfactory, bad, very bad.*

The Republic of Uzbekistan has entered a new qualitative stage in its socio-economic development. One of the priority areas of the country's development during this period is the system of training, which is based on the system of continuing education.

It should be noted that the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoev pays special attention to the training of teachers, improving the professional culture, improving the quality of education, the formation of cultural, educational and moral qualities of highly qualified teachers, full provision of all educational institutions with highly qualified teachers. PD-3289 of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 26, 2017 "On measures to further improve the system of teacher training, retraining and advanced training of public educators" and September 26, 2017 "On further improvement of the system of targeted training of candidates for higher education" Resolutions PD-3290 are another important piece of legislation aimed at the consistent implementation of the above tasks. These documents pay special attention to improving the professional culture of teachers, and its further improvement should be carried out in accordance with modern requirements.

In the former USSR, too, on May 31, 1918, the People's Commissariat for Education adopted a resolution "On the Abolition of Assessment." The resolution read:

- "The use of a scoring system in the assessment of students' knowledge and behavior should be abolished in school practice in any case.
- Transfer from class to class and the issuance of a certificate is based on the review of the pedagogical council on the student's academic achievements.

In those days, activating students' interest in reading was one of the most difficult challenges. The lack of theoretical foundations and methodological methods of individual stimulation of cognitive activity, ignoring the personality of students, extinguished the motivation to read.

Such an assessment of students' knowledge is strongly criticized in a number of school decisions made in the 1930s. On September 3, 1935, he returned to the five-point system. Instead of just numbers, "excellent", "good", "satisfactory", "bad", "very bad". Thus, mass unpaid schooling in schools ends in failure.

Another reason why students lag behind in mastering is that they do not critically evaluate their own learning activities. As a result of psychological and didactic research of

A.V. Zaporozhts, L.V. Zankov, P.Ya. Galperin, V.V. Davydov, D.B. Elkonin, N.T. Talyzin and others, the following conclusions were reached:

The learning opportunities of students are practically innumerable and many of them can be developed by changing the teaching process and content.

Proponents of her case have been working to make the actual transcript of this statement available online.

When a score is set, an expression is formed about the student's work, the spirit of competition is formed. The score is necessary not only for the teacher who teaches this subject, but also for the teachers who teach another subject, that is, the teacher who accepts the class. The non-pedagogical relationship between teacher and student is that only the teacher cannot evaluate the student correctly.

Opponents of the assessment say:

The student can reward or punish the student through assessment. As a result, the student's natural desire for knowledge is extinguished. They read only to get a positive grade. Each day, the survey becomes a unique exam. Excitement arises in the classroom, and much of the time allotted for reading is lost. It creates mistrust between teacher and student.

Historically, a second pedagogical direction has developed in parallel with the above. In the Middle Ages, the scoring system in German scholastic schools emerged as a means of enhancing the influence of society (primarily parents) on the child. This situation has easily penetrated into school practice in different countries. Grades have been put in various forms and have become a tool of pressure on students. It can be considered positive that grading is initially used instead of corporal punishment in German scholastic schools.

Intermediate and low-achieving students are constantly sitting in awe. As a result, their mental capacity is reduced by 15-20%. Every day, using numbers to tell a child that you are incompetent or that you are smart has a negative effect on him. During the exam, each member of the commission evaluates the student who gave exactly one answer differently. Teachers also have different approaches to classroom assessment. Some of them put a grade on one prepared lesson, while others put a grade on the whole course. Some of them involve the student's behavior, movement, aspiration, and so on. also takes into account. In general, a measurement is a comparison of what is being measured with a standard. For example, length is measured in meters, mass in kilograms, energy in joules, and information in bits. Accordingly, if we apply the concept of measurement to man, some of them can be given by precise parameters. For example, fat (in kilograms), tall (in meters and centimeters), etc. But the criteria for measuring some properties are not clear. For example, concepts such as "beautiful", "smart". Therefore, it is not correct to evaluate a student's multifaceted cognitive activity with exactly one score.

Price is often said to perform a management function. In fact, the score reminds the reader that at some point, a topic was answered. It is not clear what the child knew or did not know. The scores a student receives do not give much information to their parents either. There can also be an incorrect reaction if they just don't match the expected result.

Proponents of pricing are asking that in response to these objections, they may agree not to quote, but tell them what to replace it with.

Experiments on priceless teaching have been conducted in Russia and some European countries. In most cases, prices are replaced by characteristics. The essence of the characteristic is that in it the teacher writes down the process of mastering the knowledge of each student and provides information about the lags in mastering this process and his interests.

Many are concerned with the quality of education. A special commission has been set up in Europe to assess the quality of education. 6 symposiums on human qualimetry and education were held in Russia. Nevertheless, quality indicators, criteria and management methods relevant to the concept of education quality are now being formed.

Analyzes show that it is impossible to use the system of national evaluation of the quality of education of others without exactly changing it. For example, the paradigms of "Humanities", "Valeology" and so on, which are related to education in the Commonwealth, are not fully understood by most educators.

REFERENCES:

1. Karimov I.A. Uspex reform- garantiya nezavisimosti. *Sobr. Soch.* T. 1. S. 228-235.
2. Karimov I.A. Harmoniously developed generation - the basis of progress
3. Y. Abdullaev "Learning to read and write in the old school" (1867-1917) Tashkent 1961.
4. G.S. Solijonova «Educational centers of enlightenment in Turkestan, their social significance» (late 19th and early 20th centuries).
5. Sh. Kurbanov, E.Seytkhalilov. Education quality management. T. " Turon-Iqbol ": 2006 - 592 pages

Sherjonova Guli Raimboevna, Hajiyeva Gulora Erkabayevna
TTAUF akademik litseyi, o'qituvchi
(Urganch, O'zbekistan)

AL-XAZINIY-MIQDORIY ANALIZ ASOSCHISI

“Butun dunyoda buyuk ajdodlarimizning so'nmas dahosiga hurmat-ehtirom, ularning boy ilmiy merosini o'rganishga qiziqish hamisha yuqori bo'lgan. Xorijiy mamlakatlarda ularning hayoti va faoliyati haqida ilmiy va badiiy asarlar yaratilgan.”¹

Sh.M. Mirziyoyev

Annotatsiya. Ushbu maqolada O'zbekistonlik yoshlar kimlarning avlodlari ekanligi, va shu ajdodlarga munosib avlod bo'lish kerakligi fan texnika rivojlanmagan bir paytda bobokolonlarimiz qanday ishlar qilganini o'quvchilarni ongiga singdirish va hozirgi fanning yutuqlaridan foydalanib bilimlarni o'zlashtirish kerakligini ilgari suradi

Kalit so'zlar: shayipli tarozini, o'g'irlik o'lchovlari, o'lchov aniqligi, tarozilarning konstruksion tuzilishi, solishtirma og'irligini aniqlash usullar, suyuqlantirish va ajratish usullari.

Аннотация. В этой статье утверждается, что молодых людей в Узбекистане нужно учить тому, кто их потомки и чем занимались их предки в то время, когда наука и технологии были недостаточно развиты, и учиться на достижениях современной науки.

Ключевые слова: весы, кражи измерений, точность измерений, конструкция весов, методы определения удельного веса, методы разжижения и сепарации.

Annotation. This article argues that young people in Uzbekistan need to be taught who their descendants are and what their ancestors were doing at a time when science and technology were underdeveloped, and learn from the achievements of modern science.

Keywords: scales, theft of measurements, accuracy of measurements, design of scales, methods for determining specific gravity, methods of liquefaction and separation.

O'rta asrlarda sharq va butun musulmon dunyosida ilm-ma'rifat, san'at, adabiyot va boshqa sohalarida ulkan yuksalish bo'ldi. O'rta sharq va arab olimlari qadimgi yunon, misr, eron va hind olimlarining ilmiy asarlarini o'rganishib, ularning asarlarini tahlil qilishib o'zlarining ilmiy salohiyatini oshirib bordilar. Buning natijasida ilm-fanda yuksak cho'qqilarga erishdilar. Misol uchun kimyo sohasida birinchilardan bo'lib o'g'irlik o'lchovlari asosida moddalarni analiz qilish va o'zaro ta'sirlashtirishni boshlab berishgan. O'rta Osiyo va arab olimlari qadimgi misrliklar va yunonlar ishlatib kelgan shayipli tarozini ancha takomillashtirdilar va o'lchov aniqligini 5 mg. chegarasigacha tushira oldilar. Sobit ibn Qora "Qarastun haqidagi kitob" risolasida qarastun -

¹ Sh. Mirziyoyev- "Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz" - T. "O'zbekiston" NMIU 2017. - 488-b.

rimliklar tarozisi haqida ma'lumot bergan. Ayniqsa bu borada Xorazmlik alloma Al-Xaziniyning asarlarida keltirilgan ma'lumotlar diqqatga molikdir.

Xorazmlik alloma Al- Xaziniyning 1121 yilda yozilgan "Donishmandlik tarozilari haqida" nomli risolasi bilan tanishib chiqqanimizda, har xil tarozilarning (hatto gidrostatik tarozilar ham tavsiflangan) konstruksion tuzilishi va o'lchash usullarini batafsil berilganligiga guvoh bo'lamiz. "Donishmandlik tarozilari" asarida ikki elementdan tarkib topgan har xil metall qotishmalarining tarkibini aniqlash usullari ko'rsatib o'tilgan, bunda olim qotishmani suyuqlantirish va ajratishdan tashqari ularning solishtirma og'irligini aniqlash orqali ham bu natijalarga erishish mumkinligini batafsil izohlaydi. Ayniqsa, Abu Rayxon Beruniyning tajribalaridagi natijalarini o'rganib chiqqan. Xaziniyning har xil jismlar, birikmalar, ma'dan va metallarning solishtirma og'irliklarini aniqlashga doir keltirgan ma'lumotlari shunchalik mukammalki, ular hozirgi zamonaviy tadqiqot usullari yordamida aniqlangan kattaliklardan juda kam farq qiladi. Yevropa olimlarining asarlarida bunday yuqori aniqlikdagi ma'lumotlar ko'rsatilgan jadvallar XVIII asrga kelib, faqatgina fransuz olimi A. Lavuazening "Kimyo kursi" asaridan keyingina paydo bo'la boshladi.

Abu Rayhon Beruniy aniqlagan metallarning solishtirma og'irligi haqidagi Xaziniy ma'lumotlari

Metallar	Beruniy qiymati	Zamonaviy qiymat
Oltin -Au	19,05	19,25
Simob-Hg	13,56	13,59
Qo'rg'oshin-Pb	11,33	11,34
Kumush-Ag	10,43	10,42
Mis-Cu	8,7	8,86
Temir- Fe	7,87	7,86
Qalay-Sn	7,31	7,28

1857-yilda rus sharqshunosi N. Xanikov Al-Xaziniyning ilmiy faoliyati va kimyo sohaga doir miqdoriy hisob- kitob usullari bilan yaqindan tanishib chiqadi va uning ilmiy salohiyatiga juda yuqori baho beradi. Xaziniy va Beruniyning moddalar tarkibini va ularning solishtirma og'irliklari aniqlashga doir asarlarini 1858-yilda J.Kleman –Myulle fransuz tiliga tarjima qilishdi.

Yuqoridagi faktlarga asoslangan holda Al-Xaziniyni miqdoriy analiz asoschisi va kimyoviy jarayonlarni miqdoriy hisob –kitob qilishni boshlab bergan olim desak adashmagan bo'lamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. М. Миркомилова. Аналитик кимё. Т.: Ўзбекистон, 2003 й.
2. К.Р. Расулов. Аналитик кимё. Т.: Ғ. Ғулом нашриёти, 2004 й
3. О. Fayzullaev. Analitik kimyo T.: Yangi asr avlodi. 2006 y.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. - Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

**Xasanova Dilfuza Sapatvayevna, Matkarimova Nazokat Yuldashevna
Abu Ali ibn Sino nomidagi jamoat salomatligi texnikumi, o'qituvchi
(Urganch, O'zbekistan)**

**AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH TA'LIMDA SAMARADORLIKKA
ERISHISHNING MUHIM OMILI.**

*“... «Biz yurtimizda qanday islohotlarga qo'l urmaylik,
avvalo, siz kabi yoshlarga, sizlarning kuch-g'ayratingiz, azmu
shijoatingizga suyanamiz. Barchangiz yaxshi bilasiz, bugun o'z oldimizga ulkan
marralar qo'yganmiz.....” ...²
Sh. Mirziyoyev*

Annotatsiya. Ushbu maqolada ta'lim jarayonida yangi pedagogik texnologiyalarni joriy qilish haqida ma'lumot beriladi. Dars jarayonida har bir pedagog-o'qituvchi zamonaviy axborot texnologiyalarini qo'llashi, olib borilayotgan darsning samaradorligiga xizmat qilishi o'z ifodasini topgan.

Kalit so'zlar: o'quv jarayoni, samaradorlik, internet tarmog'i, axborot texnologiyasi, pedagogik mahorat.

Аннотация. В этой статье даётся информации о необходимости внедрения новых педагогических технологиях в процессе обучения. В процессе урока каждый педагог должен применять современные педагогические технологии, что послужит для плодотворного освоению урока.

Ключевые слова: процесс обучения, плодотворность, интернет провайдер, информационные технологии, педагогические технологии.

Annotation. This article provides information on the need to introduce new pedagogical technologies in the learning process. In the process of the lesson, each teacher must apply modern pedagogical technologies, which serve for the fruitful development of the lesson.

Key words: learning process, fruitfulness, Internet provider, information technology, pedagogical technology.

Yurtimizda ta'lim-tarbiya jarayonini ilmiy jihatda rivojlantirib, uni jadallashtirish va samaradorligini oshirish maqsadida zamonaviy yangi pedagogik texnologiyani ta'lim jarayoniga tatbiq etish bugunning talabidir.

Darhaqiqat, ta'lim jarayonini zamonaviy pedagogik texnologiya bilan ta'minlash, unga oid o'quv adabiyotlarni va darsliklarni tayyorlash va ularni pedagogik jarayonga tatbiq etish bugunning asosiy vazifalardandir.

² Sh. Mirziyoyev - "O'zbekiston Respublikasida 1-marta o'tkazilgan O'zbekiston yoshlari forumidagi tantanali marosimdagi ma'ruzasi." - T. 25.12.2020.

XXI asr - *texnika va texnologiya* asri. Ha, bu nom bejizga berilmadi. Atrof - muhitda sodir bo'ladigan hodisalar uni o'rganishga bo'lgan qiziqishni yanada o'rttirdi. Natijada odamda olamni bilishga, uning mohiyatini anglashga qiziqish ustunlik qila boshladi. Bu esa ilm fanda katta – katta o'zgarishlarni yuzaga keltirdi. Shuningdek, bu qiziqish ortidan ilm-fan sohasida misli ko'rilmagan kashfiyotlar paydo bo'ldi va hozirgacha paydo bo'lmoqda. Kundan-kunga kishini hayratga soladigan olamshumul yangiliklar yaratilmoqda. Bugungi kunda har qanday davlatning barqaror taraqqiyoti asosini innovatsion faoliyat tashkil etadi.

Tarix shundan dalolat beradiki, inson o'zining aql-zakovati bilan dastlabki mehnat qurollarini o'ylab topishdan, zamonaviy innovatsion kompyuter, yuqori texnologiyalarni kashf etishgacha bo'lgan murakkab yo'lni bosib o'tdi.

Ma'rifatli va rivojlangan mamlakatlarda muvafaqqiyat bilan qo'llanib kelinayotgan pedagogik texnologiyani o'rganib, xalqimizning milliy pedagogika an'analari bilan hamda ta'lim sohasining shu kundagi holatidan kehb chiqqan holda O'zbekistonning zamonaviy milliy pedagogik texnologiya modelini yaratish zaruriyati paydo bo'ldi.

Xususan, hozirgi kunda ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqishga e'tibor yanada teranroq kuchaymoqda.

Ta'limning samaradorligini oshirish o'z o'rnida yoshlarning ta'lim markazida bo'lishini va ularning mustaqil bilim olishlarini ta'minlashga xizmat qiladi. Bu yo'lda ta'lim muassasalariga yaxshi tayyorgarlik ko'rgan va o'z sohasidagi bilimlarni mustahkam egallagan kadrlar talab etilishi bilan bir qatorda ularning zamonaviy pedagogik texnologiyalarni va interfaol usullarni biladigan, ulardan o'quv va tarbiyaviy mashg'ulotlarni tashkil etishda foydalana oladigan mutaxassislar zarur.

Buning uchun barcha fan o'qituvchilarini yangi pedagogik texnologiyalar va interfaol usullar bilan qurollantirish va olgan bilimlarini o'quv-tarbiyaviy mashg'ulotlarda qo'llash malakalarini uzluksiz oshirib borish keng yo'lga qo'yilmoqda. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalari o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchi, talabalarni faqat tayyor bilimlarini agallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi.

Respublikamiz Prezidenti Sh. Mirziyoyevning 2018-yil, 27-aprelda qabul qilingan PQ-3682-son "Innovatsion g'oyalar, texnologiyalar va loyihalarni amaliy joriy qilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorining asosiy mazmuni ham aynan bugungi kunda ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish, texnik va texnologik jihatdan yangilash, shuningdek, ta'lim tizimidagi jarayonlarni tubdan isloh qilish, ta'lim jarayoniga innovatsion g'oyalarni olib kirishga qaratilganidir. Mamlakatimizda ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy, madaniy sohalarida bo'layotgan tezkor o'zgarishlar ta'lim tizimini ham tubdan isloh qilishni taqozo etmoqda, chunki mukammal ta'lim tizimi orqali Respublikamizning kelajakda intellektual imkoniyatlarini va uni gullab yashnashi hamda rivojlanishini belgilab beruvchi yoshlarni har tomonlama ijodkor, mustaqil faoliyat yuritadigan qilib tarbiyalashda asosiy omil bo'lib xizmat

qiladi. Shuning uchun ta'limda eng muhim strategik yo'nalish ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyati hisoblanadi.

Bu esa barcha ta'lim muassasalarida, ayniqsa ijodkor, yuqori salohiyatli mutaxassis kadrlarni tayyorlovchi oliy ta'lim maskanlarida innovatsion texnologiya ko'rinishida faoliyat olib borish dolzarb masalalardan biri bo'lib kelgan.

Shuning uchun ham, ta'lim muassasalarining o'quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o'qitish uslublari-interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning o'zni va ahamiyati beqiyosdir. Pedagogik texnologiya va ularning ta'limda qo'llanilishiga oid bilimlar, tajriba o'quvchilarni bilimli va yetuk malakaga ega bo'lishini ta'minlab kelmoqda.

Bu o'rinda, innovatsion texnologiyalar takomillashuvining yoshlar ongiga turli ta'sirlari mavjud. Buning isbotini boshqa rivojlangan chet el mamlakatlari tajribasida ko'rishimiz mumkin. Zamonaviy hayotga bog'langan holda, o'tmishini, o'zligini unutib qo'yayotgan yoshlar hayotimizda uchrab turibdi. O'z qadriyat va an'alarini yoddan chiqarib, turli xil buzg'unchi oqimlarga og'ib ketayotganlar ham shular jumlasidandir.

Ta'lim tizimini isloh qilishning zarurligini tushunib yetish, amaliyotda ta'lim muassasalarini innovatsion jarayonlarga qo'shilishini taqozo etmoqda, o'zini yaratish imkoni mavjud innovatsion maydonda ko'rish va eng muhimi aniq yangiliklarni o'zlashtirishdan iborat.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, bugungi kun innovatsion axborot texnologiyalarini ilm-fan va ta'lim sohasida muvaffaqiyatli qo'llanilsa, yangi yosh avlod ana shu jahon tajribasi asosida saboq olib, ulg'aysa, davlatimizning ertangi istiqboli, kelajagi yorqin bo'lishiga shak-shubha yo'q. Bu albatta, biz pedagoglarning oldiga katta mas'uliyat va vazifalarni yuklaydi. Bizga esa mana shunday sharaflil vazifa, ulug' ishonch, mas'uliyati yuklanganligidan faxrlanamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Shavkat Mirziyoyev, 2017-yil, 22-dekabr, Oliy majlisga murojaatnomasidagi nutqidan.
2. Tojiyev M., Ziyamuxamedov B., O'ralova M. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat fanining o'quv mashg'ulotlarini loyihalash. T., 2012.

INTERNET TARMOQLARI:

1. www.ziynet.uz
2. www.lex.uz

**Xudayberganov Shuhrat Shavkat o'g'li,
Abdullayeva Rayxon Atanazarovna
UrDU, o'qituvchi
(Urganch, O'zbekistan)**

**MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJODIY FIKRLASH
QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISH USULLARI**

*"Farzandlarimizning qobiliyatini ro'yobga chiqarishga bolalikdan e'tibor berib,
ularning kamoloti uchun barcha
imkoniyatlarimizni safarbar etsak, yurtimizdan yana ko'plab
Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar yetishib chiqadi.
Men bunga ishonaman" ...³
Sh. Mirziyoyev*

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilarida ijodiy fikrlash qobiliyatini shakllantirish usullari yoritilgan. Bunda didaktik o'yinlardan samarali foydalanish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

Kalit so'zlar: Maktabgacha ta'lim muassasasi, tarbiyalanuvchi, ijodiy fikrlash, didaktik o'yinlar.

Аннотация. В статье рассматриваются способы формирования навыков творческого мышления у дошкольников. Представлены несколько советов для эффективного использования дидактических игр.

Ключевые слова: дошкольное учреждение, дошкольник, творческое мышление, дидактические игры.

Annotation. The article discusses the ways of forming creative thinking skills in preschoolers. Some tips for using didactic games effectively are provided.

Key words: preschool, preschooler, creative thinking, didactic games.

Bugungi jadal texnologik rivojlanish davri sog'lom, zamonaviy bilimga ega, muammoli vaziyatlarga moslashuvchan hamda bu vaziyatdan oqilona fikr va qarashlari bilan chiqib keta oladigan yangi avlodni tarbiyalash vazifalarini ilgari surilmoqda. Mana shu davr inson kapitalini rivojlantirishda yuksak maqsadli vazifalarni amalga oshirishni ko'zda tutmoqda. Chunki inson kapitali uchun yaratilgan shart-sharoitlar istiqboldagi orzularimizni ro'yobga chiqaruvchi yosh avlodni voyaga yetkazadi. Bu 2019-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasida ham ilgari surilgan bo'lib, jumladan ta'lim tizimini takomillashtirish va inson kapitalini rivojlantirish mamlakatimizni jadal rivojlantirish omili sifatida ko'rsatib berilgan.

³ O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasining qabul qilinganligining 26 yilligiga bag'ishlangan tantanali tadbirdagi nutqidan

Inson kapitali ham noyob boylik singari baholanadi. U odamning mehnatga yaroqlilik davrida ko'rsata oladigan xizmatlari, layoqat, qobiliyat va fazilatlarining bahosiga teng bo'ladi. Demak, inson bolalik, yoshlikda o'rgangan bilim, ko'nikmalarini ishlatib, o'ziga va mamlakatiga ko'rsatadigan xizmatlari turkumining bahosiga teng. AQSHning qanday qilib boy mamlakatga aylanganini o'rgangan olim J. Kendrik "...bunda asosiy omil inson kapitaliga qaratilgan e'tibor ekan" ligini ta'kidlaydi.

Shu nuqtai-nazardan davlatimiz ham uzluksiz ta'lim tizimini tubdan isloh qilishni takomillashtirib bormoqda. Ayniqsa, maktabgacha ta'lim tashkilotlari faoliyatini yanada takomillashtirish borasida bir qancha me'yoriy-huquqiy asoslar yaratildi. Bu asoslar bolaning barcha huquqlarini kafolatlaydi. Jumladan, har bir bola maktabgacha ta'lim va tarbiya olish huquqiga ega. Davlat har bir bolaning umumiy o'rta ta'lim tashkilotiga o'qishga kirishidan bir yil oldin davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida umumiy o'rta ta'limga majburiy bir yillik tayyorgarlikdan o'tishga bo'lgan huquqini kafolatlaydi. Bolaning maktabgacha ta'lim va tarbiya olishiga doir davlat kafolatlari davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlari negizida maktabgacha ta'lim va tarbiya xizmatlarini ko'rsatish, shuningdek ta'lim va tarbiya berishning muqobil shakllarini tashkil etish orqali ta'minlaydi.

G. Shopengauer *"Har bir bola qisman daho, har bir daho esa qisman boladir"*-deb, bejizga aytmagan. Uzluksiz ta'limning birlamchi, eng asosiy bo'g'ini hisoblangan maktabgacha ta'limda ana shunday daholar tarbiyalanadi. O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasining qabul qilinganligining 26 yilligiga bag'ishlangan tantanali tadbirdagi nutqida: *"Farzandlarimizning qobiliyatini ro'yobga chiqarishga bolalikdan e'tibor berib, ularning kamoloti uchun barcha imkoniyatlarimizni safarbar etsak, yurtimizdan yana ko'plab Beruniylar, Ibn Sinolar, Ulug'beklar yetishib chiqadi. Men bunga ishonaman"*- degan edi.

Darhaqiqat, uzluksiz ta'limning bu bosqichi ijodkor, ijtimoiy faol va ma'naviy jihatdan barkamol bo'lgan shaxsni shakllantiruvchi birinchi pog'ona hisoblanadi. Shuning uchun biz bu davrda bolalarda ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish masalalariga katta e'tibor qaratishimiz dardkor.

Mutaxassislarining ilmiy xulosalariga ko'ra esa inson o'z umri davomida oladigan barcha axborot va ma'lumotning 70 foizini 5 yoshgacha bo'lgan davrda oladi. Demak, biz bolalarning sog'lom va bilimli, yetuk kadr bo'lib voyaga yetishida maktabgacha ta'lim yoshidan ularni ijodiy fikrlashga yo'naltirishimiz dardkor ekan.

Buning uchun bolalar bilan ko'proq o'yinli mashg'ulotlarni tashkil qilish kerak. O'yin-buyumli-predmetli va ijtimoiy voqeilikda harakat qilish va uni anglashga yo'naltirilgan jarayondir. Bu faoliyat bola uchun yorqin va o'ziga jalb qiluvchi jarayondir. Chunki har bir bola o'yin orqali o'z xatti-harakatlarini erkin va hissiy ehtiyojlar asosida boshqaradi. Eng asosiysi, bu jarayonda bolalar o'z ixtiyori bilan faol ishtirok etishadi. O'yin jarayonida bolaning muayyan narsa yoki buyumni bilishiga shart-sharoit yaratiladi. Shu bilan birga uning irodasi, ehtiyoji va qiziqishlari, jarayonga nisbatan ta'sirchanligi shakllanadi. Tarbiyachi bunda har bolaning qiziqishi va ehtiyojlarini o'rganib, tahlil qilib borishi va shu yo'nalishda ularni ijodiy fikrlashga hamda kasbga yo'naltirish usullarini ham ishlab chiqsa maqsadga muvofiq bo'ladi.

Bunda tarbiyachi o'yinli mashg'ulotlarni tashkil etishda ko'proq bolalarning ehtiyojlari va qiziqishlariga asoslanishi talab etiladi. Ijodiy o'yinlar bu bolalarning mustaqil, ijodiy, o'zlari

o'ylab topgan o'yinlar bo'lishi kerak. Shunda bolalarda ijodiy fikrlash doirasi kengayib boyib boradi. Bunda tarbiyachi ularni boshqarib, yo'naltirib borishi talab etiladi.

Ijodiy o'yinlar asosan bolalarning taassurotlari, borliq haqidagi tushunchalari va unga bo'lgan munosabatlarini aks ettiradi. Shu nuqtai-nazardan ijodiy o'yinlarni biror narsa buyumni yaratish yoki yasash, rolli o'yinlar hamda tabiat materiallari bilan o'ynaladigan o'yinlarga ajratishimiz mumkin. Ijodiy o'yinlarning o'ziga xosligi shundaki unda bolalar faqat yasash yoki biror narsani yaratish bilan mashg'ul bo'lmay balki muayyan rollarni ijro etishadi yoki xayoliy vaziyatlarda o'z o'rnini topa oladi.

Ijodiy o'yinlarda rollarning taqsimlanishi yoki xayoliy vaziyatlarning berilishi bola tafakkurini o'stirib, ijodiy fikrlash qobiliyatini ro'yobga chiqaradi. Faqatgina biz tarbiyachilar bu o'yinlarni bolarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda tashkil etishimiz darkor. Ijodiy o'yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu jarayonda ular har tomonlama rivojlanadi, bilish jarayoni, sensor madaniyati, nutq faoliyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi.

"Bolalik-bu ko'p savollar, imkoniyatlar va oqibatlar davri"-deydi, A.Alder. Shuning uchun biz bolalarning hech bir savolini javobsiz qoldirmasligimiz, ularning har bir qiziqishlarini qo'llab-quvvatlashimiz darkor. Shu bilan birga ular qanday o'yinlarga qiziqishini va uning oqibatlarini ham tahlil etishimiz darkor.

Yapon pedagoglari O'zbekistondan boylik topishdi. Ular yosh yapon avlodini saqlab qolish vositasini qidirib-qidirib O'zbekistondan topishdi. Bizning ayrim odamlarimiz *"zamonaviy emas"*, deb o'ynamay qo'ygan harakatli o'yinlarni to'plab, olib ketib, o'zlarining superzamonaviy bolalariga o'rgatishayotgan ekan. Sababi-zamonaviy bolalar o'yinlari haddan ortiq texnokratlashib ketgan. Ularda insoniy ruh, joziba, zavq va tuyg'ular kam. Demak, biz zamonaviy pedagogik texnologiyalari asosida ishlab chiqilgan didaktik o'yinlar bilan bir qatorda ajdodlarimizdan meros bo'lib qolgan milliy o'yinlardan ham unumli foydalanishimiz kerak. Chunki bu o'yinlar o'ziga xos shunday xususiyatlarga egaki, u orqali bolalarda intimozlilik, uyushqoqlik, irodalilik kabi ijobiy fazilatlar muayyan harakatlar orqali shakllanadi. Albatta bunda bolaning yosh xususiyatlarini hisobga olish talab etiladi.

Bolalarni o'yinlar orqali ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishda ularning o'ynayotgan o'yinchoqlari ham katta ahamiyat kasb etadi. Bu borada birinchi prezidentimiz jonkuyarlik bilan shunday degan edi: *"... har qaysi go'dak ilk bor olamni o'z atrofidagi ashyo va buyumlar, jumladan, o'yinchoqlar orqali anglashini inobatga oladigan bo'lsak, ularning inson tarbiyasidagi o'rni beqiyos ekani ayon bo'ladi. O'yinchoqlar obrazi bolaning murg'ak tasavvuriga bamisoli toshga o'yilgan naqshdek muhrlanib, uning ongida bir umr saqlanib qoladi. Go'dakning ulg'ayib, kasb tanlashi, kelajakda qanday yo'dan borishi, o'zining hayot tarzini qanday axloqiy-ma'naviy asoslarga qurishi ham, hech shubhasiz, uning bolalikda qanday o'yinchoqlar bilan oshno bo'lib o'sgani bilan belgilanadi."* Bu fikr bugungi kunda ishlab chiqarilayotgan o'yinchoqlarni ham tanlashga e'tiborni qaratishimiz lozimligini yana bir bor isbotlaydi.

Demak, maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilarida ijodiy fikrlash qobiliyatini shakllantirishda o'yinli mashg'ulotlarni tashkil etish katta ahamiyat kasb etadi. Chunki o'yin bolalarning kelajakdagi o'quv va mehnat faoliyati, kishilarga, atrof tabiiy muhitga munosabatining qay darajada shakllanib borishini belgilaydigan eng asosiy texnologiya

hisoblanadi. O'yin faoliyati asosida bolaning bilish faoliyati rivojlanadi, u ijodiy, mustaqil fikrlashga o'rganadi, qobiliyatlari shakllanadi va albatta uzluksiz ta'lim tizimidagi yaratilgan shart-sharoitlar asosida o'qib, o'rganib, istiqbolda el-yurtga nafi tegadigan inson bo'lib voyaga yetadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. <https://lex.uz>. O'zbekiston Respublikasining "Maktabgacha ta'lim tarbiya to'g'risida"gi Qonuni. 2019-yil 16-dekabr.
2. <https://lex.uz>. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2019-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini innovatsion rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmoni. 2018-yil 21-sentabr.
3. Mirziyoyev SH.M. "Bilimli avlod – buyuk kelajakning, tadbirkor xalq–farovon hayotning, do'stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolatidir" mavzusidagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 26 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi.// "Xalq so'zi" gazetasi 2018yil 8-dekabr.
4. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch. T. "Ma'naviyat", 2008, 43-bet.

Zaripova Donoxon Kamiljanovna, Djabbarova Umida Boxtiyorovna
Urganch shahar 29-son maktabning boshlang'ich sinf o'qituvchisi
(Urganch, Uzbekistan)

OILADA BOLA TARBIYASINING DOLZARBLIGI

Annatsiya. Jamiyatimizni yanada mustahkamlanishi va rivojlanishi uchun avvalambor oilada bola tarbiyasini to'g'ri shakllantirish muhim axamyat kasb etadi. Oilada bolaning psixologik iqlimining ijobiyligini taminlashga erishish uchun avallambor ota-onaning va yashab turgan ijtimoiy muhitning ro'li kattadir. Ushbu maqolada aynan shu jihatlarga alohida etibor qaratilgan.

Kalit so'z: Jamiyat, oila, tarbiya, kasb, psixologik iqlim, rivojlanish, ijtimoiy muhit, ro'll, men-konsepsiyasi, ijtimoiy fe'l-atvordir.

Аннотация. В данной статье освещены вопросы, посвящённые созданию благоприятного климата в семье, и правильному воспитанию детей, что важно для развития и укрепления общества. А также оздоровлению социальной среды, окружающей семью.

Ключевые слова: Общество, семья, воспитание, профессия, психологический климат, развитие, социальная атмосфера.

Annotation. In order to confirm and develop our society it is very important to pay attention to the upbringing the children in the family. Parents, children and society has essential role in order to supply the positive atmosphere in the family. This article pays attention to this pat.

Keywords: Societ, family, upbringing, profession, physical climate, developing, social atmosphere.

Oila hayotning barcha jabhalarida yosh avlodning doimiy maslahatchisi, yo'l-yo'riq ko'rsatuvchisidir. Oila – ijtimoiy institutlarning eng qadimgisidir. Insoniyat boshidan kechirgan tarixiy davrlarning qanchalik turfa va murakkab bo'lishiga qaramay, ayniqsa, XIX va XX asrlarda ro'y bergan buyuk o'zgarishlar va islohotlarga dosh bera olgan ushbu maskan o'z tizimi, tarkibi va jamiyat oldida turgan majburiyatlarini bajarishi nuqtai nazaridan sog' omon saqlanib qolgan tuzilmadir. Oilani insonlar tashkil etgani va undagi hayot-mamotni ular o'rtasidagi o'zaro munosabatlar tashkil qilishini hisobga oladigan bo'lsak, uni sof psixologik jarayonlar maskani ham deb atash mumkin.

Oilada bola tarbiyasining dolzarbligi tushunchasiga to'htaladigan bo'lsak oila ko'pchilik manbaalarda aytilishicha oila jamiyatning bir bo'lagi yani negizi deb aytib o'tilgan. Shuningdek har bir bolaning shaxs bo'lib shakllanishida eng avvalo oilaning o'zni juda kattadir. Biz bu yerda bola tarbiyasi faqatgina oiladan emas balki atrof- muhitdan yashayotgan maxallasidan, maktabdan tarbiya olib shakillanib boradi.

Hozirgi murakkab sharoitda xalqimiz, avvalo, o'sib-unib kelayotgan yosh avlodimiz ongi va qalbida milliy ma'naviyatimiz tarbiyamizni tug'ri shakllantirishimiz muhim ahamiyatga

ega. Bu ishini bamisoli yosh niholga mevali daraxt kurtagini payvand qiladigan usta bog'bondek noziklik va mehr bilan, oqilona yo'l bilan amalga oshirish lozim.

Biz bilamizki har bir ota-ona o'z farzandini tarbiyasi bilan qiziqishi lozim. Agarda ular o'z farzandlariga hech bo'lmaganda kuniga bir soat vaqt ajratishsa bolaning tarbiyasi o'z o'rnida bo'ladi deb o'ylayman, lekin hozirgi kunda bu kuniga berilgan bir soat ham kamlik qiladi. Nimaga deganda o'sib kelayotganyosh avlod o'zboshimcha, jizzaki bolib qolishgan. Bunung asosiy sababi ota-onalarning farzandlariga bo'lgan e'tibori kamayib ketganligidadir. SHunday ekan-ki ota-onalar farzandlariga bo'lgan e'tiborini o'z vaqtida qilsalar, bolaning to'g'ri tarbiya olib shakllanishiga zamin yaratgan bo'lardilar. Buning uchun avvallo ota-onalar farzandlari bilan do'st bo'lishi, va ularning har bir gapini tinglashi lozim.

Hozirgi paytda bolalar talabchan bo'lib qiziqishlari juda kata shularni inobatga olgan holda to'g'ri yo'l ko'rsatishsa maqsadga muvofiq bo'lardi. Bolaga ko'p erkinlik berish maqbul yo'l emas uni vaqtida koyib ham turish kerak shundagina u har xil yamon yo'llarga kirib ketmaydi, va biz kutgan komil inson bo'lib yetishadi. Dunyo miqyosida va mamlakatimiz ichida o'zlarining g'ayriinsoniy g'oyalarni tarqatishga urinayotgan, yoshlarimizning pok va beg'ubor qalbiga ta'sir etishga intilayotgan turli siyosiy kuchlarning o'y – fikrlari, g'oyaviy maqsad – muddaolari barchamizga ayon. Shuning uchun ham biz yoshlarimizdagi o'zlikni anglash, milliy g'urur va iftixor, ajdodlar tarixiga hurmat va qadriyatlarini e'zozlash ko'nikmalrini kuchaytirib borishimiz muhim ahamiyatga ega. Zero, yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar inson va uning farovon hayoti uchun, yoshlar va ularning yorqin kelajagi uchun amalga oshirilmoqda. Buni yorqin misolini yildan – yilga yoshlarmiz uchun bunyod etilayotgan ta'lim muassasalari, sport inshootlari va ko'plab yaratib berilayotgan keng imkoniyatlardan ko'rishimiz mumkin.

Oila va nikohning paydo bo'lishiga sababchi omillardan biri, ayniqsa, bizning sharoitimizda, farzand tug'ilishidir. Farzandsiz er-xotin aloqalarini, umuman oilaviy munosabatlarini tasavvur qilish mushkul. Ilmiy manbalar tarixan insoniyat ota-ona va farzandlar munosabatlari o'ziga xos bosqichlar va rivojlanish qonuniyatlarini boshidan kechirganligidan guvohlik beradi. Bashariyat tarixi shundan dalolat beradiki, zamonlar osha ota-onaning bolaga nisbatan xususiy mulkday qarab, uning ustidan hukmronlik qilishi borgan sari farzand ehtiyojlari bilan hisoblashish, uning barcha istaklarini bajo keltirib, unga cheksiz g'amxo'rlik ko'rsatishgacha bo'lgan munosabatlarga aylangan.

People - an instructor, people - a good educator. But nevertheless there is the necessity for further research on proverbs. Comparison of different nations proverbs reveal that how much these people have in common, and contributes to better understanding and rapprochement by turn. Proverbs reflect the rich historical experience of the people, ideas which related with work, lifestyle and culture of people. Using proverbs correct and appropriate makes speech unique originality and the expressiveness.

REFERENCES:

1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. Л. 1963. - 237 с.
2. Англо-русский фразеологический словарь. М., (1955).
3. Муминов О. Инглиз тили лексикологияси. Т. 2016. - 176 б.
4. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. М. 1983. -346 с.
5. Виноградов В.В. Лексикология и лексикография. М., 1977. - 279 с.
6. Кунин А.В. Английская фразеология. М., 1970. - 295 с.
7. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. М., 1956. - 179 с.
8. Akhmatova O. Linguistic Terminology. Moscow University Press. M. 1977 -133 p.
9. Akhmatova O. Terminology: Theory and Method. M.1977. – 322 p.
10. Arnold I.V. The English Word. M. 1996. – 298 p.

Jo'rayeva Nilufar Shuxratovna
Buxoro davlat universiteti, o'qituvchisi
(Buxoro, Uzbekistan)

CHET TILINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

Annotatsiya. Ushbu maqolada chet tillarini o'qitishda zamonaviy yondashuvlar, darslar davomida samarali metodlar qo'llash va ularning ta'lim sifatini oshirishdagi o'rni haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: Til, multimedia, chet tili, metod, zamonaviy texnologiya

Аннотация. В статье рассматриваются современные подходы к обучению иностранному языку, использование эффективных методов на уроках и их роль в повышении качества обучения.

Ключевые слова: язык, мультимедиа, иностранный язык, метод, современные технологии.

Annotation. This article discusses modern approaches to foreign language teaching, the use of effective methods in the classroom and their role in improving the quality of education.

Keywords: Language, multimedia, foreign language, method, modern technology

Barchamizga ma'lumki, til o'zaro muomala, aloqa vositasi, tafakkur qurolidir. Dunyo xalqlari uchun o'z ona tili ularning bebaho qadriyati, millatning g'ururidir. Til millatning ongi va xotirasi, ruhiyati, ma'naviy va madaniy qiyofasi, milliy qadriyatlar, o'tmishi hamdir. Tilning millat, davlat, jamiyat taraqqiyotidagi o'rni juda muhim, o'ta zaruriy va dolzarb hisoblanadi. Millat, davlat, jamiyat taraqqiy etib borarkan uning tilga bo'lgan mehri, e'tibori ham kuchaya boradi. Ijtimoiy hayotdagi taraqqiyot tildagi taraqqiyotni belgilab beradi.

Zamon taraqqiy etib borar ekan tillarga bo'lgan e'tibor ham kuchaya bordi. Nafaqat ona tilini, balki chet tillarini ham mukammal o'rganish zamon talabiga aylanib qoldi. Axborot texnologiyalari davrida chet tilini mukammal bilish yuqori kasbiy malakaning asosiy talablaridan biri bo'ldi. Xalqaro muloqot tillarini o'rganishga alohida e'tibor berilayotgani ham bejiz emas. O'zbekiston Respublikasi ta'lim tizimida chet tilini o'qitish, o'rgatish, ilmiy yondashuv asosida, davr talablariga to'la javob bera oladigan yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalar joriy etilishi asosida yangi sifat darajasiga ko'tarilib bormoqda.

O'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama barkamol etib tarbiyalash, ularning zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni puxta egallashi borasida barcha sharoit va imkoniyatlar yaratilgan. Ushbu islohotlar jarayonida xorijiy tillarni o'rgatishga ham alohida e'tibor qaratildi. 2012-yil 10-dekabrda qabul qilingan "Chet tillarini o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaror bu borada muhim omil bo'lib xizmat qildi. Ushbu hujjat ijrosini ta'minlash doirasida umumta'lim maktablari lingafon xonalarining moddiy-texnik bazasi mustahkamlandi. Bunday sinflarda o'quvchilarga zamonaviy texnologiyalar asosida saboq beriladi. Chet tili darslari ham 1-sinfдан boshlab multimediyadan foydalangan holda o'qitib

kelinmoqda. Sinf xonalari videoprojektorlar, televizor, kompyuter, ko'rgazmali vositalar va o'yinchoqlar bilan ta'minlangan. Fanni o'quv videodasturlari, multfilmlar, shuningdek, rasmlar, qo'shiq va she'rlar yordamida o'yin tarzida o'rganish o'quv materialini yaxshi o'zlashtirishga yordam beradi. Buning natijasida bolalar so'zlashuv tilini tez o'zlashtirib, xorijiy tilda ijro etiladigan sahna tomoshalari orqali bilimini yanada mustahkamlashmoqda. Bugun o'quvchilarning deyarli barchasi qaysidir chet tilini u yoki bu darajada biladi. Birinchi sinf o'quvchilarining so'z boyligi qariyb 60 so'z va iborani tashkil qiladi. Chet tili o'qituvchilarining malakasini oshirish maqsadida maktablarda o'tkazilayotgan seminarlar, ochiq darslar va ularning muhokamasi eng ilg'or pedagogik tajribalarni ommalashtirish imkonini bermoqda.

Davrimizning o'ziga xos xususiyatlaridan biri axborot kommunikatsiya texnologiyalarining jadal rivojlanishi bilan uning imkoniyatlaridan foydalanib, ta'lim jarayoniga yangicha yondashish va uni tashkil etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. XXI asr yuksak texnologiyalar asri bo'lib, zamonaviy yoshlar nafaqat davr ruhiga monand, balki elektron olamdagi taraqqiyotga muvofiq qadam tashlamoqdalar. Shu boisdan ham, yosh avlodga ta'lim berish jarayoniga boshqacha yondashish talab etmoqda. Darslarda o'qituvchining ham o'rni o'zgarib bormoqda¹¹. O'qituvchi endilikda asosan yo'naltiruvchi vazifasini o'tamoqda. Zamon bilan hamnafas qadam tashlashni maqsad qilgan o'qituvchilar darsning har qanday qismini AKT orqali jonlantirishga tayyor bo'lishlarini davr talab etmoqda.

Umumiy o'rta talim maktablarining birinchi sinflaridan chet tillari avval o'yin tarzida keyinchalik asosiy ta'lim fani sifatida AKT vositalaridan foydalangan holda o'qitish belgilab berilgan. Jahon maydonida yurt sha'nini munosib himoya qilish uchun yoshlarimiz, avvalo, o'zining xorijiy tengdoshlari bilan raqobatlasha olishi lozim. Bugun esa raqobat chet tillarida olib borilmoqda. Darhaqiqat, ta'lim sifatini, samaradorligini oshirish, o'quvchilarni qiziqtiradigan o'yin shaklidagi darslarni maqsadli tashkil etishda zamonaviy pedagogik texnologiyalar hamda axborot-kommunikatsiya vositalarining roli juda katta. Ularni qo'llash imkoniyatlari kundan kunga kengayib, texnik vositalar o'quv jarayonining ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Yoshlarga chet tilini kompyuter orqali o'rgatish uchun birinchi navbatda o'qituvchining o'zi kompyuter texnologiyalaridan professional darajada foydalana oladigan bo'lmog'i kerak. Bu darajadagi foydalanishga nafaqat kompyuterning mavjud imkoniyatlaridan to'liq foydalana olish, balki u asosida yangi o'quv dasturlarini tashkil eta olish ham kiradi. Bunday darajadagi pedagog bo'lish uchun har bir chet tili o'qituvchisi zamonaviy texnologiyalar sohasi bo'yicha o'z ustida ko'proq ishlashi kerak. Chet tilini kompyuter orqali o'rgatishning an'anaviy o'rgatish usullariga nisbatan bir necha ustunlik jihatlari bor. Birinchi navbatda kompyuter asosida chet tilini o'rganayotgan o'quvchida tilning to'rt ko'nikmasini ya'ni o'qish, tinglab tushunish, yozish hamda gapirish kabi ko'nikmalarini sinovdan o'tkazish imkoni bo'ladi. Bugungi kunda rivojlangan dasturlar yordamida buning imkoni mavjud. Faqatgina bu usuldagi ta'limga o'quvchini to'g'ri yo'naltira olish kerak. Bundan tashqari kompyuter yordamida chet tillarini o'qitishda o'rgatilayotgan har bir qoida, har bir so'z, har bir tushuncha birligi o'quvchining xotirasida yaxshiroq saqlanishi isbotlangan. Darhaqiqat, kompyuterning boy grafik imkoniyatlari, ya'ni ma'lumotlarni ovozi, matnli va video tasvirli ko'rinishda yetkazib bera olishi kompyuter orqali chet tillarini o'qitishni eng samarali usullardan biriga aylandi.

¹¹ Xodjayev M., Qaxxarova M. Chet tili o'qitish metodikasi. – T.: Fan va texnologiya, 2013. – 176 b.

Chet tillarini o'rganishda zamonaviy texnologiyalarni qo'llashdan asosiy maqsad fanni oson o'zlashtirishga ko'maklashish hisoblanadi. Bunda ma'lum bir manbani eshitib tushunish, uni nutqda ifodalash, o'qib tushunish hamda yozma tarzda ifodalash muhimdir. Zamonaviy texnologiyalarda pedagogik jarayon, o'qitishning shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalar asosida amalga oshirilishi muhim omil sanaladi. Bu usul ishni samaradorligini yaxshilashga yordam beradi. O'qituvchilar bo'sh va ijodiy vaqtini o'zini rivojlantirishga sarflashi mumkin¹².

„Sun'iy aql va tillarni o'rganish“ maqolasida B.Skinner tilni osonlik bilan o'rganishda kompyuterning roli muhimligini ko'rsatadi. Kompyuter bilan ishlash o'z ustida ishlash uchun qulaydir. Zamonaviy texnologiyalar yordamida tilni o'rganishda, talabalar ma'lumotlarga munosabat bildirishni o'rganadilar va ma'lumotlarni sust ya'ni noaniq joylarini tahlil qila oladilar. Texnologiya faqatgina zamonaviy ta'lim uchungina xos emas, balki u kelajakning zamonaviy va yangi ta'limini amalga oshiruvchi o'rtadagi manbadir¹³.

Zamonaviy texnologiyalardan biri bu xalqaro qora doskadir. Bu doska xotira va isbot kabi ikki tushunchani bog'laydi. Qora doska virtual ekran va o'qitish o'rganish uchun imkon beradigan sxemalardan tuzilgan. Internet chet tillari o'qituvchilari uchun kerakli resurs manbasidir. U barcha turdagi tasdiqlangan hujjatlarning katta miqdorini o'zida jamlaydi¹⁴.

Bugungi kundagi zamonaviy yondashuvlarning eng keng tarqalgan usuli asosan darsda multimedialardan foydalanishdir. Chet tillari o'qituvchilarining multimediali ishlari haqiqiy virtual maydonda uzoq vaqt qolishiga to'g'ri keladi, muloqot jarayonini o'rganishni yengillashtiradi, bunda multimediali manba qiziqarli bo'lsa uni o'rganish ham oson bo'ladi.

Multimediali vositalarning foydaliligi shundaki, biror tilni o'rganishda jonli o'yinlarni ko'rib ya'ni rasmlarni ko'rib, tovushlarni eshitib, jonli o'yinlarning faolligini kuzatish mumkin. Multimediali yondashuvlarda asosan bitta insonni baholash oson, chunki multimediali yondashuvlarda o'yinlar orqali o'rganishga ruxsat beriladi. Binobarin o'qituvchi har bir o'quvchisiga pedagogik yondashadi. Turli faoliyatlar orqali mavzuni ochib berishga harakat qiladi¹⁵.

Doskalar ya'ni interaktiv doskalar Marti tomonidan fanga kiritilgan. Interaktiv doskalar turli tipdagi grammatik mashqlarni, mantiqiy iboralarni ifodalashda dastlab ishlatilgan. Bugungi kunda ularni „sun'iy aql“ deb ham yuritiladi. Sun'iy aql programmasi turli maqsadlarda foydalanish uchun mo'ljallangan. Bunday zamonaviy texnologiyalar tufayli chet tilini o'rganish bugungi kunda ancha qulaydir.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, axborot texnologiyalari taraqqiy etgan davrda yashayotgan ekanmiz, ushbu qulayliklardan oqilona foydalangan holda chet tillarini barcha uchun tushunarli tarzda yanada mukammal o'rgatish lozim. Demak texnologiyalarni joriy qilish, o'qitish uslublarini davr talablariga javob berishini ta'minlash pedagog-olimlarning kechiktirib bo'lmas asosiy vazifalaridir. Mutaxassislar tayyorlash, ularning malakasini oshirish ham dolzarb hisoblanadi. Davlatimizning jahon mamlakatlari bilan olib borayotgan iqtisodiy, siyosiy,

¹² Dr.J. Strike “L'apprentissage du français langue étrangère facilité par la technologie”, 2002. – 40 p.

¹³ Dr.J. Strike “L'apprentissage du français langue étrangère facilité par la technologie”, 2002. – 42 p.

¹⁴ Catroux M. Perspective co-actionnelle et TICE: quelles convergences pour l'enseignement de langue de spécialité? – Paris: JEEA, 2006. – 14 p.

¹⁵ Abry D. La vidéo en classe de FLE: vers un développement de la compétence communicative// Dissertation de master. – Paris: Université Stendhal de Grenoble, 2009. – 103 p.

madaniy va ma'rifiy aloqalari kuchayib borayotgan bir paytda yoshlarimizning xorijiy mamlakatlar hayoti, madaniyati, urf-odatlarini, tiliga bo'lgan qiziqishlari ortib bormoqda. Bu aloqalarning rivojida chet tillarining o'rnini beqiyosdir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Xodjayev M., Qaxxarova M. Chet tili o'qitish metodikasi. – T.: Fan va texnologiya, 2013.
2. Dr.J. Strike “L'apprentissage du français langue étrangère facilité par la technologie”, 2002. – 40, 42 p.
3. Catroux M. Perspective co-actionnelle et TICE: quelles convergences pour l'enseignement de langue de spécialité? – Paris: JEEA, 2006. – 14 p.
4. Abry D. La vidéo en classe de FLE: vers un développement de la compétence communicative// Dissertation de master. – Paris: Université Stendhal de Grenoble, 2009. – 103 p.
5. <http://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/vidéo/81881>
6. <http://le-dictionnaire.com/definition.php?mot=internet>

Jomardov Toyir
BuxDU, Adabiyotshunoslik yo'nalishi
2-bosqich magistranti
(Bukhara, Uzbekistan)

ULUG'BEK HAMDAM IJODIDA ADABIY AN'ANALARGA IZDOSHLIK

Annotatsiya. maqolada xalq og'zaki ijodi va yozma adabiyotning o'zaro aloqasi va adabiy an'ana va adabiy ta'sir masalalari Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar", Ulug'bek Hamdamning "Sabo va Samandar" romanlari misolida o'rganilgan.

Kalit so'zlar: badiiy asar, roman, an'ana, adabiy izdoshlik, badiiy talqin, adabiy ta'sir, Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romani, Ulug'bek Hamdamning "Sabo va Samandar" romani.

Аннотация. В статье исследуется взаимосвязь фольклора и письменной литературы, вопросы литературной традиции и литературного влияния на примере романов Абдуллы Кадири "Уткан кунлар" («Последние дни») и романов Улугбека Хамдама «Сабо ва Самандар» («Сабо и Самандар»).

Ключевые слова: произведение искусства, роман, традиция, литературное продолжение, художественная интерпретация, литературное влияние, роман Абдуллы Кадири "Уткан кунлар" («Последние дни»), роман Улугбека Хамдама «Сабо ва Самандар» («Сабо и Самандар»).

Annotation. The article explores the relationship between folklore and written literature and the issues of literary tradition and literary influence on the example of Abdullah Qadiri's novels "Utkan kunlar" ("Last Days") and Ulugbek Hamdam's novels "Sabo va Samandar" ("Sabo and Samandar").

Keywords: work of art, novel, tradition, literary follow-up, artistic interpretation, literary influence, Abdullah Qadiri's novel "Utkan kunlar" ("Last Days"), Ulugbek Hamdam's novel "Sabo va Samandar" ("Sabo and Samandar").

Ulug'bek Hamdam romanlarida uslubiy izlanishlarning yuzaga kelish omillarini dastlab xalq og'zaki ijodi bilan bog'lash mumkin bo'lsa, so'ngra realistik romanchilikning taraqqiyot yo'lida kuzatilgan tajriba va ko'nikmalar ta'siri bilan asoslash to'g'riroq bo'ladi. Boshqacha aytganda, adib ijodida fol'lor asarlariga xos xarakterli xususiyatlar qatorida Abdulla Qodiriy an'analari ta'siri asosida namoyon bo'lgan bir qancha xususiyatlar ko'zga tashlanadi. Ushbu xususiyatlarni qahramonga xos sifatlar, syujet, motiv kabi bir qancha masalalar doirasida kuzatish mumkin. Shulardan ayrimlari xususida so'z yuritishga harakat qilamiz.

Masalan, qahramonga xos sifatlarga to'xtalganda, xalq og'zaki ijodi ta'sirida yozma adabiyotga ko'chgan va ommalashib, an'anaga aylana borgan bir qancha jihatlar e'tiborni tortadi.

Qahramonning tilab olingani, ya'ni uzoq vaqt farzand ko'rmagan xonadonda, yana ilohiy kuchlar aralashuvi bilan dunyoga kelgan yolg'iz farzand ekani. Ushbu motiv xalq og'zaki

ijodida juda keng tarqalgan bo'lib, ushbu xususiyat yozma adabiyot namunalarida ham turlicha yo'sinlarda talqin qilinadi. Xususan, "O'tkan kunlar" dagi Otabekning "tilab olingan", ya'ni uzoq kutilgan farzand ekani, Otabekning esa, bu yil Hamduna bo'lsa to'ppa-to'g'ri yigirma to'rt yoshga qadam qo'yishini e'tiborga olsak, O'zbek oyim o'ttizdan o'tib farzand ko'rgani ayon bo'ladi. Xuddi shunday holatni "Sabo va Samandar"da ham uchratishimiz mumkin. Masalan, Sabo va Nilufarning yoki Sherdil va Nodirning yolg'iz farzand ekanligi ko'zga tashlanadi. Bu qahramonlar orqali ota-onalarining orzulari ro'yobga chiqishi va qaysidir ma'noda shu orzu-umidlar tufayli ular taqdirining ayanchli yakun topishi kuzatiladi.

Qahramonning favqulodda kuch-qudratga yoki aql-zakovatga egaligi va bu sifatlarini bolaligidanoq namoyon etib barchani hayratga solishi ham doston va ertaklarda ko'p uchraydigan xususiyatlardandir.

"O'tkan kunlar" va "Sabo va Samandar"da ham ushbu ko'hna motiv izlari bor, faqat romanlarda u realistik talqin qilingan. Shunga ko'ra, hayot haqiqatiga sodiqlik talabi bilan Otabekning atrofdagilarni hayratga solishi ta'sirli ifodalangan. Adib yigirma to'rt yoshli Otabekning "dunyo kezib" chiqargan xulosalari, Rusiya va o'z yurtidagi tartibotlar haqidagi muhokamalarini tinglayotgan ota qadrdonlari "Bekning og'ziga anqayishib qolgan edilar", deb yozadi.

O'ttiz yoshli Samandarning ruhiy dunyosini tasvirlar ekan, yozuvchi Ulug'bek Hamdam ham shunga yaqin yo'l tutadi: "Yaratganning oldidagi iymonim bilan qasamki, bu yigit ko'chani to'ldirib yurgan odam qavmidan emas! Yo'q!!! U o'zga sayyoralikdek noyob biz uchun, bizning zamonlar uchun!.." deya qahramonini boshqa qavm kishisi sifatida, ya'ni o'ziga xos olam ekanligini ta'riflaydi.

Mutaxassislar arxetipik qahramon xarakteriga xos muhim xususiyatlar sifatida bo'ysunmaslik, jangarilik, o'jarlik kabilarni ko'rsatishadi. Ayni shu xususiyatlari tufayli u mavjud holat bilan kelisha olmaydi, zulm va adolatsizlikka qarshi kurashga hamisha safarbar turadi. Badiiy realizm tomon tadriji davomida arxetipik qahramon xususiyatlarini realistik adabiyotning yetakchi janri – roman ham o'zlashtirib borgan. Xususan, Otabekda arxetipik qahramonga xos bo'ysunmaslik (Musulmonqul bilan to'qnashuv sahnasi), o'jarlik (ikkinchi bor uylanishga o'zi rozilik bergani holda yana Zaynabga jabr qilishi), jangarilik (avval shaxsiy, so'ng yurt dushmanlariga qarshi maydonga chiqishi) kabi xususiyatlar realistik ifodasini topgan. Romanchilik rivojida ham bu xususiyatlarni korishimiz mumkin: Samandarda arxetipik qahramonga xos bo'ysunmaslik (Saboning otasi Saidkamol bilan uchrashuvi), o'jarlik (ulyanishga rozilik bergan holda Solihaga jabr qilishi), jangarilik (Samandarning o'z "men"i bilan to'qnashuvi) kabi holatlar an'ananing davom etayotganidan dalolatdir.

Shuningdek, asar sujetida uchraydigan motivlarda ham xalq og'zaki ijodi va yozma adabiyot namunalari o'rtasida mushtarak xususiyatlar uchraydi.

Xalq og'zaki ijodida safar motivi eng ko'p tarqalgan desak, mubolag'a bo'lmaydi. Chunki aksariyat sehirli ertak va doston qahramonlari turli maqsad yoki sabab bilan safarga otlandsalar, ayrim qahramonlar savdo yoki dunyoni ko'rish maqsadida safarga chiqadi. Ular shu safar davomida ko'plab sarguzashtlarni boshdan kechiradilar.

"O'tkan kunlar" va "Sabo va Samandar" romanlarida ham safar motiviga duch kelamiz. Hasananing aytishicha, Otabek "Beklarbegi madrasasining peshqadam mullabachchalaridan

edi, lekin uch yilcha bo'ldi, xo'jamiz madrasadan olib savdo savdo ishiga qo'ydilar"¹⁶. "Sabo va Samandar"da esa Samandar o'zini anglash va hayotini yo'lga qo'yishi uchun safarga otlanadi. Ammo asar voqealari davomida bu safar ko'zlangan maqsadga qaratilmaganligi anglashilib boradi, balki qahramonlar hayotining keyingi bosqichiga yo'l ochishga xizmat qiladi. Ikkala asardagi yetakchi qahramonlar ham o'z safarlari davomida muhabbat mojarolariga duch kelishadi.

Ertak va dostonlarda xat motivining turli ko'rinishlari ancha keng uchraydi. Ma'lumki, "O'tkan kunlar" da Otabekning nomidan soxta taloq xati bitilgani va Kumushga yetkazilgani ifodalansa, "Sabo va Samandar"da xat motivi biroz o'zgarish kasb etib, she'riy to'plam shaklida bo'ladi (Samandarning she'rlarini Sabo radioeshittirishda o'qishi). Bu motiv asar sujet voqealarini yangi o'zanga buradi.

Shuni ham ta'kidlash mumkinki, Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanida ham ishq-muhabbat va oila masalalariga asar qahramonlarining har biri o'ziga xos nuqtayi nazar bilan qaraydi. Asar qahramoni Rahmat "Muhabbat degan narsa juda oz kishilarga nasib bo'lading'an bir durri bebahodir", deya ta'rif beradi. Otabekning bu masalaga munosabati ikki yo'l bilan bildiriladi: birinchidan, "Rahmatning so'zini samimiyat bilan qarshilaydi", "ixlos bilan eshitadi". Ikkinchidan, suhbatga bevosita aralashadi. Rahmat boyvachchaning fikrini quvvatlab: "...shuni ham qo'shmoq kerakki, oladigan xotiningiz sizga muvofiq bo'lishi barobarida er ham xotinga muvofiq uttab' bo'lsin"¹⁷, - deydi. "O'tkan kunlar"da o'sha davr uchun ham, umuman olganda, har qanday davr uchun muhim bo'lgan bir masala – oila masalasi muhokama etilmoqda. Ushbu o'rinda Otabekning oilaparvar bir inson qiyofasida ko'rsak, Homid nuqtayi nazarida esa "Xotinlarga er so'zining o'zi kifoya". Ulug'bek Hamdam qahramonlari Samandar va Sherdil dunyoqarashida ham shunga yaqin holatlarni kuzatishimiz mumkin. Faqat bu yerda mavzu ishq-muhabbat to'g'risida boradi. "Samardar Sherdilga qarab: Muhabbat deganlari sevgan inson uchungina qimmatga ega bo'lgan tushuncha. Faqat ugina bu so'zni va uni ixlos bilan talaffuz etgan kishi qalbidagi titroq ma'nosini his qila oladi... Muhabbatni dunyodagi biror mezon bilan, hissob raqamidagi hech qanday son bilan o'lchab bo'lmaydi"¹⁸ deya aytgan gaplariga javoban Sherdil: "sevgi bu yo'q narsa! Ojizlarning. hayotda biror tuzukroq muvaffaqiyatga erisholmagan lattachaynarlarning topib olgan arzimasi va achinarli matohi"¹⁹ deb javob qaytaradi. Bu to'rt qahramonning ruhiy va ma'naviy olami ziddiyat asosiga qurilganligi va ushbu ziddiyatlarning asorati ularning keyingi taqdiriga ham ta'kir etganligini anglash mumkin. Ammo Sherdil va Samandarning bolalikdan do'st ekanligini unutmasligimiz lozim. Bu romanlardagi bosh obraz rivojining bir tomoni xolos. Masalaning ikkinchi bir tomoni ham bor. Bu Otabekning xalq to'g'risida g'am yeyishi bo'lsa, Samandarning esa ilohiy ishqni tarannum etishidir. Otabekning Marg'ilonning yirik boylari, savdogarlari orasidagi suhbatida, gap xon va beklar istibdodi, o'zaro behuda qon to'kishlar, xalq boshiga tushgan og'ir kulfatlar haqida gapirar ekan: "Modomiki, o'z g'arazi yo'lida istibdod orqali el ustiga hukmron

¹⁶ Қодирий А. Ўткан кунлар. / Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 8

¹⁷ Қодирий А. Ўткан кунлар. / Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 4

¹⁸ Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2011. – Б. 160

¹⁹ Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2011. – Б. 165

bo'lg'uvchilar yo'qotilmas ekanlar, bizga najot yo'qdir, magar shunday g'arazchilarni, ular kim bo'lsalar ham ish boshidan quvlash va ular o'rniga yaxshi va xolis odamlarni o'tqazish najotimizning yo'lidir!"²⁰ Bugungi zamonaviy romanchilik davr talabiga mos va xos yo'lni tanlaganligini Samandarning ishq'i komilga qarab ketayotganidan bilishimiz mumkin. Faqat ishq'i komilgina insonni "o'z davrining Majnuniga" aylantira oladi.

"O'tkan kunlar"ning kirish qismida qahramon xarakterining rivoj yo'li belgilanadi, butun asar davomida harakatga keltiradigan ichki mantiqiy kuch aniqlanadi. "Sabo va Samandar"ning kirish qismi esa Samandarning ruhiyat tasviriga bag'ishlanadi va bu ruhiyat tasviri asar so'nggigacha davom etadi. Samandar xarakterining rivoji asarda uning ishqqa munosabati bilan uyg'unlikda ta'minlanadi.

Xalq og'zaki ijodida yurti(uyi)dan chiqib ketgan qahramonning ko'p yillik sarson-sargardonlikdan so'nggina uyiga qaytishi motivi juda ko'p uchraydi. "O'tkan kunlar"dagi Otabek ham uyidan chiqib ketgan (Zaynabga qaramaydi, ota-onasidan xafaligi tarqamagan, go'yo maqsadsiz tez-tez Marg'ilonga qatnaydi, bo'zaxonalarda o'ziga taskin izlaydi; Mirg'ilonda bo'lsa – "haydalgan") sargardonligi ikki yillib davom etadi. "Sabo va Samandar"da esa bu holat ancha uzoq davom etib, nafaqat Samandar (Samandarning qishlog'idan ketishi, chet ellarga ishlash uchun ketib, eski dardlarini unutishga behuda urinishi va ancha yillardan so'ng o'z qishlog'iga kelishi, bolaligi o'tgan paxtazorlarni sayohat qilishi tasvirlanadi), balki Saboda ham (yurtidan ketishi, ammo har daqiqa yurtini qo'msashi) kuzatilganligini ko'rishimiz mumkin.

O'zini tanitish motivi ham folklor asarlarda, ko'pincha, vaziyatdan kelib chiqqan holda qahramonning o'zini tanitmay harakat qilishida namoyon bo'ladi. Barcha muammolar bartaraf etilgandan keyingina qahramonning aslida kimligi ma'lum bo'ladi. Haydalgan Otabekning usta Alimga o'zini Shokirbek deb tanitishi va shu ism ostida ikki yillab Marg'ilon qatnashlari zamirida, aytilmagan va balki to'la anglanmagan bo'lsa ham, haqiqiy ahvolni bilish, do'st-dushmani tanish maqsadi yotadi. "Sabo va Samandar" esa bu motiv asarning boshidan oxiriga qadar amal qiladi, desak yanglishmasmiz. Asar so'nggida (qahramonlarning halokatidan so'ng) Sherdil o'zini (Samandarning do'sti va Saboning eri sifatida) tanitadi.

Holat, baho, personajlar va boshqa o'xshashliklar. Xalq og'zaki ijodi ishqni dard, oshiqni kasal deb talqin qiladi. Shu bois aksar ertak qahramonlari yorni ko'rib behush bo'lib yiqiladi, ishq o'tining zo'ridan rangi ro'yi sarg'ayib, ko'kragini xaxga berib yotadi. Shunga o'xshash, Otabekdagi o'zgarishni kuzatib, Hasanali avval "Bek og'riq" deb o'ylaydi, keyin isitma ichida kabi alahsirashlarini eshitib, aniq tashxis qo'yadi: "Bek oshiq!" Albatta, romanda oshiq holati realistik tasvirlangan, lekin an'ana izlari yaqqol seziladi.

Bu holat "Sabo va Samandar" romanida yanada yaqqol bo'y ko'rsatgan. Adib Samandarning ruhiy holatini shunday tasvirlaydi: "Devonayi Mashrab bo'ldi go'yo, balki ayni majnuni davron. Bilmadim, bilmadik... Bilganimiz shuki, u o'z dardining quli edi, inchunun, dardisari malhamiga ham muhtoj edi..."²¹.

Ma'lumki, folklorning o'z personajlar galereyasi bor va har bir asarda ulardan bir qismi muayyan darajada ishtirok etadi. "O'tkan kunlar" va "Sabo va Samandar"ning personajlar

²⁰ Қодирий А. Ўткан кунлар. / Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 8

²¹ Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2011. – Б.15

tizimiga ham shunday kombinatsiyalardan biri sifatida qarash mumkin: mard, jasurlig-u aql-zakovatda tengsiz oshiq qahramonlar – Otabek va shunday sifatlariga ega Samandar; go`zallig-u latofatda beqiyos ma'shuqalar – Kumush va Sabo; qiyomatlik sodiq do'stlar – usta Alim va Bakir; ashaddiy raqiblar – Homid va Sherdil yuqoridagi kabi mushtarak nuqtalar asrlar osha sayqallanib kelayotgan adabiyotimizni har jihatdan boyishiga va takomillashuviga xizmat qiladi.

Umuman olganda, Ulug'bek Hamdam ijodi misolida shuni ta'kidlash mumkinki, milliy adabiyotimiz asriy an'analar sarchashmasidan oziqlangan holda o'ziga xos rivojlanish yo'lidan bormoqda.

ADABIYOTLAR:

1. Shohsanam Davronova EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS // World science. 2016. №5 (9). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/eastern-and-western-literary-tradition-in-the-modern-uzbek-novels>.
2. Қодирий А. Ўткан кунлар. / Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 656 б.
3. Куронов Д. Адабий ўйлар. – Тошкент, Turon zamin ziyo, 2016. – 112 б.
4. Ҳамдам У. Сабо ва Самандар. – Тошкент, Ўзбекистон, 2011. – 352 б.

Karimov Abdulxay
Fardu Sanatshunoslik fakulteti o'qituvchisi
(Farg'ona, O'zbekiston)

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ МУСИҚА МАДАНИЯТИГА ҚЎШГАН ХИССАСИ

Улуғ ўзбек шоири ва мутаффакири Алишер Навоийнинг бой ижодий мероси, ўлмас асарлари ва улардаги ўзига хос юксак таълимот халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондириб турибди. Зотан олдимизда келажак давомчилари бўлган фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялашдек юксак маънавий вазифа турар экан, Навоий асарларига унинг ўзига хос таълимотига бўлган талаб ошиб бораверади.

Туркий халқлар адабиётига тарихига назар соладиган бўлсак, қанча шоиру шуаролар олиму фузалолар келиб кетмади, ёзиб битиб ижод этмади. Аммо уларнинг ҳеч бирлари хазрат Навоийдек “хўп” ва “кўп” ижод қилмаган эдилар. Алишер Навоий Туркий халқлар адабиётининг куёши, ғазал мулкининг султони, ўз даври донишманларининг донишманди сифатида ҳар биримизнинг мухаббатимизга сазовор бўлган зотдир.

Хазрат Навоийни бир ижодкор инсон ўлароқ, бундай юксак мақомларга юксалишида энг аввало у зотни дунёга келтирган оиладаги юксак маънавий муҳитнинг ўрни беқиёс бўлган. Хонадондаги илм – маърифат, адабиёт ва санъатга бўлган ихлос ёш Алишерда бадиий адабиётга бўлган қизиқишни уйғотган бўлиши шубҳасиз. Айниқса, ота – онадаги улуғ қуръонга мухаббат, қироатдаги нафис оҳанглар, шоир тоғаларининг ғазаллари – ю шеърият кечалари руҳий ва қалб тарбиясига оид суҳбатлар нафис қалбли Алишерни мафтун қилгани аниқ албатта. Шунинг учун ҳам шоир бу ўзига хос илм мадрасасида Шарқ адабиётига мухаббат ила катта бўлди. У 9 ёшида қуръони каримни ёд олди. Садий Шерозийнинг “Гулистон”, “Бўстон” асарларини ўқиб чиқди. Айни шу даврларда унинг тафаккурида катта бурилишга сабаб бўлган асар Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут – тайр” асарини ўқиб ёд олди. Шу асар мутаоаласидан бошлаб ёш шоирнинг қалбига буюк ихлос, юксак мухаббат ошно бўлди. Унинг умр бўйи ёзган асарлари эса, айтиш мумкинки, ўша, унинг қалбидаги илоҳий мухаббатни гўзал ва латиф мевалари эди холос. У ўн – ўн бир ёшларидан ғазаллар ёза бошлади:

Чу лобуд нукталар малҳуз бўлгай,
 Умид улким улус маҳзуз бўлгай.
 Навоийдан чу топғайлар Навое,
 Анинг руҳига ҳам етгай дуос.

Хазрат Навоий болалигида барча дину дунё илмларини ўз замонасининг улуғ устозларидан олди. Мусиқа илмидан таълимни эса Хожии Юсуф Бурхондан олган эди. Бу ҳақдаги тарихий манбааларга албатта, тўхталиб ўтамиз. Масалан мусиқа санъати ҳақида ёзган кўплаб бобокалонларимизни санаб ўтишимиз мумкин:

1. Юсуф Хос Хожии (X-XII) аср “Қутадғу билик”
2. Абу Наср ал Фаробий (X) аср “Китоб ул мусиқа ал Кабир” (катта мусиқа китоби)

3. Абу Али Ибнсино (IX-X) аср “Китоб аш шифо” асарида мусиқа ҳақида алоҳида боб бор
4. Кайковус (XIII) аср “Қобуснома” асарида
5. Урмовий: Рисолат ун Шарафия (XIII) аср
6. Ал Шерозий: “Дарилмий мусиқий” (XIII) аср
7. Абдулқодир Мороғий (XVII) аср
8. Дорвешали Чонгий (XVII) аср
9. Мирзо Улуғбек
10. Абдурахмон Жомий
11. Нуриддин Марғилоний (Мақсад ул адвор)
12. Навоий “Холати Пахлавон Муҳаммад”, “Махбуб ул Қулуб”
13. Зайниддин Восифий ва хоказо санасак адоғига етиш анча душвор бўлган бобокалонларимизни ўрни беқийс.

Дарҳақиқат, Навоий ижодининг мазмунини ташкил этган Қуръони Карим оятлари қироатининг ўзи энг гўзал оҳанг, арузнинг ўзи энг сеҳрли мусиқа эмасми? Шундай экан, Навоийни сеҳрли оҳанглрсиз, мақом санъатисиз тасаввур этиб бўладими!

Навоий ижоди ҳам нихоятда кенг қамровли эканини яхши биламиз. Шундай кенг, қамровлики, навоийшунос олимларимизнинг бу соҳада ўрганадиган, халқимизга шарҳлаб берадиган ишлари кўп. Алломанинг ўзбек мусиқа маданиятига қўшган хиссалари ҳақида ҳам ўрганишимиз керак. Шундай қилиб, Навоий ўша давр мутриб ва Муғаннийларига ва соҳа вакилларига холис хомийлик қилиб келгани манбаалардан бизга аён. Навоий фақат хомийлик қилиш билан чекланмаган. Навоий байт, ғазал ва бошқа асарларда ҳам мусиқани ёритганлигини биз биламиз. Мисол учун, у бир ғазалида шундай ёзади:

Муғанний навода тузиб мўътадил,
Навосозлиқ, қил манга муттасил.
Кулоғим – ла дилкаш садойи етур,
Мани бенавоға Навоий етур.
Навоийни ашъоридин неча байт,
Менинг хасбу холим тобиб туркий айт.

Яна Навоийнинг замондош шогирди Зайниддин Восифий ўзининг “Бадое – ул – вақое” асарида илм маърифат, шеърят, мусиқа ва барча илмлар Навоий даврида юксак даражада бўлганини ёзади.

“Насоим ул - муҳаббат” асарида 500 дан ортиқ алломалар ва илму фан намоёндаларининг номлари зикр этилган. Булар орасида мусиқага хос кишилар ҳам боралбатта.

Тан олиш керак, санъатшунос устозлар мақомлардан бири Наво мақомини Навоийга бориб тақалиши ва шоирнинг навога боғлиқлигини айтишади. Мисол учун Ўзбекистон халқ артисти, профессор Султонали Манноповнинг “Навобахш оҳанглар” китобида келтирилган фикрлар мисол бўла олади. Бу ерда “Наво” сўзи куй, оҳанг маъносини англатади. Бундан ташқари таъкидлаб ўтганимиздек, ўрта асрларда 12 мақом мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида товуш қаторига мос келадиган куй ва ашулалар мажмуасидан иборат бўлганига ва 24 шўъба овозлар аниқ ифодаланганлиги

ҳақида гап юритилади. Ҳар ойда ҳар ҳил мақомлар айtilган бўлиб, ойнинг 21 январь 21 февраль ораллиғида “Наво” мақоми ижро этилган. Навоий эса “Далв” ойида яъни 8 февралда таваллуд топан. Навоий ўз тахаллусини ҳам эҳтимол шундан олган бўлсажаб эмас, дейдилар. Шундан кўриниб турибдики, бу фикрлар Навоий мусиқага бефарқ эмаслигига мисол бўла олади. Навоийни ўрганиш билан инсон ўзлигини англайди. Буюк муҳаббатни тафтини сеза бошлайди. Навоийдан яна бир байт “Эл нетиб топгай мени ким мен ўзимни топмасам” бу байт ўз ўзини англашга ишора деб биламан.

“Ўз вужудингни тафаккур айлагил

Ҳар не истарсан ўзингдан истарсан”

шундан кўринади - ки, инсон ўзини таниши ва ўзлигини англаши илмларнинг энг каттаси эканлигини хис этамиз. Айниқса, бугунги Навоийга унинг ижодига бўлаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда бу ишлар жуда муҳим.

Бундан ташқари мақом санъатининг комил инсон шахсини шакиллантиришдаги аҳамияти қайта – қайта таъкидланиб турган шу кунларимизда, болаларга миллий санъат мактабгача таълим муассасаларидан ўргатилиши кераклиги ҳақида йўриғу кўрсатмалар ишлаб чиқилётган бир пайтда Навоий ижодини ўрганишнинг айнан шу соҳасини четга суриб бўладими? Йўқ, албатта. Мақом санъатидаги қўшиқлар матнининг саксон фоизи Навоий ғазалларидан иборат, ғазаллар мазмуни эса, муҳаббатдан иборат, мақом куйлари қалбдаги ишқ дарёсининг тўлқинлари каби кўтарилиб – пасайиб, ошиқ Навоийнинг туйғу ва кечинмаларини баён этади. Муҳаббат билан яшаш қандай яхши. Фарзандларимизга ҳам Навоийнинг муҳаббатидай буюк ва гўзал муҳаббатни ўргатиш қандай яхши.

Бу миллат, бу жамият, бу илм, бу санъат маънан кўтарилиши учун ҳам Навоийдан қолиб ҳам кетмай, Навоийдан ўтиб ҳам кетмай, келажакка Навоий билан бирга бориши керак. Дунёда ёш авлод орасида ёмонликлар кўпайиб, одоб – ахлоқ сусайиб бораётган бир пайтда, Навоийсиз қолишдан худо сақласин, Навоийсиз боришдан худо сақласин бизни. Навоийни ўрганиш, Навоийни ўргатиш, Навоийни севиш, Навоийга талпиниш дегани бу – ҳар биримиз учун қалбан тозариш, руҳан тикланиш ва хулқан сайқалланиш деганидир.

Бу хислатлар билан зийнатланган кишилар яшайдиган жамиятда иллат қоладими? Албатта йўқ! Нафрат қоладими? Албатта йўқ! Чунки, у ерда Навоий бор. Чунки, у ерда Муҳаббат бор. Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек мусиқа маданиятига Навоийнинг қўшган ҳиссаси ниҳоятда беқиёсдир. Сўзим сўнгида замондош шоирлар ёзган шеърлардан бирини келтирмоқчиман зотан, бу байтлар ҳам улуғ Навоийга бўлган муҳаббат ҳақидадир:

Навоийга қўшни бўлсам жаннатда

Яратгандан ҳали анча қарзим бор,
Қилолмаган қанча суннат, фарзим бор.

Кулмасангиз, биттагина орзум бор,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

Ўртадаги деворимиз гуллардан,
Хизматкорлар бўлар, балки, ҳурлардан.

Мен ул зотни қизғонардим улардан,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.
Уйларига Бобурмирзо келарди,
Яссавий, Машраб, Хувайдо келарди,
Ох, қандоқ ҳам ажойиб иш бўларди,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.
Гуллар узиб, чиқарардим боламдан,
Ошлар сузиб, чиқарардим боламдан.
Кетсам майли эди ёруғ оламдан,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.
Сўрашса: - сиз қайеридан жаннатнинг?
Айтар эдим: - қўшнисиман Хазратнинг!
Кераги йўқ бошқа мулку давлатнинг,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.
Эй, Марҳабо, бу не орзу, не хавас,
Қўшниликка арзийсанми сендай кас?
Яратганга осон, ахир, ажабмас,
Навоийга қўшни бўлсам жаннатда.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. С. Маннопов “Навобахш оҳанглар”
2. Р. Зокирова “Юрт қўшиқлари”
3. М. Каримова “Дунёнинг бир қавати”

Muminova Dilnavruz
EFL Teacher at school 244
(Tashkent, Uzbekistan)

THE USE OF GAMES IN LEARNING ENGLISH GRAMMAR

Grammar acquiring is increasingly viewed as decisive to language acquisition. However, there is much disagreement as to the effectiveness of different approaches for presenting vocabulary items. Moreover, learning grammar is often perceived as a tiring and laborious process. In this report I would like to examine some traditional techniques and compare them with the use of language games for grammar presentation and revision, in order to determine whether they are successful in presenting and revising grammar than other methods.

I have been teaching English as a foreign language for 21 years. From my teaching experience, I have noticed how enthusiastic students are about practicing language by means of games. I believe that the grammar games are not only fun, but they help students learn without a conscious analysis or understanding of the learning process while they acquire communicative competence as foreign language users.

There are various techniques concerned with grammar presentation. However, there are a few things that have to be remembered irrespective of the way new lexical items are presented. If teachers want students to remember new grammar it needs to be learnt in the context, practiced and then revised to prevent students from forgetting. Teachers must be sure that students have understood the new words, which will be remembered better if introduced in a “memorable way”. Taking this into consideration, teachers have to remember to employ a variety of techniques for new grammatical presentation and revision. The most widely used and available way to organize this, is using appropriate game in a proper manner.

The advantages of using games.

A lot of experienced textbook and methodology manuals authors and writers have argued that games are not just time-filling activities but they have a great educational. I fully agree with them. We hold that most grammar games make learners use the language instead of thinking about learning the correct forms. There are many advantages of using games in grammar.

1. Games can lower anxiety, thus making the acquisition of input more likely.
2. Games are highly motivating and entertaining, and they can give shy students more opportunities to express their opinions and feelings.
3. They also enable learners to acquire new experience within the foreign language that are not always possible during a typical lesson.
4. Games add diversion to the regular classroom activities, break the ice and introduce the new ideas.
5. In the easy, relaxed atmosphere, which is created by using games, the students remember things faster and better.
6. Grammar games are a good way of practicing the language, for they provide a model of what learners will use the language for in real life in future.
7. Grammar games encourage, entertain, teach, and promote fluency.

All above-mentioned reasons are enough to show that games are good tools in learning English grammar. Moreover, they can be used just because they help students to see beauty in a foreign language and not just problems, and this is the main reason to use games when studying English grammar.

Choosing appropriate games

There are many factors to consider while discussing use of games, one of which is approach. Teachers should be very careful about choosing games if they want to make them profitable for the learning process. If games are to bring desired results, they must correspond to either the students' level, or age, or the materials that are to be introduced or practiced. Not all of the games are appropriate for all students irrespective of their age. Different age groups require various topics, materials and modes of games. For example, children benefit most from games, which require moving around, imitating a model, competing between groups, and the like. Furthermore, structural games that practice or reinforce a certain grammatical aspects of language have to relate to students' ability and prior knowledge. Games become difficult when the task or the topic is unsuitable or outside the students' experience.

Another factor influencing the choice of a game is its length and the time necessary for its completion. Many games have time limits but, the teacher can either allocate more or less time depending of the students' levels, the number of people in a group, or the knowledge of the rules of a game, etc.

When to use games.

Games are often used as short warm-up activities or when there is some time left at the end of the lesson. Some teachers used to organize games to fill the free time during the lesson, but this is not the best way of using them. Games should not be regarded as a marginal activity filling in odd moments when the teacher and class have nothing better to do. They ought to be at the heart of teaching foreign languages. I always try to use games at all stages of the English lesson, provided that they are suitable and carefully chosen. At different stages of the lesson, the teachers' aims connected with a game may vary:

1. Presentation. It presents and provides a good model making its meaning clear.
2. Controlled practice. It elicits a good imitation of the language and appropriate responses.
3. Communicative practice. It gives to the students a chance to use a foreign language.

Grammar games also lend themselves well to revision exercises helping learners to recall a grammar material in a pleasant, entertaining way. I also agree that the grammar games can cause a lot of noise and a little chaos in class, but they are still worth paying attention to and implementing in the classroom since they motivate learners, promote the communicative competence, and generate the fluency.

Summarizing all ideas I would like to reckon that using grammar games in teaching English as a foreign language decides the question in its favor and could bring more effectiveness and benefit.

Moreover, they can be more successful for presentation and revision than other techniques. I myself as a teacher and my teaching practice and experience prove and define that preciously.

Narzullayeva Diyora Zayniddin qizi
Master student of SamSIFL
(Samarkand, Uzbekistan)

THE ROLE OF ELICITING WHILE LEARNING ENGLISH AS A FOREIGN LANGUAGE

Annotation. *This article describes the role of eliciting while learning English as a foreign language. Additionally, here is given some strategies and tips using eliciting during the lesson effectively.*

Key words: *eliciting, eliciting as a basic technique, learner-centered classroom, teacher-centered classroom.*

Аннотация. *В этой статье описывается роль извлечения информации при изучении английского языка как иностранного. Кроме того, здесь приведены некоторые стратегии и советы по эффективному извлечению информации во время урока.*

Ключевые слова: *извлечение, извлечение как базовая техника, в центре внимания ученика, в центре внимания классного учителя.*

The role of the English language is evident to students who wish to get a decent education. Its knowledge allows you to study at any university. Almost in any large library there are books in English. Detectives, novels, poems and other works can be read in the original, using a foreign language. No less valuable are the originals of technical literature. Thanks to English, you can more thoroughly explore the equipment or equipment of interest. The relevance of learning English can also be explained by the rapid development of technology. Every year, experts from around the world create new inventions. They are given names that are most often English-speaking.

The English language is the most important communicative tool at the international level. Modern man cannot use the latest benefits of civilization without certain linguistic knowledge. All spheres of our vital activity to some extent require knowledge of the English language. Learning English is becoming more and more sought after. Any modern person should own it at least at the basic level. English plays an important role in our lives. Its knowledge is necessary for people of all ages. English is associated with all spheres of life. Those who is going to get a prestigious education or job cannot do without it. Employees speaking English earn more than those who do not know it. This fact can serve as an excellent incentive to learn English vocabulary and grammar at any age. The importance of English in the modern world at the moment is quite large. Quite recently it was for us a foreign language, and today it is international. In all countries of the world, the study of English is of great importance. Almost everyone dreams of studying it at least at the initial level. Today, children begin to learn this language even at preschool age. Many do not understand whether English is needed in the modern world. However, it's not a secret for anyone that today he plays an important role in the job placement. People who want to find a prestigious and highly paid position must necessarily know the English language well. This is due to the fact that large firms often cooperate with foreign partners. To date, English is an international language. They need to

have a good enough knowledge to negotiate fully and conclude deals with foreign partners. Travelling in English-speaking countries is possible only if you know and understand foreign speech. It's no secret that today almost every person wants to go on vacation abroad. Thanks to the knowledge of English, you can easily communicate with people not only in English-speaking countries. There is a certain percentage of the population in any part of the world who can understand foreign speech. English is also well owned by people whose work is connected with tourists. In the event that you know a foreign speech, you can always easily ask for help in a foreign country.

Eliciting (elicitation) is term which describes a range of techniques which enable the teacher to get learners to provide information rather than giving it to them. Commonly, eliciting is used to ask learners to come up with vocabulary and language forms and rules, and to brainstorm a topic at the start of a skills lesson. The definition of the term in the Dictionary of Language Teaching and Applied Linguistics, 'Techniques or procedures which a teacher uses to get learners to actively produce speech or writing', suggests that there may be wider applications.

Eliciting is based on several premises:

- Collectively, students have a great deal of knowledge, both of the language and of the real world. This knowledge needs to be activated and used constructively
- The teaching of new knowledge is often based on what the learners already know
- Questioning assists in self-discovery, which makes information more memorable.

Eliciting helps to develop a learner-centred classroom and a stimulating environment, while making learning memorable by linking new and old information. Eliciting is not limited to language and global knowledge. The teacher can elicit ideas, feelings, meaning, situations, associations and memories. For the teacher, eliciting is a powerful diagnostic tool, providing key information about what the learners know or don't know, and therefore a starting point for lesson planning. Eliciting also encourages teachers to be flexible and to move on rather than dwell on information which is already known.

Tips for eliciting

- Eliciting is a basic technique and should be used regularly, not only at the beginning of a lesson but whenever it is necessary and appropriate.
- Don't try to 'pull teeth'. Prolonged silence or incorrect answers suggest that input is required from the teacher.
- Don't ask students to repeat incorrect answers, but ask a variety of students to repeat a good answer.
- Acknowledge or give feedback to each answer with gestures or short comments.
- Provide sufficient context or information. Eliciting differs from Socratic questioning in that it is designed to find out what the learners know rather than to lead them to a conclusion which only the teacher knows.
- Learners can elicit from each other, particularly during brainstorming activities. This helps to build confidence and group cohesion as well as shifting the focus away from the teacher.

- At lower levels, more guided questioning is needed. Open-ended questions should be avoided as the learners are unlikely to have the language to answer them to their own satisfaction.

The success of eliciting depends largely on the attitudes of teachers and learners to their respective roles. Ideally it promotes the notion of an exchange of information, helps to break down traditional teacher-centeredness, and begins to establish a variety of interaction patterns in the classroom. It is also fundamental to the inductive approach to teaching language and to learning through tasks and self-discovery, and a simple and effective way of getting learners to produce language. This is linked to the point above- if you are responding to all student suggestions with "Good idea", "Very imaginative", "That's correct English, but not what I was looking for" etc, the right answer might not stick in students' minds, and the fact that it was the right answer might even be completely missed by distracted students.

REFERENCES:

1. Catherine Soanes, Angus Stevenson. Oxford Dictionary of English 3rd edition/ Oxford University Press: 2003.
2. Harmer Jeremy. The Practice of English Language Teaching/ Longman. - London: 1991.
3. Кунанбаева С.С. Теория и практика современного иноязычного образования/ Алматы, 2010. С.106
4. <https://www.teach-this.com/ideas/eliciting>
5. <https://www.teachingenglish.org.uk/article/eliciting>

Nosirova Dilfuza Nabieвна
an English teacher Andijan region law school
(Andijan, Uzbekistan)

THE PLACE OF ENGLISH IN THE WORLD

Annotation. *This article discusses the fact that English is the language of today's society, its history, the importance of English for human beings and its use as the official language of Europe and the main technical language of the world.*

Keywords: *English language, official language, society, words.*

English is the language of today's society. It is impossible to get a good job without knowing it, to go on a trip and communicate without it. This language has a special 'respect' in each country. By studying it carefully, you can discover a new technological world for yourself and gain a lot of interesting information in this world.

The history of the birth of the English language goes back to Germany. In the Middle Ages, Germanic tribes invaded British territory, once occupied by the Romans, and a new incomprehensible language emerged during the conversation. Old English is different from today. For example, the word "bride" translates as "bride", and in the ancient language it means the process of preparing food.

Many words have been changed since then, not only the sound but also the meaning and spelling of the words have changed. It is also known that until the 15th century, there were no punctuation marks in the language.

English is very important to a person, but there are a number of shortcomings and difficulties in any method of learning it, including distance learning. They should be taken into account when planning lessons. Today, more and more parents want to teach their children English. This can be easily understood by the fact that this language is international. Anyone who speaks English can more or less express themselves in almost every country in the world. It is the official language of Europe and the main technical language of the world, and is also important for the youth of Uzbekistan. For similar reasons, study is very important and a priority. Distance learning has both positive and negative consequences. In this type of education, children are often at home. This means that they do not have to go to a certain place to learn English. They may already be learning in an environment that is comfortable for them, perhaps reducing some of the anxiety they may be experiencing. While its convenience is of great benefit to many, it does present problems that may reduce a student's ability to learn and fully understand English.

At the same time, the world around us offers a variety of tools for people to learn English. There are many schools that teach in different ways and allow you to learn it at home and do your homework. However, for most people, learning a foreign language is a long and painful process, despite the ease of providing information and the variety of tools available. Often, people refuse additional education, citing a lack of appropriate skills and abilities. It's not like that. Anyone can learn a foreign language because they have learned at least one language - their own.

Many English-speaking people have always argued that the language has become very popular because of its simplicity and everyday life. However, this theory deserves to be rejected. Imagine that there are more than 800,000 words in this language. Not only words but also synonyms are very rich in pronunciation. For example, the translation of the word "drunk" means "drunk", which is a synonym for the simple word 2241, which is a very large number. This record is even included in the Guinness Book of Records. Obviously, you can't find one in any other language.

Each language has its own pronunciation, spelling and pronunciation. English is no exception. Let's look at a few examples: the translation of the word rhythms is rhythms. The word has no vowels and is considered the longest word of its kind in English.

The English language does not stand still, it is constantly updated with new words. This is also very important for learning the language better.

Based on the above facts, it can be concluded that this language is still the crown jewel of the languages that mankind has been using for communication for many, many years ('perhaps centuries'). Its study is the main goal of all students, learners and ordinary people who are ready for continuous development.

REFERENCES:

1. Gibatova V. Yu. Language difficulties in learning a foreign language Festival of pedagogical ideas "Open lesson". - 2014.
2. Saidkasimova, A. S. The main problems in distance learning English. 2014
3. <https://odam.uz/>

Olimjonova Iroda Ahmadjon qizi
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti
Sharq filologiyasi va tarjimashunoslik fakulteti
Arab filologiyasi kafedrası
3–kurs talabasi
(Tashkent, Uzbekistan)

ARAB TILIDA MASDAR VA UNING IFODALANISHI

Annotatsiya. Mumtoz va zamonaviy arab tili sarfu-nahvga bag'ishlangan ilmiy tadqiqotlarga yildan-yilga ortib bormoqda. Arab tiligagina xos bo'lgan grammatik jihatlarini keng ko'lamda ko'rib chiqib, uni chuqur tahlil qilish bugungi kunning dolzarb talabidir. Mazkur maqolada arab tilidagi masdarlar, ularning ifodalanishi, o'ziga xosligi, hosila boblaridagi o'zgarishlari, ularning semantik xususiyatlari kabi masalalarni tahlil etiladi.

Kalit so'zlar: Masdar, birdan ortiq ma'noga ega fe'llarning masdarlari, substantivatsiya hodisasi, masdar vaznlari.

Ma'lumki, harakat nomi arab tilida masdar (مَصْدَر) deyiladi va fe'lidagi ma'noni shaxs va sondan, zamondan va jinsdan holi tarzda ifodalaydi. U o'zbek tilidagi "o'qish", "yozish", "yugurish", "saylov", "tanlov" kabi harakat nomlari shakllariga mos keladi.

Masdar mazmunan fe'lga o'xshasa-da, zamon(tugallanganlik – tugallanmaganlik), shaxs, daraja ko'rsatkichlariga ega emasligi bilan undan farq qiladi. Grammatik xususiyatlari – kelishiklarda turlanishi, aniqlik – noaniqlikda o'zgarishi, son va jins ko'rsatkichlariga ko'ra ism guruhidagi ot turkumiga kiradi. Masalan;

- خَرَجَ – chiqdi/خُرُوجٌ – chiqish;
- يَدْخُلُ – kiradi – دُخُولٌ – kirish;

Harakat nomi ham arab tilida ma'lum bir vazn turlariga ega. Uch o'zakli fe'llarning I bob masdarlarining 50 ga yaqin vazni ma'lum. Ammo qaysi fe'lga qaysi vazndagi masdar to'g'ri kelishini belgilaydigan sobit qoidalar yo'q. Bundan tashqari, arab tilida birdan ortiq ma'noga ega fe'llar ko'p. Ularning har bir ma'nosiga xos masdarlar bo'lishi mumkin²². Masalan:

نَزَسَ : - yedirilib ketmoq, yo'q bo'lib ketmoq – نَزَسَ -yo'q bo'lib ketish

• o'qimoq - يَرَسَ -o'qish

• yanchmoq - يَرَسَ - yanchish

بَلَجَ : - gullamoq – بُلُوجٌ -gullash

• sevinmoq, porlamoq – بَلَجَ -sevinish

حَسَبَ : - hisoblamoq, sanamoq – حُسْبَانٌ / حِسَابٌ - hisoblash, sanash

• o'ylamoq, ...deb hisoblamoq – حِسْبَانٌ - o'ylash, deb hisoblash

• oliynasab bo'lmoq – حَسَبَ -oliynasab bo'lish

خَبَرَ : - tajribaga ega bo'lmoq – خَبْرَةٌ -tajriba

• xabardor bo'lmoq – خَبَرَ -xabardor bo'lish

خَلَصَ : - samimiy bo'lmoq – خُلُوصٌ -samimiy bo'lish

²² А. Абдужабборов. Араб тили – Тошкент: Тошкент ислом университети. 2005. б. 141-142

- xalos bo'lmoq - خَالَصَ - xalos bo'lish

Har bir bob fe'lining o'ziga xos masdar vaznlari mavjud. Bular ichida eng sermahsuli va murakkabi I bob fe'lidir. Chunki I bobdagi har bir fe'ldan masdar o'ziga xos vaznda yasaladi. Masalan;

- نَصَرَ - نَصْرٌ - نَصْرٌ - yordam bermoq - yordam (berish);
- عَلَّمَ - عَلَّمَ - عَلَّمَ - bilmoq - bilish;
- كَبَّرَ - كَبَّرَ - كَبَّرَ - buyuk bo'lmoq - buyuklik;
- ضَحَكَ - ضَحَكَ - ضَحَكَ - kulmoq - kulish;
- شَكَرَ - شَكَرَ - شَكَرَ - shukur qilmoq - shukur qilish;
- طَلَبَ - طَلَبَ - طَلَبَ - talab qilmoq - talab qilish;
- خَالَصَ - خَالَصَ - خَالَصَ - xalos bo'lmoq - xalos bo'lish;
- نَبَّحَ - نَبَّحَ - نَبَّحَ - vovullamoq - vovullash;
- نَفَرَ - نَفَرَ - نَفَرَ - qo'rqmoq - qo'rqish, qo'rquv
- سَلَّمَ - سَلَّمَ - سَلَّمَ - sog'lom bo'lmoq - sog'lom bo'lish;
- تَجَرَ - تَجَرَ - تَجَرَ - savdo qilmoq - savdo qilish;
- رَحِمَ - رَحِمَ - رَحِمَ - rahm qilmoq - rahm qilish;
- تَجَرَّبَ - تَجَرَّبَ - تَجَرَّبَ - tajribaga ega bo'lmoq - tajribaga ega bo'lish;
- قَدَرَ - قَدَرَ - قَدَرَ - qodir bo'lmoq - qodir bo'lish;
- غَلَبَ - غَلَبَ - غَلَبَ - g'alaba qozonmoq - g'alaba(qozonish);
- خَرَبَ - خَرَبَ - خَرَبَ - xaroba bo'lmoq - xaroba bo'lish;
- قَبِلَ - قَبِلَ - قَبِلَ - qabul qilmoq - qabul (qilish);
- خَرَجَ - خَرَجَ - خَرَجَ - chiqmoq - chiqish;
- رَجَلَ - رَجَلَ - رَجَلَ - jo'namoq - jo'nash;
- سَهَّلَ - سَهَّلَ - سَهَّلَ - yengil bo'lmoq - yengil bo'lish;
- يَمَنَ - يَمَنَ - يَمَنَ - yomon ko'rmoq - yomon ko'rish
- نَفَرَ - نَفَرَ - نَفَرَ - nafratlanmoq, jirkarmoq - nafratlanish, jirkarish;
- عَلَّمَ - عَلَّمَ - عَلَّمَ - bilmoq - bilish;
- كَحَرَ - كَحَرَ - كَحَرَ - kechirmoq - kechirish;
- يَمَنَ - يَمَنَ - يَمَنَ - yaltiramoq - yaltirash;
- سَكَنَ - سَكَنَ - سَكَنَ - istiqomat qilmoq - istiqomat qilish;
- ذَكَرَ - ذَكَرَ - ذَكَرَ - xotirlamoq - xotirlash, xotira;

Masdarlar fe'l nomibo'lib, undan yasalgani uchun, fe'ling xususiyatlarini saqlab qoladi.

Agar fe'l o'timli bo'lsa, undan hosil bo'ladigan masdar ko'p hollarda **فَعْلٌ** vaznida yasaladi²³. Aynan shu hol va mazmunda masdar ham fe'ling o'timlilik xususiyatlarini saqlab qoladi. Masalan;

ضَرَبَ urmoq o'timli fe'ldan ضَرْبٌ urish so'zi hosil bo'ladi.

Agar fe'l o'timsiz bo'lsa, ushbu fe'ling masdarlari ko'pincha quyidagicha bo'ladi:

a. Fe'l **فَعْلٌ** vaznida bo'lsa, masdar **فَعْلٌ** qolipida - خَرَجَ - خَرَجٌ (chiqmoq - chiqish)

b. Fe'l **فَعْلٌ** vaznida bo'lsa, masdar **فَعْلٌ** qolipida - فَرَحَ - فَرَحٌ (xursand bo'lmoq - xursandchilik)

²³ Б.М. Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно- историческом освещении – Москва: «Восточная литература» РАН 2001

Uch undoshli fe'llarning I bobidan yana **مَدَّ** qo'shimchasini qo'shish orqali **مَدَّدَ**, **مَدَّدَتْ**, **مَدَّدُوا** vaznlaridagi **مَدَّدَ** yasallashi mumkin²⁴:

0. **مَدَّدَ** - **مَنْظَرٌ** - manzara
1. **مَدَّدَ** - **مَغْرِبٌ** - mag'rib
2. **مَدَّدَ** - **مَرْحَمَةٌ** - marhamat
3. **مَدَّدَ** - **مَعْرِفَةٌ** - ma'rifat

Masdarlar fe'ldan yasalgani bilan grammatik xususiyatlariga ko'ra otga ko'proq o'xshab ketadi. U tarvin qo'shimchasini qabul qiladi, ikkilik soni ot kabi qo'shimchaga ega va otlar kabi kelishiklarda turlanadi. Masalan,

0. Bosh kelishik - **قَبُولٌ** - qabul - ikki qabul;
1. Qaratqich kelishigi - **قَبُولَيْنِ** - qabulning - ikki qabulning;
2. Tushum kelishigi - **قَبُولَيْنِ** - qabulni - ikki qabulni;

Shu bilan birga masdarlarning fe'llik xususiyati ham yo'q emas. Masdar hosil bo'lgan fe'l qaysi predlogni talab qilsa, masdar ham to'ldiruvchi yoki holni o'sha predlog yordamida boshqaradi. Masalan,

1. Men ko'chaga chiqdim - **خَرَجْتُ إِلَى الشَّارِعِ**
2. Ko'chaga chiqish - **الْخُرُوجُ إِلَى الشَّارِعِ**
3. Uyga ega bo'ldi - **حَصَلْتُ عَلَى الْبَيْتِ**
4. Uyga ega bo'lish²⁵ - **الْحُصُولُ عَلَى الْبَيْتِ**

Agar fe'l o'zidan keyingi otni tushum kelishigi yordamida boshqarsa, shu fe'lning masdari o'sha ot bilan izofa hosil qiladi. Ya'ni o'timli fe'lning masdari fe'l tomonidan boshqarilib kelayotgan ism (fe'lning to'ldiruvchisi) bilan izofa birikmasi tuzadi. Masalan,

زَرَعَ الْفُطْنَ - U paxta ekdi - **زَرْعُ الْفُطْنِ** - Paxta ekish

رَكِبَتِ الطَّائِرَةَ - Samalyotga o'tirdik - **رُكُوبُ الطَّائِرَةِ** - Samalyotga o'tirish

Barcha tillarda bo'lgani kabi arab tilida ham ko'pchilik so'zlar, shu jumladan masdarlar ham otlashadi. Bu hol **substantivatsiya**²⁶, deb yuritiladi. Masalan,

عَلِمَ - **عِلْمٌ** - bilish - ilm

طَلَبَ - **طَلَبٌ** - talab qilish - talab

Bular otga aylanganidan keyin otlar qanday xususiyatga ega bo'lsa, ular ham shunday xususiyatlarni qabul qiladilar - ko'plik shakliga ega bo'ladilar:

عَلِمَ - **عُلُومٌ** - ilmlar

طَلَبَ - **طَلَبَاتٌ** - talablar

Eng muhimi shundaki, ular masdar kabi "nima qilish" savoliga emas, "nima" savoliga javob bo'lib keladi.

Masdarlarning aytib o'tilgan grammatik xususiyatlari faqat I bob uchun emas, balki barcha boblar uchun umumiydir.

Yuqorida keltirib o'tilgan misollardan ko'rinib turibdiki, fe'llarning masdari har xil vaznga ega va ularning barchasini yodda saqlab qolish qiyin. Ishni yengillatish maqsadida zamonaviy

²⁴ Халидов Б.З. Учебник арабского языка. - Ташкент: Ўқитувчи, 1977 г. 256 с.

²⁵ В.И. Лебедев, Л.С.Тюрева. Практический курс арабского литературного языка: вводный курс - Москва: Юрайт. 2017 г. 222 с

²⁶ Ибрагимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси.- Наманган: "Наманган" нашриёти. 2009й. б 144-145

lug'atlarda har bir I bob fe'lidan keyin o'sha fe'lning masdari yozib qo'yilgan bo'lib, shu lug'at orqaligina masdarning vaznini bilib olish mumkin.

Uch o'zakli fe'llardagi I bob masdarlarining qoliplari bir necha xil ko'rinishga ega bo'lsa, qolgan hosila bob masdarlarining muayyan, maxsus vaznlari mavjud:

II - تَفْعِيلٌ - تَخْصِيْنٌ - yaxshilamoq - yaxshilash

جَرْبٌ - تَجْرِبَةٌ - sinab ko'rmoq - sinash

III - جَدَالٌ - فَعَالٌ - جَدَالٌ - tortishmoq - tortishuv

حَاكَمٌ - مُفَاعَلَةٌ - مُحَاكَمَةٌ - muhokama qilmoq - muhokama qilish (sud jarayoni)

IV - اِكْرَمٌ - اِفْعَالٌ - اِكْرَامٌ - izzat - ikrom ko'rsatmoq - izzat ikrom

V - تَكْسَرٌ - تَفْعَلٌ - تَكْسَرٌ - sinmoq - sinish

VI - تَبَادُلٌ - تَفَاعُلٌ - تَبَادُلٌ - o'zaro almashmoq - o'zaro almashish

VII - اِنْقِلَابٌ - اِنْقِطَعٌ - اِنْقِلَابٌ - to'ntarilmoq - to'ntarilish

VIII - اِغْتَبَرٌ - اِفْتِعَالٌ - اِغْتَبَرٌ - e'tiborga olmoq - e'tiborga olish

IX - اِخْمَرَارٌ - اِفْعَالٌ - اِخْمَرَارٌ - qizarmoq - qizarish

X - اِسْتِخْرَاجٌ - اِسْتِفْعَالٌ - اِسْتِخْرَاجٌ - chiqarmoq - chiqarish

فَعِيلٌ va فِعْلٌ vaznlari orqali hosil bo'ladigan masdarlar ko'pincha, "baland ovoz chiqarmoq" ma'nosini beradi, bu holat asosan hayvon tovushlariga xos bo'lgan holatlarda kuzatiladi:

➤ صَهْلٌ - صَهْلٌ - kishnamoq - kishnash;

➤ نَعَبٌ - نُعَابٌ - نَعَبٌ - qag'illamoq - qag'illash;

➤ نُبَاحٌ - نُبَاحٌ - vovullamoq - vovullash;

فَعَالٌ vaznidagi masdarlar " ... kasallik bilan og'rimgoq" ma'nosini ham anglatib keladi:

● عَطَسٌ - عَطَسٌ - aksirmoq - aksirish;

● سَعَلٌ - سَعَلٌ - yo'talmoq - yo'talish;

فَعَالَةٌ vazni orqali hosil bo'lgan masdarlar biron bir soha yoki kasb - hunar ma'nolarini beradi: تَجَارَةٌ, صِنَاعَةٌ

خُضْرَةٌ, صُفْرَةٌ vaznidagi masdarlar rang-tusni ifodalaydi:

Xulosa o'rinda shuni nazarda tutish kerakki, arab tilida I bob birdan ortiq ma' noga ega fe' llar, bir necha xil masdar vaznlariga ega bo' lish mumkin holatlari kuzatiladi. Shu bilan birga masdar gap tarkibida kelganda bosh bo' lak hamda ikkinchi darajali bo' lak vazifasini bajarishi ham mumkinligining guvohi bo'ldik.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. - Ташкент: Ўқитувчи, 1977
2. Ибрагимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. - Наманган: "Наманган" нашриёти. 2009
3. Хасанов М., Абзалова М. - Араб тили дарслари. - Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016
4. Баранов Х.К. Арабско - русский словарь. - Москва: Русский язык. 1989
5. В.И. Лебедев, Л.С. Тюрева. Практический курс арабского литературного языка: вводный курс - Москва: Юрайт. 2017
6. Б.М. Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно- историческом освещении - Москва: «Восточная литература» РАН 2001
7. А. Абдужабборов. Араб тили - Тошкент: Тошкент ислом университети. 2005

8. "Ан-Наим" луғати"Абдулла Қодирий мероси" номидаги нашриёт. Тошкент-2012
9. القاهرة. العربية الدروس جامع غلاييني مصطفى. 2013.
10. الكويت. النحوية الدروس. ناصف حفي. 2006.

Shukrullayeva Gulrux
BuxDU
matnshunoslik va adabiy manbashunoslik
yoʻnalishi 2-bosqich magistranti
(Bukhara, Uzbekistan)

“SANOBAR”DOSTONINING VUJUDGA KELISH VA OʻRGANILISH ASOSLARI

Xalqimizning dastlabki maʼnaviy xazinasini boʻlgan ogʻzaki va yozma epik ijodi koʻp asrlik boy tarixga egadir. Bu tarix ibtidoiy jamiyat odamlarining tabiat hodisalarini bilan boʻlgan munosabatlari natijasida yuzaga kela boshlagan va miflar, sehrli-fantastik eʼrtaklar, rivoyatlar, qahramonlik dostonlari, xalq kitoblarigacha boʻlgan jarayonlarni oʻz ichiga qamrab olgan. Bu kabi ijod namunalari XVII – XIX asrlarda ham mavjud boʻlib, “Tohir va Zuhra”, “Oshiq Gʻarib va Shohsanam”, “Sayyod va Hamro”, “Asli va Karam”, “Yusufbek va Ahmadbek”, “Alibek bilan Bolibek”, “Xurshid va Malikayi Dilorom” kabi dostonlar, ularning folklor va xalq kitobi variantlari tarqaldi.

Xalq kitoblari bizgacha roviylar, qissaxonlar va kitobat holda yetib kelgan. XIX asrning ikkinchi yarmiga kelib bunday asarlarga nisbatan talabning kuchayishi va kitob chop etishning paydo boʻlishi bilan ularning navlari va tarqalish doirasi kengaygan. Xalq kitoblari haqida nazariy jihatdan turli taʼriflar beriladi. Jumladan, “Xalq kitoblari” – bu, el –yurt orasida tildan-tilga koʻchib yurgan ogʻzaki ijod durdonalarini xalq shoirilari yoki xattotlar tomonidan koʻchirilgan, qayta ishlanib, kitobat qilingan asarlardir”.²⁷

Oʻzbek adabiyoti tarixida koʻplab muallifi nomaʼlum xalq kitoblari uchraydi, ularda shu asarning taʼlif qilingan vaqti, joyi, muallifi, hatto kotibi ham koʻrsatilmaydi. Ana shunday muallifi nomaʼlum boʻlgan anonim xalq kitoblaridan biri “Sanobar” qissasidir. Bu asarning muallifi Shaydoyi deyilgan oʻrinlar ham mavjud boʻlib, bu qissaning turkmancha variantiga nisbatan aytiladi, “Sanobar”ning oʻzbek tilidagi varianti muallifi esa hamon nomaʼlumligicha qolmoqda. Binobarin, bu doston qachonlardir folklor namunasi sifatida ommalashib, qissaxonlar, roviylar ijrosida qayta ishlanish jarayonida xalq kitobiga aylangan. Shuning uchun qissaning ijodchisi issagoʻy va roviylar boʻlgan, deyish mumkin.

“Kitobi Sanobar” asari Umar Boqiy tomonidan nasriy qissaga aylantirilgan boʻlib, asarda xalq qahramonligi tasviri boʻrtib koʻzga tashlanmaydi, obrazlar juda nozik hissiyotlarga berilgan qilib tasvirlanadi, yozma adabiyotga xos poetik uslub, kitobiy til xususiyatlari yaqqol koʻzga tashlanib turadi hamda sheʼriy parchalar klassik poetik janr va shakllarda keltiriladi, bu esa asarning aniq adabiy manbaga ega ekanligini koʻrsatadi.

“Xalq kitobi “Sanobar” oʻzbek va turkman xalqlari orasida “Gul Sanobar”, “Kitobi Sanobar”, “Sanobarjon”, “Dostoni shahzoda Sanobar” nolari bilan qoʻlyozma hamda toshbosma nusxalarda keng tarqalgan, sevib oʻqilgan.

Bu asarning Turkman xalq kitobi sifatida yaratilgan namunasining muallifi XVIII asr Turkman adabiyotining taniqli vakili Shaydoyidir. Mazkur asar kitobiy manba:XVI –XVII asrlarda

²⁷ Orzibekov R. Oʻzbek adabiyoti tarixi (XVII – XIX (I yarmi)asrlar). Oʻzbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamgʻarmasi nashriyoti. – T.: 2006. 20-bet.

maydonga kelgan fors-tojik tilidagi “Gul va Sanobar” asosida yaratilgan boʻlib, nasr va nazmda yozilgan. Voqealar bayoni nasrda berilib, qahramonlarning ruhiy holatlari, munosabatlari nazmda, xalq poetik ijodiga xos boʻlgan toʻrtliklar hamda aruz vaznida yozilgan muxammas formalarida ifodalangan. Shunga koʻra, asarning tili va poetikasi, tasviriy ifodalarida ham xalq ogʻzaki ijodi bilan klassik adabiyot anʼanalari uygʻunlashib ketgan. “Sanobar”ning oʻzbek xalq kitoblari shaklidagi variantlari sujet chizigʻi, mazmuni va boshqa xususiyatlari bilan Shaydoyi asariga juda yaqin turadi. Tili va ayrim detallari bilan farq qiladi xolos.

“Sanobar” qissasi bugunga qadar dastlab 1906-yilda qoʻlyozma asosida koʻchirilgan boʻlib, u xonqalik Roziya xalfaga tegishlidir. Soʻng asar 1908-yilda Toshkentda toshbosmada chop etiladi. Jaloliddin Joʻrayev 1906-yildagi qoʻlyozma nusxasi asosida “Kitobi Sanubar” nomi ostida qissani nashrga tayyorlaydi, ammo bu nashrda bir qancha oʻrinlarda xatoliklar mavjud boʻlib, folklorshunos olimlarimiz Safarboy Roʻzimboyev va Mamatqul Joʻrayev tomonlaridan asar xuddi oʻsha 1906-yildagi qoʻlyozma nusxa asosida “Gul va Sanobar” nomi bilan qayta nashr qilinadi. Ammo, hozirga qadar qissaning nashrlari chop etilgan boʻlsada, mazkur asar hali badiiy va ilmiy jihatdan chuqur tahlil etilmagan, unga xos boʻlgan poetik xususiyatlar umumiy tarzda yoritilgan-u, lekin uning toshbosma va qoʻlyozma nusxalari oʻzaro solishtirib tadqiq qilinmagan. Mazkur asarning qoʻlyozma nusxasidan parcha 2040 inv. raqami ostidada saqlanayotgan boʻlsa, XX asr boshlarida, yaʼni 1908-yilda Toshkentda chop etilgan toshbosma nusxasi esa Buxoro davlat universiteti axborot – resurs markazi huzuridagi qoʻlyozma va toshbosma kitoblar fondidagi toshbosma kitoblar roʻyxatida №83 Inv. raqami ostida saqlanmoqda(oʻlchami 22x13 sm, 21ta (3-24)bet). Shuningdek, Rahimboy Jumaniyozovning “Eski oʻzbek yozuvi” nomi kitobida dostonning foto-faksimelyasidan parcha kiritilgan.

“Sanobar” dostonning ogʻzaki varianti baxshilar repertuariga oʻtmagan.

Bugungi kungacha folklor adabiyotlarida ham, boshqa darslik va adabiyotlarda ham deyarli koʻzga tashlanmay kelayotgan folklor namunasi boʻlmish “Sanobar” yoxud “Gul va Sanubar” qissasining bugungi kungacha toshbosma va bir nechta qoʻlyozma nusxalari mavjud boʻlib, ular ilmiy va badiiy jihatdan qiyosiy tarzda toʻliq oʻrganilmagan. Bu esa oʻz-oʻzidan bugungi kun folklorshunos, adabiyotshunos va matnshunoslarning eng asosiy va dozarb vazifalaridan yana birini belgilab berishga asos boʻla oladi.

FOYDLANILGAN ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. M. Joʻrayev, J. Eshonqulov. “Folklorshunoslikka kirish”. Oʻquv qoʻllanma. – T.: “Barkamol fayz media”, 2017, 182 bet.
2. R. Orzibekov. Oʻzbek adabiyoti tarixi (XVII – XIX (I yarmi)asrlar). Oʻzbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamgʻarmasi nashriyoti. – T.: 2006. 272 bet.
3. Safarboy Roʻzimboyev, Mamatqul Joʻrayev. “Gul va Sanobar” 1906-yilgi qoʻlyozma nusxasi asosidagi nashr. 24bet.
4. Sh.Gʻ. Turdimov. Oʻzbek folklorshunosligining yangilanish tamoyillari. Oʻquv-uslubiy majmua. – T.: 2016. 80 bet.
5. www.folksentr.ru

Umarova G. S.
West-Kazakhstan State University n.a. Mahambet Utemisov
(Uralsk, Kazakhstan)

THE BEGINNINGS OF SYNERGY IN THE LINGUISTICS WORKS
ON GERMAN AND KAZAKH LANGUAGES BY V.I. DAHL

Умарова Гульнар Сидегаалиевна,
кандидат филологических наук, доцент
(Уральск, Казахстан)

Аннотация. В статье приводится трактовка термина «синергетика», начиная с трудов еще Пифагора и Гераклита, затем Гумбольдта и Соссюра. Делается акцент на истолковании данного термина в исследованиях современных ученых С.Г. Гураль и В.А. Масловой. Рассматриваются языковые оппозиции в географических наименованиях местностей в казахском языке, перенесенных в немецкий язык в процессе составления карты западной части Казахстана географом Циммерманом (1840). Эти языковые оппозиции были отмечены лингвистом, этнографом, писателем В.И. Далем (1801 – 1872). Им были написаны комментарий в статье «О карте Зауральских степей, изданной в Берлине».

Ключевые слова: синергетика, языковые оппозиции, географические наименования, казахский и немецкий языки, комментарий, лингвист-тюрколог.

Synergetics is an interdisciplinary field of modern linguistics that is rapidly developing. The term "synergy" means "joint action", emphasizing the consistent functioning of the parts and reflects the behavior of the system as a whole. Synergetics investigates systems consisting of larger (very large, "huge") number of parts, components or sub-systems, interacting in a complex way.

The so-called synergetic approach to social processes, culture, science, art, economics, and, finally, to education, is being discussed more and more at present. Careful examination of the synergetic approach to language deserves special treatment. In particular, S.G. Gural notes that the synergetic analysis of the language gives new knowledge about the meanings, the organization of communication processes, as well as the method of language learning [1, p. 7-9].

The fact that the direct transfer of synergy achievements into linguistics is a very complicated process, which prohibits approximate and simplistic view of the complex structure and typology of semantic spaces was marked by V.A. Maslova [2, p. 85-90]. The idea of oppositivism as an important principle of thinking, culture and language goes back to the writings of Pythagoras and Heraclitus, and then was transferred to language by Humboldt and Saussure. "The language is nothing but opposition" - wrote F.de Saussure.

Such were the language oppositions of the geographical names of localities in the Kazakh language transferred into the German language in the process of mapping the western part of Kazakhstan. These language oppositions were noted by a linguist, ethnographer, and

writer V.I. Dahl (1801 – 1872). He wrote a comment in the article "On the map of Trans-Ural steppes, published in Berlin" [3, p. 112]. Zimmerman was the author of this map published in the spring of 1840. "The pronunciation of Kaysak or Kyrgyz differs not only from Turkish but also Tatar, predominantly in the province", - Dahl points out in his article "On the map of Trans-Ural steppes published in Berlin".

Let's recall the facts of history: in the early nineteenth century, the scientific community of Russia had little information about the life of Kazakhs called Kyrgyz at that time. And the Kazakh scientific data did not exist at all. Thus, in "The Journal of Europe" the article "The reception and entertainment among the Kyrgyz", "Kyrgyz people", a most thorough article "On the Kyrgyz" – about the division into hordes, about the forms of governance, the rules of marriage and others were published. Different journals, such as: "Moscow Telegraph"(1825-1834), "Son of the Fatherland", "Library for Reading", "Telescope" and others predominantly published ethnographic materials of foreign countries and outlying areas of Russia. And these materials did not remain pure raw stuff, and were spread among educated people, served to some extent to the treasury of intellectual culture of the Russian society of the time, "- said Sergey Tokarev [4].

Some information on the Kazakh language was first introduced into scientific description by V.I. Dahl. In the 30-40-ies of the XIX century he was a deputy for special assignments at the Military Governor of the Orenburg region V.A. Perovsky. In addition to his service Dahl examines the ethnography of the peoples living in Russia, among them was the language and culture of the Kazakh people.

Dahl's fantastic ability to analyze various phenomena helped him to notice clearly what they had in common. This ability can be described with the words of Pascal: "Since all is sealed by natural and imperceptible ties that connect the most distant and dissimilar phenomena, it seems to me next to impossible to learn parts without the knowledge of the whole, as well as a thorough knowledge of the whole without the knowledge of all the parts".

The study of Turkic languages, and in particular, the Kazakh language, completely unexplored at that time made it possible for the modern linguists to classify Dahl as one of the first Türkology linguists. In numerous scientific papers, essays, and articles we find Dahl's detailed explanations on Kazakh words and phrases, and sometimes whole sentences, word order of the syntax of the Kazakh language. Let us analyse these papers.

As it was said above Dahl describes the pronunciation of sounds in the Kazakh language in his "On the map of Trans-Ural steppes, published in Berlin by Zimmerman" [3, pp. 131-132].

Considering the shortcomings of Zimmerman admitted in the map of the Kazakh steppes, Dahl proposes to use geographical names of areas, lakes, rivers, settlements that were given by the local people, "not with a lisp and without false corrections, otherwise it will be impossible to recognize this name after, seeing it somewhere else, and do not recognize it in the mouths of indigenous people, who do not know Turkish". As proof of the legality of the Kazakh toponymy in the Steppes mapping, Dahl wrote, "Mapping Serbia, Czechs land, nobody would dream to alter the names of places, rivers, and towns in the Russian manner on the pretext that the Russian language should be dominant, and the Serbian and Czech make some dialects of the aboriginal language" [3, p. 131-132]. The author proposes to preserve the writing

of the Kazakh words in the Russian or German maps if possible, without change, for example, the word "tau" (mountain), specific Kazakh diphthongs: *джа* (*dʒa*), *дже* (*dʒe*), *джи* (*dʒi*), *джу* (*dʒu*), the ending "tu", but not "ly". He uses such words as: *Джаман-Айрақлы* (*Jaman Ayrakly*), *Ходжа-Куль* (*Hodga-Cul'*) а.о. "Thus, the words *атлы* (*atly*), *бурклы* (*burkly*), *ғаклы* (*gakly*) being drawn up in the same model mean a man who has a horse, hat, mind" - Dahl gives the examples of Kazakh.

Dahl was very angry with the improper usage of the Kazakh word "aul" – Aule in this map. He gives the following explanation of the lexical meaning of the word: "Aul in Tatar is a village, residential location, and for the nomadic peoples it's a bunch of felt tents of the same family, which is always kept together, and consists of three or more, even twelve wagons. If, however, we admit that there are no constant settlements in the desert, and the nomadics are continually changing the places of settlement, so that there is hardly a spot somewhere in the desert, which would be for a time not roamed by the kaysaks and their auls, the mystery remains a mystery. The same can be said of the inscription "Zimovie of the Maly Horde on Aksakule, i.e. *Aksakal-Barby* (Winter settlement of the Smaller Horde on *Aksakule*). Winter settlements are countless, they stretch from the Urals to the Syr and beyond, and in no way can be shown on the map of this size" [3, p. 123]. This article provides an interpretation of the name of the Aral Sea, which Zimmerman erroneously, according to Dahl, calls "Aral-cul" or the "Aral-dyngiz" [3, p. 132].

Many Kazakh place names are actively used by Dahl in these articles: The Gulf of the Caspian Sea *Kultuk*, *Kara-Taman*, *Kara-Kumbez*, *Cape Kulanly*, where lots of wild asses live. He corrects Zimmermann's misspellings: *Tup-Karagan*, not *Tuck*.

Dahl explains the mistakes by the ignorance of the location and misrepresentations of the Kazakh words and concepts: "The lack of local information will make you miss the most important things". He himself has a thorough knowledge of the details of the Kirghiz Steppe, points to the wrong definition of the location of *Kalmykov*, *Orenburg*, *Saraichik* on the map of the steppe [3, p. 114].

So Dahl, a linguist, has managed to see the transmeasurment of the oppositional relations, because he was immersed in the language as a self-organized living environment. His synergistic analysis of the Kazakh toponyms placed into German gave an opportunity to obtain new knowledge of their meanings in the new language. Thus, in the early nineteenth century, Dahl saw that the direct transference of synergy achievements into linguistics is a very complicated process, which prohibits approximate and simplistic view of the complex structure and typology of semantic spaces.

REFERENCES:

1. Gural, S.K. Synergetics and lingvosinergetika / S.K. Gural // Bulletin of the Tomsk State University. – Ser. "Philology". – № 302. – 2007. – P. 7-9.
2. Maslova, V.A. Synergetics and linguistics: fashion or a new paradigm of knowledge? / V.A. Maslova//Uchenye Zapiski Tavricheskogo Universiteta. – Ser. "Philology". – Volume 20 (59). – № 1. – 2007. – P. 85-90.

3. Dahl V.I.: Orenburg region in the essays and scientific works of the writer/ Compiled and annotated: A.G.Prokofeva and [others]; introd. article G.P.Matvievskaya. – Orenburg: Orenburg publishers, 2002. – 478 p.
4. Tokarev S.A. History of Russian Ethnography (pre-October period) / SA Tokarev. – Moscow, 1966. – P. 184-185.

Umidulloh Bayoniy
filologiya fakulteti magistranti
SamDu
(Samarkand, Uzbekistan)

O'ZBEK TILIDA ITBO SO'ZLAR

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'zbek tilida "takror so'zlar" nomi ostida eng kam o'rganilgan itbo so'zlar haqida to'xtalib, uning mohiyati, tarixi, qaysi til grammatikasiga oidligi va uning ayrim turkumlarga uchrashishi haqida qisqacha ma'lumot beriladi.

Kalit so'zlar: Turkiy tillar grammatikasi, takror so'zlar, itbo so'zlar, lug'aviy ma'no.

Kirish. Turkiy tillar grammatikasi shu jumladan o'zbek tili grammatikasi dunyo tillari orasidagi eng qoidali grammatikalardan biridir. Lekin shunday bo'lsa-da, o'zbek tili grammatikasi to'liq o'rganilgan, aniq bir me'yorga solingan va barcha grammatik qoidalar o'rganilgan deb bo'lmaydi, buning dalillari juda ko'p, ulardan biri o'zbek tilining shevalarini to'laligicha o'rganilmaganidir. O'zbek xalqining so'zlashuv tilida eng ko'p faol ishlatiladigan katta-matta, oq-poq, choy-moy kabi grammatik qoida O'zbekiston o'zbek adabiy tili grammatikasida ham Afg'oniston o'zbek tili grammatikasida ham o'z ifodasini to'laligicha topmagandir. Ushbu grammatik qoida O'zbekistonda "takror so'zlar" nomi ostida noto'g'ri o'rganilmoqda. Bizningcha, ushbu grammatik qoida takror so'zlardan butunlay farq qiladi. Ushbu maqolada buni yoritishga urinamiz.

Asosiy qism. Itbo arabcha so'z bo'lib, ergashmoq, ergashib bormoq ma'nolarini beradi. Itbo so'zlar hokim va tobe holda birikib, ikki so'zdan tashkil topadi. Ushbu so'zlarning birinchi qismi ma'noli, ikkinchi qismi esa ma'nosiz (muhmal) bo'lib, birinchi so'zni ta'kidlab keluvchi so'zlardan iborat.

Itbo so'zlar birinchi so'zning fonetik ta'siri orqali paydo bo'ladigan so'zlardir-ki, ushbu so'zlarning aniq ma'nosi yo'q, va hech vaqt ham yakka holda qo'llanilmaydi. Bu so'zlar asosan nutqda uchraydigan so'zlardir. Ushbu so'zlarning birinchisini (ya'ni asosini) itbo va takror bo'lib keladigan qismini esa muhmal deyiladi, chunki takror bo'lib kelayotgan so'zning leksik ma'nosi bo'lmay, yetakchi so'zning fonetik ta'siri ostida paydo bo'lgan so'zdir.

Itbo so'zlarning qo'shma so'zlardan farqi ham shuki, qo'shma so'zlarning har ikkala qismi alohida ma'noga ega bo'lib, ularning har biri alohida qo'llanila oladi.

Itbo so'zlar O'zbekiston manbalarida turli olimlar tomonidan turlicha nomlanilgan. Bu haqda, Rozzoqova M. "ona tili darslarida qo'shma, juft va takroriy so'zlarni o'rgatish" bitiruv malakaviy ishida quyidagicha ma'lumot qayd etilgan: "N.K. Dmitriev, A.N. Kononov bunday qismlarni "aks sado so'zlar" Z. Ma'rufov "ma'nosiz so'zlar" U. Tursonov J. Muxtorovlar "taqlidiy qism" S. Usmonov "aks sado so'zlar yoki so'zlarning soyasi" deb aytadi.

Ba'zi darslik va qo'llanmalarda takroriy so'zlar bilan itbo so'zlarni almashtirib yuborilgan. Bizningcha, takroriy so'zning o'zi ikki marta takror kelishidir. Itbo so'zlarning birinchi qismi lug'aviy ma'nosiga ega, ikkinchi qismi esa lug'aviy ma'noga ega emas, u yakka holda ham qo'llanilmaydi. Masalan, o'roq-po'roq kabi itboiy tarkibni ko'rib chiqsak, ushbu so'zning birinchi qismi o'roq so'zining lug'aviy ma'nosi bo'lib, temirdan yasalgan bir buyum

nomi, lekin ikkinchi qismi esa lugʻaviy maʼnoga ega emas, balki birinchi soʻzning taʼsirida paydo boʻlgan soʻzdir.

Oʻzbek tilida itboiy tarkiblar eski paytlardan beri mavjud boʻlsa-da, haligacha ushbu soʻzlar yetarlicha oʻrganilmagan. Afgʻoniston oʻzbek tilida muhmal yo muhammilla atamasi itbo soʻzlar atamasi oʻrnida qoʻllaniladi. Biroq bu termin ushbu grammatik qoidani toʻliq yoritib bera olmaydi, chunki muhmal atamasi maʼnosiz degan maʼnoga ega, itbo soʻzlar esa ikki qismdan tashkil topgan boʻlib, hokim qism maʼnoli, tobe qism esa maʼnosizdir. Masalan, choy-moy soʻzini koʻrib chiqsak, choy hokim soʻz, buning lugʻaviy maʼnosi boʻlib; moy esa tobe, buning lugʻaviy maʼnosi yoʻq. Yuqoridagi misoldan natija olib, aytish mumkinki, itboiy tarkiblarning hokim qismi maʼnoli, tobe qismi esa maʼnosizdir. Bu grammatik qoidani atash uchun eng maʼqul termin itbo soʻzidir.

Itboiy tarkiblar turkiy tillarda, jumladan ozar tili va oʻzbek tilida uchraydigan grammatik qoidadir. Biz esa asosan oʻzbek tilidagi, qisman ozar tilidagi mavjud itbo soʻzlar haqida toʻxtalib oʻtamiz.

Bu grammatik qoidaga oʻxshash qoida oʻzbek tilida juda koʻp qoidalar mavjud boʻlib, bulardan biri, sifat darajasini oʻrttirish va kuchaytirish qoidalarini eslash mumkin. Sifatning oʻrttirma darajasini koʻrsatish uchun soʻzning talaffuziga qaraqanda, bir boʻgʻinli zoʻhid soʻzlar qoʻyilib, qip-qizil, bus-butun, sap-sariq, oppoq, koʻm-koʻk, toʻppa-toʻgʻri, soppa-sogʻ, quppa-quruq kabi grammatik qoidalarni eslash kifoya.

Fors tilida itbo soʻzlarni oʻrganish 1964 yili (hijriy 1342 yili) Jaʼfar Shaorning “Yagʻmo” jurnalining 181 – 184- sonlarida “Bahsi dar borai itbo” (“Itbo haqida bahs”) nomli maqolasini nashr etishi bilan boshlandi. U jurnalning 4 sonida oʻzining itbo soʻzlar haqidagi maqolarini nashr qildi. Muallif birinchi maqolada, tema haligacha fors tili grammatikasida oʻrganilmaganini haqida yozib, itbo soʻzlarini Arab manbalarida koʻrib chiqqan. Ikinchi maqolada, itbo soʻzlarni fors manbalarida tadqiq qilib, uning qoida-qonunlari haqida toʻxtalib oʻtgan. Uchinchi va toʻrtinchi maqolalarda, itbo soʻzlar roʻyxatini bergan. Muallif ushbu maqolalarda, itbo soʻzlar haqida soʻz yuritib, ularning kelib chiqishi va ravojlanishi haqida soʻz yuritmagan.

Eron olimlaridan Mahshid Mushiri, aloddin tabotabo, Mustaf Zokiriy va Mansura Karimiy Qahiyar ham itbo va itbo turlari haqida tadqiq etgan olimlardir. Bulardan Mustaf Zokiriy va Mansura Karimiy Qahiy ilmiy ishlar biz uchun juda unumlidir, chunki ular itbo soʻzlar tarixi haqida bahs qilib, aniq faktik dalillar bilan isbotlaganlar. Biz ularning asosiy fikrlarini ushbu maqolada keltirishni maʼqul koʻrdik.

Mustaf Zokiriy “Itbo va muhmalot dar zaboni forsiy” (“Fors tilida itbo va muhmallar”) degan asar yozib, Quronikarim, Avesto va Sanskritda itbo soʻzlarni tadqiq qilgan. U arab va fors tilida itbo va itbo turlari haqida soʻz yuritishdan tashqari, itbo soʻzlarni aniqlash haqida nazmiy va nasriy asarlarni tekshirib, shunday natija chiqargan: “itbo qadimgi va oʻrta eroniy tillar va hatto forsiy-dariyda mavjud emas, mumkin itbolashtirish boshlangʻichda arab tilidan taqlid qilingan boʻlib, keyinchalik, turkiy tilga ergashib paydo boʻlgandir” [1, 2002 (1381 h.) 143-bet].

Mansura Karimiy Qahiy oʻzining “Itbo dar zabon va adabi forsiy” (“Fors tili va adabiyotida itbo”) nomli maqolasida, fors tilida itbo tarixi haqida batafsil toʻxtalib, itbo soʻzlarni ishlatish haqida qiziqarli bahs yuritgan. Uningcha, ayrim lugʻatshunoslar itbo soʻzlarni oʻrganish tarixini 7-asrga (hij. 1-asr) yetkazsa-da, u notoʻgʻri. Uning fikricha, fors tilida itbo soʻzlarning oʻrganilish tarixi 19-asrga toʻgʻri keladi. Chunki fors tilining 12-asr (hij. 5-asr) yagona

lugʻatshunosi Asadiy Toʻsiyning “luʻgat furs” asarida barcha tarkiblar haqida bahs yuritilgan boʻlib, biroq itbo soʻzlar haqida soʻz yuritilmagan. Agarchi fors adabiyotining buyuk shoirlari, Roʻdakiy, Firdavsiy, Sanoiy, Anvari, Saʼdiy va boshqa shoirlar asarlarida itbo soʻzlarni ishlatgan, lekin itbo soʻzlarni oʻrganilishi esa 19-asrdir. Uningcha, itboiy tarkiblar 11 – 19-asrlar (hij. 4 – 13-asrlar)da ishlatilgan boʻlsa-da, 19-asrdagi itboiy soʻzlardan butunlay farq qiladi.

M.K. Qahiy itboiy tarkiblarni sheʼriy va nasriy asarlarda tadqiq etib, uch farazni qayd qiladi: birinchidan, qadimgi matnlarda kelgan itboiy tarkiblar itbo emas, lugʻat tuzuvchilar soʻz maʼnosini bilmasligi va shakl oʻzgarishlar tufayli xato qilib, itboiy tarkiblar sirasiga kirizishgan. Ikkinchidan, bu tarkiblar fors tilining zotida mavjud emas, balki arab grammatika (sintaksisi) taʼsiri ostida fors tilida oʻzlashgan. Uchinchidan, fors tili va adabiyotida sinonimik yozish orqali itboiy tarkiblar oʻrtaga kelgan.

Bizningcha, M.K. Qahiyning ushbu farazlari toʻgʻri, biroq u keyingi davrlarda fors tilida paydo boʻlgan itboiy tarkiblar haqida soʻz yuritilmaganligi ilmiy ishining kamchiligidir. Keyingi davrlarda paydo boʻlgan itboiy tarkiblar bevosita M. Zokiriyning farazidek, turkiy til grammatikasi taʼsirida paydo boʻlgan. Chunki keyingi davrlar fors-dariy tili bilan yaqin aloqada boʻlgan yagona til turkiy tillardir.

Shaor Jafarning Dehxudo lugʻatidan iqtibos qilishicha, “oto-uto” yo “oto va uto” ozar tilida itbo soʻzlardir. U “oto-uto” yo “oto va uto” soʻzini keltirib, hokim qismini maʼnoli soʻz ekanligini qayd etib, turkiyda (ozarchada) ota maʼnosi borligi, ammo “uto” esa ushbu tilda “oto” soʻzi bilan munosib maʼnosi yoʻqligi va lugʻatlarda ham qayd etilmaganligi sababli ushbu soʻz itbo soʻzdir deb qayd etgan [2, 281].

M. Zokiriyning faraziga tayanganda, qadimgi va oʻrta eroniy tillar va forsiy-dariy grammatikasida mavjud boʻlmagan, agar ushbu grammatik qoida arab tilidan kirib kelgan boʻlsa edi, ulardan koʻp namunalar kirib kelishi mumkin edi. Lekin bu qoida forsiy tilda koʻpincha forsiy soʻzlarda uchraydi. Masalan, raxtu paxt, shikastu mikast, kaju maj, kashu pash, murgʻu purgʻu kabi. Baʼzi arabcha soʻzlarda masalan, kitob-mitob, qalam-malam, maktab-paktab kabi soʻzlarda uchrasa-da, ushbu soʻzlar fors-dariy va turkiy tillar, jumladan, oʻzbek tilida ushbu soʻzlar mavjud.

Itboiy tarkiblar oʻzbek tilida koʻpincha “m” va “p” tovushlari bilan tuzish ancha koʻp uchraydi. Masalan, yulduz-mulduz, yosh-mosh, qari-mari, qishloq-mishloq, sut-mut, qoshiq-poshiq, oshiq-poshiq, oʻroq-puroq kabi.

Bizningcha, soʻzlarni itbolashtirish, maʼnoli soʻzlarni muhmal soʻzlar bilan ishlatish oʻzbek xalqining orasida juda qadimdan mavjud boʻlib, xalq nutqida faol ishlatilmoqda.

Eski adabiy tilda ham baʼzan itbo soʻzlar ishlatilgan; misol uchun Mavlono Binoyi Heraviy Zahiriddin Muhammad Bobur oralarida quyidagi qiziqarli yozishmaga diqqat qiling:

Mavlono Binoyi:

Ne gʻalla maro kazoʻ tavonam noʻshid
Ne muhmal gʻalla to tavonam poʻshid
Onroki na xoʻrdanastu ne poʻshidan
Dar ilmu hunar kujo tavonad noʻshid

Mazmuni: yegulik gʻallam bor, na kiyishga asragan kiyimim bor. Yedigani, kiydigani boʻlmagan kishi ilm va hunarga qanday urina olsun?

Zahiriddin Muhammad Bobur:

Ishlar bori ko'ngulungdagidek bo'lg'usidur,
In'omu vazifa bori buyrulg'usidur.
Ul g'allau muhmalki deb erding, berdim,
Muhmalg'a bo'yu g'alladin uy to'lg'usidur.

Bu yerda g'alla va muhmal itboiy tarkibda kelgan. [8, 1960. 142 – 143-betlar].

Eski o'zbek adabiy tilida arab va fors tilidan kirgan haraju marj, xonumon, toru mor kabi so'zlar shaklan itbo so'zlarga o'xshasa-da, aslida, itbo so'zlar emas, balki ular fors va arab tilida aniq ma'noga egadir. Masalan, xonumon so'zi qadimgi fors tilida xon (xona), u (bog'lovchi) va mon (uy asboblari) degan ma'no bergan. shuning uchun, bunday so'zlarni itboiy tarkib deya olmaymiz. Misol uchun Navoiyning ushbu baytida qarang:

Yana ne o't edi kim tushti xonumonimg'a,
Yana ne shu'la edi kim tushti jonimg'a.

“G'aroyib us-sig'ar”

Yana:

Vahki, o'tlug' chehra ochib, xonumonim o'rtading,
Otashin la'lingdin aytib unka jonim o'rtading.

“G'aroyib us-sig'ar”

Tor-u mor:

Sanam zulfidek aylabon tor-u mor,
Qo'porur edi borchamizdin dimor.

“Saddi Iskandariy”

Ani mo'r xayli shikor etmagay,
Talashmoq bila tor-u mor etmagay.

“Saddi Iskandariy”

O'zbek tilining eng sof va beg'ubor tili, haqiqatan ham, qishloqlarda saqlangan. Buning misollarini ba'zi qishloqlarda yashaydigan fors va arab tilini bilmaydigan xalq nutqlarida ko'rish mumkin. Afg'onistonda shaharda yashaydigan o'zbeklar orasida ajoyib nazarya mavjud, so'zlarni itbolashtirish (“muhmal ishlatish”) go'yo qishloq aholisi orasida tegishli bo'lgan. Buni isbotlash uchun Muhammad Halim Yorqinning “Vakolat dag'dag'alari” tanziy hikoyalar to'plamida “muhmal ishlatish” unvoni ostida qiziq hikoyasi mavjud:

“Boybuba, sizlar nima uchun so'zlashda har narsaga bir muhmal ham qo'shib: “mo'tar-po'tar”, “pul-mul” yo “mudir-pudir” deysizlar?!”

Ukam noto'g'ri eshitibsiz. Biz hech qachon bunday demaymiz. Uni biron “qishloqi-mishloqi” aytadi.

Ushbu tanziy hikoyadan oydinlashicha, itbolashtirish, ma'noli so'zlarni muhmal so'zlar bilan qo'shib aytish o'zbek tilining imkoniyati orqali ekanligini ta'kidlamoqda. Demak, itbolashtirish, ma'noli so'zlarni muhmal so'zlar bilan tuzish o'zbek tilining ichki imkoniyati va grammatik qoidalaridan biridir.

Nutqda itbo so'zlarni qo'llashga quyidagi sabab va maqsadlar bo'lishi mumkin:

1. Gap yoki so'zni kuchlantirish, ayniqsa, keskinlashtirish hamda so'zga ta'kidlash uchun: pul-muling bo'lsa, yordam ber (ozmi ko'pmi yordamingni ayama).

2. So'zni ohangli qilmoq va go'zallashtirmoq uchun: chora-mora, xas-mas, yer-mer.

Itbo soʻzlar soʻz turkumlarining mustaqil soʻz turkumlari ayniqsa ot, feʼl va sifat soʻz turumlariga koʻp uchraydi. Masalan:

Ot soʻz turkumi: oʻroq-poʻroq, yulduz-mulduz, qalam-malam kabi.

Sifat soʻz turkumi: sariq-mariq, shoʻr-poʻr, katta-matta kabi.

Feʼl soʻz turkumi: ishlab-mishlab, ketib-metib, borib-morib kabi.

Itboiy tarkiblar orasida chiziqcha (-) qoʻyiladi: yosh-mosh, yiqilib-miqilib kabi.

Xulosa. Itbo arabcha soʻz boʻlib, ergashmoq, ergashib bormoq maʼnolarini beradi. Itbo soʻzlar hokim va tobe holda birikib, ikki soʻzdan tashkil topadi. Ushbu soʻzlarning birinchi qismi maʼnoli, ikkinchi qismi esa maʼnosiz (muhmal) boʻlib, birinchi soʻzni taʼkidlab keluvchi soʻzlardirki, takror soʻzlardan butunlay farq qiladi.

Itbo soʻzlar turkiy til jumladan, oʻzbek tili grammatik qoidasidirki, bu grammatik qoida eski oʻzbek tilida ayniqsa keyingi davrlarda juda faol qoʻllanilmoqqa, va hatto fors-dariy tilida 16 – 19-asrlarda oʻz taʼsirini koʻrsatgan. Binobarin, ushbu grammatik qoida mohiyatini toʻliq oʻrganib chiqib, oʻzbek tili grammatikasida alohida oʻrin berishimiz kerak.

ADABIYOTLAR ROʻYXATI:

1. Zokriy Mustafo, Itbo va muhmalot dar zaboni forsiy, Tehron: Ixvon Xurosoniy, 2002 (1381 h.).
2. Shaor Jaʼfar, Bahsi dar boray itbo, yagʻmo, soli shonzdahum. Shumorai 181, 202 – 204, 1963 (1342 h.).
3. Mashiriy Mahshid, Farhang itbo va itbo sozi, Tehron: Ogohon ida, 2000 (1379 h.).
5. Karimiy Qahiy Mansura, Itbo dar zabon va adab forsiy, du faslnomai zabon va adabiyot soli 26, shumorai 85, 115 – 135, 2018 (1397 h.).
6. Bitirov malakaviy ishi, Rozzoqova M., ona tili darslarida qoʻshma, juft va takroriy soʻzlarni oʻrgatish, nukus, 2011.
7. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar toʻplami (20 tomlik), Gʻaroyib us-sigʻar, 3-tom, T.: Oʻzbekiston SSR “Fan” nashriyoti, 1988.
8. Alisher Navoiy, Saddi Iskandariy, nashrga tayyorlovchi V. Rahmonov, T.: Gʻafur Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2020.
9. Zahiriddin Muhammad Bobur, Boburnoma, T.: Oʻzbekiston SSR fanlar akademiyasi nashriyoti, 1960.

Usmonova Dona Satvoldievna
Head of Department
English Language Department,
Ruziyeva Hayotkhon
A student of MD department of FerSU
(Fergana, Uzbekistan)

LINGUISTIC ANALYSIS OF PUNS IN THE ENGLISH LANGUAGE

